

IX Белги Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида

СОҒЛОМ ЖАМОАТ НИМА?



МАРК ДЕВЕР

“Масихнинг бу дунё учун асосий режаси жамоат бўлиб, ҳеч қандай заҳира режа йўқ. Ҳар бир чўпон ва ҳар бир имонли киши соғлом жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳамда қандай қилиб ўз жамоатини иложи борица соғлом жамоатга айлантириш ҳақида билишга ҳаракат қилиши лозим. Марк Девернинг тушунишга осон ва самимий ушбу китоби бу борада сизга ёрдам беради. Бу дунё Исо Масихга ҳамда У ҳақидаги Хушxabарга муҳтож, бу эса соғлом жамоатларга ҳам муҳтож эканини англатади. Агар сиз ушбу иккита тушунча бир-бирига қандай боғлиқлигини тушунмасангиз, демак сиз бу китобни ўқишингиз керак.”

Кэвин ДэЁнг, Шимолий Каролинадаги
Christ Covenant Жамоатининг катта чўпони,
Reformed Theological Семинариясида Тизимли
Илоҳиётшунослик бўйича ассистент профессор

“Худбин бўлганимиз учун биз жамоатни ўзимиз истагандек шакллантиришга мойилмиз. Бироқ Марк Девер бизни Худо Ўз жамоати учун ният қилган нарсаларга диққат қилишга чақиради. Ҳар бир жамоат Худонинг Каломига биноан соғлом бўлишга интилиши лозим ва ҳар бир имонли киши ўзининг маҳаллий жамоатининг соғлом бўлиши ҳақида қайғуриши керак. Бу китоб имонли кишиларга Худонинг улугворлиги ва табиатини акс эттирувчи жамоатларни кўтаришда ёрдам берувчи жуда фойдали манба ҳисобланади.”

Южин Лоу, Сингапурдаги Grace Baptist
Жамоатининг етакчи чўпони

“Бу китобни ўқиш худди жазирама иссиқ кунда салқин ичимлик ичишга ўхшайди! Бу китоб ҳар томонлама – қисқа ва лўндалиги, амалий эканлиги, таълимоти ҳамда миссияга эътибор қаратганлиги менга ёқади. Мен хурсандчилик ва самимийлик билан уни чўпонларга ҳам, жамоат аъзоларига ҳам тавсия қиламан.”

Клинт Пресли, Чўпон, Hickory Grove Baptist
Жамоати, Шарлотт, Шимолий Каролина

“Мен ушбу китобдан ва унинг муаллифидан умримнинг охиригача миннатдорман. Экспозицион ваъз тинглаш ва соғлом жамоат аъзоси бўлиш ҳаётимни ўзгартириб юборди. Кейин ушбу китобнинг тамойиллари жамоатимни қандай ўзгартираётганини ҳам кўрдим. Сиз қайси юртда яшашингиздан ва маданиятингиздан қатъий назар, соғлом масиҳий бўлиш учун сизга соғлом жамоат керак. Ушбу амалий китобни ўқинг ва маҳаллий жамоатингизга нисбатан муҳаббатингиз ортиб борсин.”

Кэри Фолмар, “Аёллар маҳаллий жамоатда қандай қилиб руҳан ўсишлари мумкин?”
китобининг муаллифи

““Соғлом жамоат нима?” китоби масиҳийларни жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳақида Муқаддас Каломга асосланган эътиқодлар билан қайта таништиради. Экспозицион ваъздан тортиб умумий ибодатгача, Хушхабар

таълимотидан тортиб жамоат аъзолигигача ва бошқа кўп нарсаларда бу китобча жамоатнинг хусусиятлари ва хизматлари бўйича ишончли қўлланма бўлиб хизмат қилади. Жамоатингизнинг барча аъзолари учун ушбу китобнинг нусхасини олинг ва жамоатингиз учун мақсадингизни Худонинг Каломига мослаштиринг.”

Жэф Чанг, Тарихий илоҳиёт бўйича ассистент
профессор ва Midwestern Baptist Theological
Семинарияси қўшидаги Спержен кутубхонаси
(Spurgeon Library) куратори, “*Spurgeon the
Pastor*” китобининг муаллифи

“Муҳим ҳақиқатлар оддий сўзлар билан тушунтирилиши лозим. Ҳозир қўлингизда айнан шундай китобни, яъни жамоат борасида Каломга асосланган тушунчалар баён этилган китобни ушлаб турибсиз. Кўпчилик қариндошларимиз, дўстларимиз, қўни-қўшниларимиз ва ҳамкасбларимиз жамоат ҳақида нотўғри тушунчага эга, бу эса эътиқодга зарар келтиради. Бу китобни ўқиб чиқинг, бир нечта нусха кўчиринг ва бошқаларга тарқатинг. Марк Девер ушбу китобда баён этган ҳақиқатлар кўп одамларга ва маҳаллий жамоатларга фойдали бўлиши мумкин. Раббимизнинг жамоатдаги улуғворлиги янада ошиши учун бу китоб фойдали бўлсин.”

Кеннет Бугуа, Катта чўпон, Эммануил Баптист
Жамоати, Найроби, Кения

СОҒЛОМ ЖАМОАТ НИМА?

9 Белги: Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида

Таҳрирчилар Марк Девер ва Жонатан Лиман

*Каломий теология: Жамоат Хушхабарни қандай тўғри
ўргатади, Ник Роарк ва Роберт Клайн*

*Жамоат тартиб-интизоми: Жамоат Раббимиз Исонинг
номини қандай ҳимоя қилади, Жонатан Лиман*

*Жамоат оқсоқоллари: Қандай қилиб Худонинг халқини Исодек
боқиш керак, Жерами Ринни*

*Жамоат аъзолиги: Исонинг ким эканини дунё қандай билади,
Жонатан Лиман*

*Юқоридан тугилиш: Худа одамларни қандай яратади,
Майкл Лоуренс*

*Умумий сажда: Жамоат Худонинг халқи сифатида қандай
тўпланади, Мэтт Меркер*

*Диаконлар: Қандай қилиб улар жамоатни мустаҳкамлайди ва
хизмат қилади, Мэтт Слезорст*

*Шогирдлик: Исога эргашишида бошқаларга қандай ёрдам бериш
керак, Марк Девер*

Хушхабар тарқатиш: Қандай қилиб бутун жамоат Исо ҳақида гапиради, Ж. Мак Стайлс

Экпозицион ваъз қилиш: Бугун Худонинг Сўзини қандай айтамыз, Дэвид Хелм

Хушхабар: Қандай қилиб жамоат Масиҳнинг гўзаллигини акс эттиради, Рэй Ортланд

Элчилик хизмати: Маҳаллий жамоат қандай қилиб жаҳон миқёсига чиқади, Энди Жонсон

Ибодат: Биргаликда ибодат қилиш қандай қилиб жамоатни шакллантиради, Жон Онвучеква

Соглом таълимот: Қандай қилиб жамоат Худонинг севгиси ва муқаддаслигида ўсиб боради, Бобби Жеймисон

Соглом жамоат нима?, Марк Девер

Соглом жамоат аъзоси бўлиш нима?, Табити Энябъвилей

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАРНИ КЎТАРИШ ҲАРАКАТИДА

СОҒЛОМ ЖАМОАТ НИМА?

МАРК ДЕВЕР

CROSSWAY
WHEATON, ILLINOIS

BUILDING HEALTHY CHURCHES

WHAT IS A HEALTHY CHURCH?

MARK DEVER

CROSSWAY
WHEATON, ILLINOIS

Соғлом жамоат нима?
Марк Девер томонидан

Муаллифлик ҳуқуқи © 2026–йил
Марварид Хизматлари



What Is a Healthy Church?
By Mark Dever

Copyright © 2005, 2007, 2024 by Mark E. Dever and 9Marks

Published by Crossway, 1300 Crescent Street, Wheaton,
Illinois 60187

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks.

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved.

9Marks ISBN: 979-8-89218-241-6

Муқаддас Битиклардан парчалар 2024 Муқаддас Ёзувнинг Сўзма-Сўз Таржимасидан [МЁССТ] олинган. Рухсат билан ишлатилади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф томонидан киритилган.

Мен билган
садоқатли чўпонлар
Хэролд Пёрди,
Уолли Томас
ва Эд Хенегар учун
Худодан миннатдорман

МУНДАРИЖА

ТЎПЛАМЛАР УЧУН СЎЗБОШИ.....	17
Сўзбоши: МАСАЛ.....	19
Кириш: СИЗ ЖАМОАТДА НИМА ИЗЛАЯПСИЗ?	23

1–Қисм: СОҒЛОМ ЖАМОАТ НИМА?

1 СИЗНИНГ МАСИҲИЙЛИГИНГИЗ ВА ЖАМОАТИНГИЗ.....	31
2 ЖАМОАТ НИМА ... ВА НИМА ЭМАС?.....	45
3 ҲАР БИР ЖАМОАТ НИМАГА ИНТИЛИШИ ЛОЗИМ: СОҒЛОМ БЎЛИШГА	53
4 ХУДОНИНГ ТАБИАТИНИ НАМОЁН ҚИЛИШ УЧУН ЯКУНИЙ КЎРСАТМА	65
Муҳим маслаҳатлар: Агар жамоатдан кетиш ҳақида ўйлаётган бўлсангиз . . .	75

2–Қисм: СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

5 ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ ҚИЛИШ	83
6 ХУШҲАБАР ТАЪЛИМОТИ	91
Муҳим маслаҳатлар: Яхши жамоатни қандай топиш мумкин?	101

3–Қисм: СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ

7	ЮҚОРИДАН ТУҒИЛИШ ВА ХУШХАБАРНИ ТАРҚАТИШ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА.....	107
8	ЖАМОАТ АЪЗОЛИГИ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА.....	117
9	КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ЖАМОАТ ТАРТИБ- ИНТИЗОМИ	125
10	КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ШОГИРДЛИК ВА РУҲАН ЎСИШ	133
11	КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ЖАМОАТ ЕТАКЧИЛИГИ.....	141
12	ИБОДАТ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА ВА УНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ	149
13	ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА ВА УНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ	157
Хулоса: ШИНА ЙЎЛ БИЛАН ТЎҚНАШГАНДА (назария амалиётга тақдим этилганида).....		165
Илова: СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ ОДАТИЙ АҲДИ		171
АЛОҲИДА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР		173
МУҚАДДАС КИТОБГА ИҚТИБОСЛАР.....		175

ТЎПЛАМЛАР УЧУН СЎЗБОШИ

Соғлом жамоатни кўтариш сизнинг жавобгарлигингиз эканига ишонасизми? Агар сиз масиҳий бўлсангиз, бунинг шундай эканига ишонамиз.

Исо сизга шоғирд орттиришни буюрган (Матто 28:18-20). Яхудо ўзларингизни имонда мустаҳкамлашингиз лозимлигини айтган (Яхудо 20-21). Петрус эса сизга берилган инъомдан фойдаланиб, бошқаларга хизмат қилишга чақиради (1–Петрус 4:10). Жамоатингиз камол топиши учун Павлус сизни меҳр-муҳаббат билан ҳақиқатни айтишга даъват қилади (Эфесликлар 4:13, 15). Бу фикрларни қаердан олганимизни кўряпсизми?

Сизжамоатнинг оддий аъзоси ёки етакчи бўлишингиздан қатъий назар, “Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида” китоблар тўплами Каломдаги ана шундай амрларни адо этишингиз ва соғлом жамоат барпо қилишда ўз ҳиссангизни қўшишда ёрдам бериш учун ёзилган. Қисқача айтадиган бўлсак, Исо сизнинг жамоатингизни севгани каби, сиз ҳам жамоатингизга меҳр-муҳаббат кўрсатишда униб-ўсишингиз учун ушбу китоблар сизга ёрдам беришига умид қиламиз.

“9 Белги” ташкилоти Марк соғлом жамоатнинг тўққизта белгиси деб атаган ҳар бир белги ҳақида қисқа ва ўқишга осон китоблар ва яна бир нечта китоблар нашр этди. Экспозицион ваъз, Каломий теология, соғлом таълимот, Хушхабар, юқоридан туғилиш, Хушхабар тарқатиш, жамоат аъзолиги,

жамоат тартиб-интизоми, шогирдлик ва руҳан ўсиш, жамоат оқсоқоллари, жамоат диаконлари, ибодатлар, миссиялар ва умумий сажда ҳақидаги китобларни изланг.

Маҳаллий жамоатлар Худонинг улуғворлигини одамларга кўрсатиш учун мавжуд. Буни эса Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарга эътиборимизни қаратиш, қутқарилиш учун Унга имон келтириш, Худонинг муқаддаслиги, бирлиги ва муҳаббати билан бир-биримизни севиш орқали амалга оширамыз. Қўлингиздаги китоб сизга фойда бериши учун дуо қиламыз.

*Самимият билан, тўпламни таҳрир қилган Марк Девер
ва Жонатан Лиман*

СЎЗБОШИ

МАСАЛ

Худо аъзоларнинг ҳар бирини танада Ўзи хоҳлаганидек жойлаштиради. Агарда ҳаммаси битта аъзо бўлганида эди, тана қаерда бўлар эди? Аммо энди аъзолар кўп, тана эса биттадир. Кўз қўлга: “Сен менга керак эмассан”, ёки бош оёқларга: “Сизлар менга керак эмассизлар”, – деб айта олмайди. (1–Коринфликлар 12:18-21)

Жамоатда Бурун билан Қўл суҳбатлашмоқда. Қулоқ ва Оғиз бошчилигидаги тонгги хизмат ҳозиргина тугади ва Қўл Бурунга оиласи билан бирга бошқа жамоат топишга қарор қилганини айтаётган эди.

“Ростданми?” деди Бурун Қўлнинг гапини эшитиб. “Нега?”

“Билмайман,” деди Қўл ерга қараб. У одатда жамоат танасининг бошқа аъзоларига қараганда секинроқ гапирарди. “Менимча, мен ва хотиним излаган нарсаси бу жамоатда йўқлиги учун бўлса керак,” деди Қўл.

“Хўш, сизлар жамоатда нима излагандингиз?” деб сўради Бурун. У бу сўзларни ҳамдардлик оҳангида айтди. Лекин уларни айтаётиб ҳам, Қўлнинг жавобини жиддий қабул қилмаслигини ичида билар эди. Агар Қўллар оиласи Бурун ҳамда бошқа етакчиларнинг жамоат танасини тўғри йўлдан

бошлаб бораётганини кўра олишмаса, унда тана уларсиз ҳам бу ишни қила олади.

Жавоб беришдан аввал Қўл яхшилаб ўйлаши керак эди. У билан Қўл хонимга чўпон Оғиз ва унинг оиласи ёқарди. Ҳамду сано хизматининг раҳбари Қулоқ ҳам яхши муносабатда эди. “Менимча, биз ўзимизга ўхшаган одамлар бор жойни қидиряпмиз, шекилли”, деди ниҳоят Қўл иккиланиб. “Биз аввал Оёқлар билан бирга вақт ўтказиб кўрдик, лекин улар билан тил топишолмадик. Кейин Оёқ бармоқларидан иборат кичик гуруҳга қўшилдик. Лекин улар фақат пайпоқ, оёқ кийим ва ҳидлар ҳақида гапираверишди. Бу эса бизга қизиқ бўлмади.”

Бу гал Бурун унга ҳайрат билан қаради: “Улар ҳидларга аҳамият беришаётганидан хурсанд эмасмисиз?”

“Хурсандман, албатта. Лекин бу биз учун эмас. Кейин сизлар, яъни юз аъзолари учун бўлган якшанба мактабига ҳам қатнашдик. Ёдингиздами? Икки ой илгари якшанба кунлари бир неча маротаба келгандик.”

“Келганингиздан хурсанд бўлганмиз.”

“Раҳмат. Лекин у ерда ҳамма гапиришни, тинглашни, ҳидлашни ва татиб кўришни хоҳларди. Бу нарса менда гўё сизлар ҳеч қачон иш қилишни ва қўлларингизни кир қилишни истамагандек таассурот қолдирган. Хуллас, мен аёлим билан Шарқий томондаги янги жамоатни бориб кўриш ҳақида ўйлаяпмиз. Эшитишимизча, у ерда қарсақлар кўп чалинар, қўллар юқорига кўтарилар экан. Ҳозир бизга айнан шу нарса керак.”

“Ҳм”, деди Бурун. “Нима демоқчи бўлаётганингизни тушундим. Сизларнинг кетишингиздан хурсанд бўлмаймиз.

Лекин, менимча, ўзларингизга маъқул келган йўлни танлашларингиз керак.”

Шу пайт бошқалар билан гаплашиб турган Қўл хоним келиб, эри ва Буруннинг суҳбатига қўшилди. Эри унга Бурун билан нима ҳақида гаплашаётганини қисқача айтиб берди ва Бурун Қўлларнинг кетишидан хурсанд бўлмаслигини яна бир бор такрорлади. Аммо у яна уларнинг эҳтиёжлари қондирилмаётганини тушуниб турганини айтди.

Қўлнинг аёли бош ирғаб тасдиқлади. У мулоийм кўринишни хоҳлади, лекин ростини айтганда, бу жамоатдан кетаётганидан хафа эмасди. Йиллар давомида эрининг бу жамоат ҳақида билдирган анча-мунча танқидий фикрлари унга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди. Йўқ, эри ҳеч қачон жамоат танаси ҳақида очиқчасига ёмон гапирмаган. Аксинча, “бундай танқидий фикр билдираётгани” учун одатда узр сўрарди. Лекин у ер бу ерда айтган танқидий фикрлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Унинг фикрича, кичик гуруҳлар самимий эмас, ҳамду санолар эскирган, дастурлар жиддий эмас, ваъзлар ҳам унчалик ёқимли эмасди. Хуллас, эр-хотин аниқ сабабини кўрсата олмаса ҳам, бу жамоат улар учун эмас, деган қарорга келишди.

Бундан ташқари, Қўлнинг аёли қизи Пинки ҳам ёшлар гуруҳида ўзини ноқулай ҳис қилаётганини биларди. Гуруҳдагиларнинг ҳеч бири унга ўхшамасди ва у ўзини бегонадек ҳис қиларди.

Кейин Қўлнинг аёли Бурунни ва унинг етакчилигини ёқтириши ҳақида бир нималар деди. Бироқ Буруннинг назарида суҳбат анча чўзилиб кетди. Қолаверса, Қўлнинг аёли сепган атирнинг ўткир ҳиди Бурунга ёқмади. У ижобий

фикрлар учун Қўлнинг аёлига миннатдорчилик билдириб, уларнинг кетаётганидан хурсанд эмаслигини яна бир бор такрорлади ва орқасига ўгирилиб, кетди. Бу Қўллар кимга керак? Афтидан, улар ҳеч кимга керак эмас.

КИРИШ

СИЗ ЖАМОАТДА НИМА ИЗЛАЯПСИЗ?

Хўш, сиз жамоатда нима излаяпсиз? Эҳтимол, бу ҳақда ўйлаб кўрмагандирсиз. Лекин вақт топиб, мукаммал жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўринг. “Мукаммал жамоат шундай жойки, у ерда ...”

Ёқимли мусиқа – кўп машқ қилинганини ифода этувчи мусиқа бўлади. Сизга гитара ва барабан керак бўлмайди. Сизга ҳамду сано гуруҳи ва скрипкачининг ўзи етарли бўлади. Ёқимли мусиқа Худони улуғлайди. Эҳтимол, сиз замонавий мусиқа асбобларини, яъни гитара ва барабан бўлишини хоҳларсиз. Одамлар радио орқали бу асбоблар иштирокида мусиқалар тинглашади, шунинг учун уларга ўзлари истаган нарсани беринг.

Эҳтимол, сиз учун ваъз мусиқадан муҳимроқдир. Сиз яхши ваъзлар айтиладиган, яъни маъноли, лекин тушуниш қийин бўлмаган, Каломга асосланган, лекин зерикарли бўлмаган, амалий, лекин икир-чикирларга ва қонунларга асосланмасдан ваъз айтиладиган жамоатни хоҳларсиз. Албатта, воизнинг табиати унинг ваъзларига таъсир кўрсатади ва воизлар ҳар хил бўлади: кимдир илмий таълимотларни ёқтиради ва ҳеч қачон кулмайди, кимдир жуда кўп қизиқарли ҳикояларни биладиган хушчақчақ бўлади, яна кимдир “кўп

нарсаларни ўз бошидан ўтказган” оилавий маслаҳатчи бўлади. Тўғри, мен ҳозир ҳазил аралаш гапиряпман, лекин кўпчилигимизда чўпон қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз қарашларимиз бор, тўғрими?

Эҳтимол, ҳаётда сиз билан бир хил ҳолатда бўлган одамлардан иборат жамоатни излаётгандирсиз. Сиз улар билан бемалол тил топиша оласиз. Улар сиз билан бир хил ҳолатда бўлгани учун нималарни бошдан кечираётганингизни тушунишади. Улар худди сиздек яқинда коллежни тамомлашган. Ёки худди сиздек кичик фарзандлари бор. Ёки улар ҳам худди сиздек нафақага чиқиш арафасида. Улар ҳам худди сиздек арзон дўконлардан ёки қиммат butikлардан нарса харид қилиш нима эканини билишади. Улар ҳам худди сиздек шаҳарлик ёки қишлоқлик.

Ёки жамоатдаги бошқа нарсалар, масалан, хизмат қилиш, яхши ишлар қилиш имконияти сиз учун муҳимроқдир. Жамоат Хушхабарни тарғиб қиладими? Бошқа миссияларни бажарадими? Ночорларга ёрдам берадими? Сизга ва ўғилларингизга бошқа оталар ва ўғиллар билан учрашиш имкониятини берадими? Болалар хизмати учун ўз ҳиссангизни қўшиш имкониятини берадими? Кичик ёки ўсмир ёшдаги болаларингизни жалб қиладиган дастурлари борми?

Ишонаманки, баъзи одамлар “Рухучунтирик” жамоатни излашади. Бизни айнан Рух бошқаради, шунинг учун сиз Унинг овозини эшитишга чаққон, қилаётган ишларини диққат билан кузатадиган ва У амалга ошира оладиган маълум нарсаларга тез ишонадиган одамлардан иборат жамоат топишни хоҳлайсиз. Сиз Рухнинг шаштини пасайтирувчилар

ҳамда урф-одатларга амал қилувчилар орасида бўлишдан чарчадингиз. Рух янги нарсаларни амалга оширади! У бизга янги қўшиқлар беради!

Эҳтимол, сиз ўзига хос муҳит ҳукм сурадиган жамоатни излаётгандирсиз. Албатта, сиз шундай жамоат излаётганингизни ҳеч қачон айтмагансиз. Бироқ, агар сиз савдолашадиган жой, бозор ёки фақат ибодат қилиб, шам ёқадиған эски маъбад ёки қаҳвахонани эслатувчи жамоатга ўрганиб қолган бўлсангиз, сиз излаган мукаммал жамоат худди шундай муҳитда бўлиши мантиқан тўғри бўлади. Бу нарсаларнинг кутилиши табиий ҳол. Ота-онамизнинг уйидан кўчиб кетганимиздан кейин баъзида маълум манзаралар, ҳидлар ёки товушлар орқали онамиз ёки отамиз қилган нарсаларни кўпчилигимиз ҳис қилганмиз, тўғрими?

Бу нарсаларнинг аксарияти яхши бўлиши ёки ҳеч бўлмаганда нейтрал бўлиши мумкин. Тўғриси айтсам, мен жамоатда сиз учун энг муҳим нарса нима эканлиги ҳақида ўйлашни бошлашингизни истайман.

Нима излаяпсиз? Сизни илиқ қабул қиладиган жойними? Яқин муносабатли, самимий, катта, шинам, замонавий, завқли ёки интеллектуал синов бўладиган жойни излаяпсизми?

Жамоат қандай бўлиши керак?

Барча масиҳийларга тегишли мавзу

Муқаддас Китобга кўра, жамоат қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишдан аввал – буни илк бобларда кўриб чиқамиз – мен нима учун бу саволни берганимни ўйлаб кўришингизни истайман, айниқса, агар сиз чўпон

бўлмасангиз. Ахир, соғлом жамоатлар мавзусидаги китоб чўпонлар ва жамоат етакчилари учун ёзилмаганми?

Тўғри, бу китоб чўпонлар учун ёзилган, лекин ҳар бир имонлига ҳам тегишли. Ёдингизда бўлсин: Янги Аҳд муаллифлари айнан уларга мурожаат қилган. Галатия шаҳридаги жамоатлар сохта таълимотларга қулоқ солишни бошлаганларида, Павлус уларга мактуб ёзиб, “Сизларни Масиҳнинг иноятига даъват қилгандан бошқа “хушxabар»га шу қадар тез ўтиб кетганингиздан ҳайронман” (Галатияликлар 1:6) деган. Хўш, жамоатларидаги сохта таълимот учун Павлус “кимларни” жавобгар, деб атади? Фақат чўпонлар эмас, балки жамоат аъзолари ҳам бунга жавобгар эканлигини айтди. Павлус жамоат етакчиларига “Бидъатни бас қилинглр!” деб ёзишини кутган бўлишингиз мумкин. Лекин у бундай қилмади. У бутун жамоатнинг бунга жавобгар эканлигини айтди.

Худди шундай, Коринф шаҳридаги жамоат ҳам жинсий ахлоқсизликка йўл қўйганда, Павлус тўғридан-тўғри жамоатга мурожаат қилди (1–Коринфликлар 5). У бу муаммони ҳал қилишни чўпонлар ёки жамоат етакчиларига буюрмади, балки бутун жамоатга буюрди.

Янги Аҳддаги мактубларнинг кўпида худди шундай ёзилган. Павлус, Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннонинг айтган гапларига биринчи асрдаги жамоатлар чўпонлари қулоқ солганига ишончим комил. Қолаверса, чўпонлар ҳаворийларнинг мактуб орқали берган кўрсатмаларига амал қилишда ташаббус кўрсатганларига ҳам ишонаман. Лекин ҳаворийлар кўрсатган намунага амал қилиш ҳамда сиз чўпонлар ва жамоат аъзоларига мурожаат қилиш орқали

масъулиятни ўз эгаларига етказаётганимга ишонаман. Жамоатингиз қандай жамоатга айланишида нафақат чўпонлар ва бошқа етакчилар, балки сиз ва жамоатингизнинг барча аъзолари, яъни барча масиҳийлар Худонинг олдида бирдек жавобгарсиз.

Сизларнинг чўпонларингиз жамоатга қандай йўлбошчилик қилгани учун Худонинг олдида ҳисоб берадилар (Ибронийлар 13:17). Лекин биз, яъни Раббимиз Исо Масиҳнинг шогирдлари ҳисобланганларнинг ҳар бири жамоатга қай даражада мунтазам келганимиз, бир-биримизни меҳр-муҳаббатга ва хайрли ишларга қанчалик ундаганимиз ҳамда Хушхабар умиди ҳақидаги тўғри таълимотни маҳкам тутишга қанчалик интилаганимиз учун Худонинг олдида жавоб берамиз (Ибронийлар 10:23-25).

Қадрли дўстим, агар сиз ўзингизни масиҳий деб ҳисобласангиз-у, лекин соғлом жамоатлар ҳақидаги китоб фақат етакчилар ёки “илоҳиётшунослик” билан шуғулланадиган одамлар учун деб ўйласангиз, ўзингиз эса масиҳийлик ҳаёти ҳақидаги китобларни ўқишни афзал кўрсангиз, балки тўхтаб, Муқаддас Китоб масиҳий ким эканлиги тўғрисида айнан нима дейишини яна бир бор кўриб чиқиш вақти келгандир. 1–бобда буни батафсил кўриб чиқамиз.

Ундан кейин жамоат нима эканини (2–боб), жамоатлар учун Худонинг мақсади нима эканини (3–боб) ҳамда нима учун жамоатлар Муқаддас Китоб асосида бошқарилиши кераклигини (4–боб) кўриб чиқамиз.

Агар сиз жамоатларимиз Худонинг улуғворлигини намоён этиши учун Муқаддас Китоб асосида бошқарилиши

керак, деган фикрга қўшилсангиз, дарҳол 5–бобга ўтишингиз мумкин. У ерда мен соғлом жамоатнинг 9 та белгиси рўйхатини келтирганман. Ўзининг иккинчи бор келадиган кунига Келинини тайёрлаш учун Раббимиз бизнинг яқдилликдаги фикр-мулоҳазаларимизни ишга солсин (Эфесликлар 5:25-32).

1-ҚИСМ

СОҒЛОМ ЖАМОАТ НИМА?

СИЗНИНГ МАСИҲИЙЛИГИНГИЗ ВА ЖАМОАТИНГИЗ

Коллежларда хизмат олиб борадиган хизматчилар баъзида мендан талабалар билан гаплашишимни сўрашади. Одатда, мен ўз нутқимни қуйидаги сўзлар билан бошлайман: “Агар сиз ўзингизни масиҳий деб ҳисобласангиз, лекин доимий борадиган жамоатингизнинг аъзоси бўлмасангиз, дўзахга тушишингиз мумкин.”

Бу сўзлар уларнинг диққатини тортади.

Хўш, мен уларни саросимага соляпманми? Мен бундай деб ўйламайман. Қўрқитиш орқали жамоатга аъзо бўлишга ундаяпманми? Ундай эмас. Жамоатга аъзо бўлиш кишини ҳақиқий масиҳий қилиб қўяди, деяпманми? Албатта, йўқ. Бундай дейдиган ҳар қандай китобдан (ёки воиздан) воз кечинг.

Хўш, нима учун мен мана шундай огоҳлантириш билан бошлаяпман? Бунинг сабаби шуки, улар масиҳийнинг ҳаётида маҳаллий соғлом жамоатга қанчалик муҳтож эканлигини тушунишларини ҳамда жамоатга нисбатан Масиҳ ва Унинг издошларига хос бўлган эҳтиросни баҳам кўришларини истайман.

Бугунги кунда ғарбдаги (бошқа жойларда ҳам) кўплаб имонлилар масиҳийликни фақат Худо билан шахсий муносабат сифатида кўришади. Одатда, ушбу “шахсий муносабат” уларнинг турмуш тарзига таъсир кўрсатишини ҳам билишади. Аммо Худо билан бўлган ушбу муҳим муносабат иккинчи даражали шахсий муносабатларни, масалан, Масиҳ биз билан Ўз танаси, яъни жамоат ўртасида ўрнатадиган муносабатни талаб қилишини кўпчилик имонлилар тушунмайди. Худо бу муносабатларни “айрим” имонлилар орасидан ўзимизга маъқулини танлаб олишимизни истамайди. У бизни тана ва қондан иборат, баъзан асабимизни бузадиган одамлар билан муносабат қилишимизни истаydi.

Агар сиз ўзингизни масиҳий деб ҳисобласангиз, лекин ўзингиз борадиган маҳаллий жамоатнинг муносиб аъзоси бўлмасангиз, дўзахга тушишингиз мумкинлигидан нима учун хавотир оляпман? Масиҳий инсон ким эканлиги ҳақида мен билан биргаликда бир муддат ўйлаб кўринг.

Масиҳий инсон ким?

Масиҳий инсон – энг биринчи навбатда, Исо Масиҳ орқали гуноҳлари кечирилган ва Ота Худо билан ярашган инсондир. Бу нарса инсон гуноҳлари учун тавба қилиб, Худонинг Ўғли Исо Масиҳнинг мукамал ҳаёти, тўлов тўлаган ўлими ва тирилишига ишониши орқали амалга ошади.

Бошқача айтганда, масиҳий инсон – ўзидан ва шахсий ахлоқий қадриятларидан воз кечган кишидир. У Худонинг очиқ-ойдин баён этилган қонунарига қарши чиқиб, ҳаётини Худодан бошқа нарсаларга, масалан, обрў-эътибор,

оила, пулга сотиб олиш мумкин бўлган нарсалар, бошқа одамларнинг фикрлари, оиласи ва яқинларининг шаъни, бошқа динларнинг худоларидан марҳамат излаш, бу дунёдаги руҳлар, ҳатто инсон қилиши мумкин бўлган савоб амалларга бағишлаганини англаб етган. У бу “бутлар” икки томонлама ҳалокат келтирадиган хўжайинлар эканини ҳам тушунади. Улар бу ҳаётда ҳеч қачон тўйишмайди. Улар охирабда Худонинг ғазабини қўзғатади, бу ўлим ва ҳукм бўлиб, масиҳий инсон бу дунё азобларида аллақачон буни ўз бошидан ўтказган.

Шундай қилиб, масиҳий киши биладики, агар у бугун тунда ўлиб, Худонинг олдига борса ва Худо ундан: “Нима учун сени Ўз ҳузуримга киритишим керак?” деб сўраса, у шундай жавоб беради: “Мени Ўз ҳузурингга киритишинг керак эмас. Мен кўп гуноҳ қилганман ва ҳеч қачон уларни юва олмайман.” Лекин у шу билан тўхтаб қолмайди. У сўзини давом эттириб дейди: “Бироқ Сенинг буюк ваъдаларинг ҳамда иноятинг туфайли мен учун тўкилган Исо Масиҳнинг қонига ишонаман. Унинг қони барча гуноҳларимни ювган, Сенинг муқаддас ва адолатли талабларингни қондирган ва гуноҳ учун сочиладиган қаҳрингдан мени халос қилган!”

Масиҳда солиҳ деб эълон қилиниш талабини қабул қилиш орқали масиҳий киши гуноҳ қўлигидан озод бўлишни бошлайди. Бутлар ҳамда бошқа худоларнинг талаби қондирилмаган, кўнгиллари тўлмаган бир пайтда, Масиҳ амалга оширган ишдан Худонинг кўнгли тўлиши Масиҳнинг иши орқали маҳкумликдан қутқарилган инсоннинг озод эканлигини англатади! Масиҳий инсон ҳаётида илк бор гуноҳдан юз ўгириш учун озод бўлди. Энди у бир гуноҳни бошқа гуноҳ билан алмаштириш ўрнига, Муқаддас Рух

берган иштиёқ туфайли уни Исо Масиҳнинг Ўзига ва ҳаётида У ҳукмрон бўлиш истагига алмаштира олади. Одам Ато Худонинг ўрнига тахтга ўтиришни истаган жойда масиҳий инсон Масиҳнинг тахтга ўтиришидан қувонади. У Отанинг иродаси ва сўзларига тўлиқ итоат қилган Исонинг ҳаёти ҳақида мулоҳаза қилади ва ўз Нажоткорига ўхшашга интилади.

Шундай қилиб, масиҳий инсон – энг аввало, Масиҳ орқали Худо билан ярашган кишидир. Масиҳ Худонинг ғазабини қайтарди ва масиҳий инсон энди Худонинг назарида солиҳ деб эълон қилиниб, солиҳ ҳаёт кечиришга даъват қилинди. У энди бир кун келиб самода Худонинг улугвор ҳузурида ҳозир бўлиш умиди билан яшайди.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас!

Иккинчидан, масиҳий инсон – Худо билан ярашиш орқали Худонинг халқи билан ҳам ярашган инсондир. Одам Ато билан Момо Ҳаво гуноҳ қилиб, боғдан ҳайдалганларидан кейин Муқаддас Китобда ёзилган илк ҳикоя ёдингиздами? Бу ҳикоя бир инсоннинг бошқа бир инсонни ўлдиргани, яъни Қобил Ҳобилни ўлдиргани ҳақида. Агар Худони тахтдан туширишга уриниш аслида ўша тахтга ўзимиз ўтиришга уриниш ҳисобланадиган бўлса, бу тахтни бошқа бир инсон биздан тортиб олишига йўл қўймаймиз. Ҳеч қачон. Одам Атонинг Худо билан муносабатини бузиши шу заҳотиёқ барча инсон зоти орасидаги муносабатнинг бузилишига сабаб бўлди. Яъни ҳамма ўзи учун яшайдиган бўлди.

Шунинг учун Исо: “Раббий Худойингни бутун юрагинг, бутун жонинг ва бутун онгинг билан севгин” ва “Ўз яқинингни ўзингни севгандек севгин” деб бутун Таврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга

таянишини айтгани ажабланарли эмас (Матто 22:34-40 га қаранг). Бу икки амр бир-бири билан узвий боғлиқ. Биринчи амрдан иккинчи амр пайдо бўлади, иккинчи амр эса биринчисини тасдиқлайди.

Демак, Масиҳ орқали Худо билан ярашиш – Худо билан ярашган бошқа барча инсонлар билан ҳам ярашишни англатади. Павлус Эфесликларга мактуб 2–бобнинг биринчи қисмида Исо Масиҳ орқали Худо ато этган буюк нажотни тасвирлаганидан кейин бунажот Яҳудийлар ва ғайри яҳудийлар ўртасидаги муносабатда, аниқроқ айтганда, Масиҳга имон келтирган барча инсонлар ўртасидаги муносабатда нимани англатишини тушунтирган. У шундай ёзади:

Чунки Масиҳ бизнинг тинчлигимиздир: У иккитани (яҳудийлар ва мажусийларни) битта қилиб, ўртада турган тўсиқ деворини бузди. . . . Ўзида иккитадан (яҳудийлар ва мажусийлардан) битта янги одамни яратиб, тинчлик ўрнатсин, адоватни хочда ўлдирсин ва бир танада иккаласини хоч орқали Худо билан яраштирсин. (Эфесликлар 2:14-16)

Энди Худога тегишли бўлганларнинг барчаси “ҳамфуқаро” ва “Худонинг хонадонидоғилари” ҳисобланади (2:19). Биз Масиҳ билан “бир бўлиб”, “муқаддас маъбадга” айландик (2:21) – танлов учун жуда кенг ўхшашликлар келтирилган!

Оила, муносабат ва тана

Дарҳақиқат, оила ҳақида ўйлаш Худо билан ярашиш Унинг халқи билан ярашишни англатишини тушунишга

ёрдам беради. Агар сиз етим бўлсангиз, ўзингиз учун ота-она асраб ололмайсиз, улар сизни асраб олишлари мумкин. Агар сизни асраб олганларнинг шарифи Смит бўлса, демек сиз Смитларнинг бошқа фарзандлари билан бирга оилавий кечки овқатда қатнаша оласиз. Тунда сиз Смит шарифидаги ака-укаларингиз ёки опа-сингилларингиз билан бир хонада ухлашингиз мумкин. Мактабда ҳам ўқитувчи давоматни текшираётиб, “Смит” шу ердами, деб сўраганида, сиз қўлингизни кўтарасиз. Сиздан аввал акангиз ҳам шу пайтда қўлини кўтарган, сиздан кейин синглингиз ҳам кўтаради. Сиз “Смит” ролъини ўйнаганингиз учун бундай қилмайсиз, балки кимдир меҳрибонлик уйига келиб, сизга “энди сенинг шарифинг Смит бўлади”, дегани учун шундай қиласиз. Ўша куни сиз кимдир учун фарзанд, ука ёки сингил бўлдингиз.

Бироқ, сизнинг шарифингиз Смит эмас. Энди сиз – масиҳий, яъни сизга сизни асраб олган Масиҳнинг номи берилган (Эфесликлар 1:5). Сиз энди Худо хонадонининг аъзоси. “Инсонларни гуноҳлардан покловчи Исо ва покланган инсонларнинг ҳаммаси бир оилага мансубдир” (Ибронийлар 2:11) [Муқаддас Китоб, 2020].

Бу оила аъзолари бир-бирига бегона бўлган пароканда оила эмас. Уларда муносабат бор. Худо “сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масиҳ билан мулоқотга чақирган” пайтда (1–Коринфликлар 1:9), У сизларни оиланинг барча аъзолари билан яқин муносабатда бўлишга ҳам даъват этган (1–Коринфликлар 1:2 га қаранг) .

Бу эса шунчаки оддий, юзаки мулойимликдан иборат расмий муносабат эмас. Бу – ҳар биримизнинг ўз

қарорларимиз, шунингдек, инсоний қарорлардан устун бўлган нарса, яъни Масиҳнинг Шахси ва У қилган ишлар орқали бирлашган танадир. “Мен бу оиладан эмасман”, дейиш, ўз қўлингизни ёки бурнингизни кесиб ташлашдек аҳмоқлик бўлади. Павлус Коринфликларга шундай деган: “Кўз қўлга: «Сен менга керак эмассан», ёки бош оёқларга: «Сизлар менга керак эмассизлар», – деб айта олмайди” (1–Коринфликлар 12:21)!

Лўндасини айтганда, жамоат ҳақида гапирмай туриб, “Масиҳий инсон ким?” деган саволга жавоб беришнинг иложи йўқ, ҳар ҳолда Каломда шундай дейилган. Қолаверса, жамоатни бир сўз билан таърифлаш қийин, чунки Янги Аҳдда у турлича таърифланган: оила ва муносабат, тана ва келин, одамлар ва маъбад, аёл ва унинг болалари. Янги Аҳдда масиҳий инсоннинг узоқ вақт жамоатдан йироқ бўлгани ҳақида айтилмаган. Жамоат – шунчаки жой эмас. У инсонлар, яъни Худонинг Масиҳдаги халқидир.

Ҳақиқий жамоатга аъзо бўлиш

Инсон Масиҳни қабул қилганида, руҳан ўсишга фойдали бўлгани учунгина маҳаллий жамоатга аъзо бўлмайди. Балки Масиҳ уни қандай инсонга айлантирганини, яъни Масиҳ танасининг аъзоси қилганини ифодалаш учун маҳаллий жамоатга аъзо бўлади. Масиҳ билан бирлашиш – барча масиҳийлар билан бирлашишни англатади. Бироқ бу бирлик маҳаллий жамоат орқали ҳаётга татбиқ этилиши, жонли ва амалий шаклга эга бўлиши лозим.

Баъзида илоҳиётшунослар Имонлилар жамоати (ер юзидаги барча масиҳийлар) ҳамда маҳаллий жамоат (ваъз тинглаш, сувга чўмдириш ва Қутлуғ Кечлик маросимларида иштирок этиш учун йиғиладиганлар, сизга яқин бўлган жой) орасидаги фарқ ҳақида гапирадилар. Баъзи оятларни ҳисобга олмаганда (Матто 16:18 ҳамда Эфесликларга ёзилган мактубнинг бир қисми), Янги Аҳдда асосан маҳаллий жамоатлар ҳақида баён этилган. Масалан, Павлус “Коринфдаги Худонинг жамоатига” ёки “Галатия туманидаги жамоатларга” деб ёзган.

Қуйидаги оятлар бир оз жиддий, лекин жуда муҳим. Умумий жамоатга аъзолигимиз билан маҳаллий жамоатга аъзолигимиз ўртасидаги муносабат кўпроқ имонимиз туфайли Худо берган солиҳлик билан кундалик турмуш тарзимиздаги солиҳлик ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Имон орқали Масиҳни қабул қилганимизда, Худо бизни солиҳ деб эълон қилади. Лекин ҳамон Худо бизни солиҳ бўлишга чақиради. Бемалол гуноҳ қилиб яшаётган инсон аввало Масиҳнинг солиҳлигида яшаётганини текширсин (Римликлар 6:1-18; 8:5-14; Ёқуб 2:14-15 га қаранг). Бу нарсa ўзини маҳаллий жамоатга бағишламаганларга ҳам тегишли. Маҳаллий жамоатга бағишланиш – Масиҳ қилган ишни тасдиқлашнинг ягона йўлидир. Агар сиз Хушхабарга имон келтириб, Муқаддас Китобни ўрганадиган масиҳийлар жамоасига қўшилишни инкор қилсангиз, чиндан ҳам Масиҳ танасининг аъзоси эканлигингиз ҳақида ўйлаб кўринг! Ибронийларга мактуб муаллифининг қуйидаги сўзларини диққат билан тингланг:

Ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содиқдир. Бир-биримизга эътибор бериб, севгига ва хайрли ишларга рағбатлантирайлик. Баъзиларда бўлган одат каби йигинларимизни қолдирмайлик. Аксинча, ўша кун яқинлашиб келаётганини кўриб, бир-биримизга янада кўпроқ далда берайлик. Агар биз ҳақиқат билимини олгач, ихтиёрий равишда гуноҳ қилсак, унда гуноҳлар учун бошқа қурбонлик қолмайди, бироқ душманни ютадиган оловнинг қаҳрини ва ҳукми қўрқинчли кутиш қолади. (Ибронийлар 10:23-27)

Худонинг назаридаги вазиятимиз, агар у самимий бўлса, гарчи бу жараён секин ва хатоларга тўла бўлса ҳам, кундалик танловларимизда акс этади. Худо Ўз халқини албатта ўзгартиради. Бу яхши хабар эмасми? Шунинг учун эй дўстим, агар сиз солиҳ ҳаёт кечирिशга жон куйдирмаётган бўлсангиз, Масиҳнинг солиҳлигига эгаман, деб ўйламанг. Худди шундай, агар ҳақиқий маҳаллий жамоатга аъзо бўлмасангиз, ўзингизни Имонлилар жамоати (бутун дунё масиҳийлари) аъзосиман, деган ноўрин хаёлларга берилманг.

Камдан-кам бўладиган ҳолатни ҳисобга олмаганда, ҳақиқий масиҳий маҳаллий жамоат билан бевосита муносабат орқали бошқа имонлиларнинг ҳаёти асосида ўз ҳаётини қуради. У ўзининг “камолга етмаганини” билади. У ҳамон гуноҳкор бўлиб, маҳаллий жамоат деб аталадиган

инсонлардан таркиб топган тананинг йўл-йўриқларига ва ҳисобдорликка муҳтож. Маҳаллий жамоат ҳам унга муҳтож.

Худога сажда қилиш ҳамда бир-биримизга меҳр кўрсатиш учун, яхшилик қилиш учун йиғилганимизда, Худо бизни Ўзи ва бир-биримиз билан яраштирганини кўрсатамиз. Биз Муқаддас Китоб оятларини ёд олганимиз, овқатланишдан олдин ибодат қилганимиз, ушр берганимиз ёки масиҳийча ваъзларни тинглаганимиз учун эмас, балки бир-биримиз билан яхши муносабатда бўлишга, кечиришга, ҳатто гуноҳкорларга нисбатан меҳр кўрсатишга тайёр бўлганимиз учун ўзгарганимизни бу дунёга кўрсатамиз.

Сиз билан биз кимсасиз оролда ўтириб олиб, бошқаларга севги, қувонч, тинчлик ёки меҳр кўрсата олмаймиз. Севишимиз керак бўлган одамлар уларни севмаслигимиз учун сабабчи бўлганларида ҳам биз бу фазилатларни кўрсатаверамиз, яъни уларни севишда давом этамиз.

Кўряписми? Айнан шужойда, яъни бир-бирини севишга чақирилган гуноҳкор одамлар орасида Хушхабар намоён бўлади. Масиҳ бизни кечиргани каби биз ҳам бир-биримизни кечирганимизда, Масиҳ Ўзини биз учун бағишлагани каби бир-биримизга ўзимизни бағишлаганимизда ва Масиҳ биз учун жонини фидо қилганидек, биз ҳам бир-биримиз учун ўзимиздан кечганимизда, жамоат Хушхабарни яққол акс эттиради.

Биргаликда биз Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни намоён эта оламиз, бунини ёлғизликда амалга ошира олмаймиз.

Кўпинча, мен масиҳийлар ўзларининг турли руҳий инъомлари ҳақида гапираётганларини эшитаман. Лекин мени бир нарса қизиқтиради: Худо бу инъомларни

жамоатдаги масиҳийларнинг гуноҳларига нисбатан муносиб жавоб сифатида ишлатилиши учун бергани ҳақида одамлар ўйлайдиларми? Мен қилган гуноҳлар Худонинг сизга берган инъомларини амалда кўрсатиш учун имкониятдир.

Шундай қилиб, эркак ва аёллар, ёшлар ва кексалар, оқ танли ва қора танли, осиелик ва африкалик, бой ва камбағал, саводли ва саводсиз, турли хил қобилият ва инъомларга эга бўлган одамлардан иборат гуруҳ тўпланг. Фақат уларнинг ҳаммаси ўзларининг хаста, гуноҳкор ҳамда иноят туфайли нажотга эришганликларини яхши тушунишлари керак. Хўш, энди сизда нималар бор? Энди сизда жамоат ташкил қилиш учун ҳамма нарсаси бор!

Агар сизнинг мақсадингиз ҳамма масиҳийларни севиш бўлса, сизга маслаҳатим шундай: аввало бир қатор хато ва камчиликлари бор масиҳийлар билан яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Саксон йил давомида уларнинг қувончли ва қайғули кунларида бирга бўлинг. Кейин олдимга келсангиз, ер юзидаги барча масиҳийларда севишни шакллантириш ҳақида гаплашамиз.

Масъулият

Шундай қилиб, “жамоат” деб аталувчи одамлардан иборат гуруҳ ҳақида ким ўйлаши керак? Фақат чўпонлар ва жамоат етакчиларими? Албатта. Бошқа масиҳийларчи? Албатта, улар ҳам. Масиҳий бўлиш жамоатнинг, яъни Масиҳ танасининг ҳаёти ва соғломлиги ҳақида қайғуришни англатади. Сиз жамоатга тегишли бўлганингиз, яъни масиҳий бўлганингиз учун жамоат ҳақида, унинг қандай бўлиши ҳақида қайғуришингиз лозим.

Дарҳақиқат, биз жамоатга ғамхўрлик қиламиз, чунки у Нажоткоримизнинг танасидир. Масиҳийларни қувғин қилган Шоул (кейинчалик Павлус деб аталган) Дамашқ йўлида Исога дуч келганида, Исо айтган сўзларга эътибор берганмисиз? “Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиялсан?” деган (Ҳаворийлар 9:4). Исо Ўзини жамоат билан шунчалик боғлаганки, “Нега Мени қувғин қиялсан?” деб айтган! Биродар, Нажоткорингиз Ўзини жамоат деб атагани каби, сиз ҳам ўзингизни жамоат деб атай оласизми? Сизнинг эҳтиросларингиз Унинг эҳтирослари билан бир хилми?

Яқинда битта чўпоннинг мактубини менга етказишди. У ўз мактубида жамоатининг ҳар бир аъзоси жамоат қандай бўлиши кераклигини билишини исташи ҳақида ёзган экан. Бу камтарин инсон ўз жамоатини иноят ва тақводорлик сари етаклашда жамоати унга ёрдам беришини ва масъулиятини баҳолаб туришини истар экан. Бу чўпон Янги Аҳдни яхши тушунади. Бир кун келиб, Худо ундан жамоатни қандай бошқаргани ҳақида ҳисоб сўрашини билади. Садоқатли чўпон сифатида, у сурувидаги ҳар бир қўй вақти келиб бир-бирини ва чўпонини қандай севганлари ҳақида ҳисоб беришларини билишини истади.

Худо жамоат аъзоларининг ҳар бирига қуйидагича саволлар беради: “Жамоатнинг бошқа аъзолари хурсанд бўлганида, улар билан бирга қувондингми? Қайғу чекканлар билан бирга қайғучекдингми? Ожиз туюлган тана аъзоларини керакли деб ҳисоблаб, кўпчилик одамлар аҳамиятсиз деб ўйлаган аъзоларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатдингми? Сенга етакчилик қилган ва таълим берган инсонларни икки

ҳисса кўпроқ ҳурмат қилдингми?” (1–Коринфликлар 12:22-26 ва 1–Тимотий 5:17 га қаранг).

Биродар, катта оилани, жумладан, жамоат етакчиларига қандай меҳр кўрсатганингиз ва уларга қандай хизмат қилганингиз ҳақида Худо сиздан ҳисоб сўрайдиган кунга тайёرمىсиз? Худонинг айтганларига кўра, жамоат қандай бўлиши кераклигини биласизми?

Эй чўпонлар, қўл остингиздаги сурувга жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳақида таълим бериб, уларни Худонинг олдида ҳисоб беришга тайёрладингизми? Хушхабарга қай даражада содиқ бўлганингиз ҳақида ҳисоб беришларини уларга ўргатдингизми?

ЖАМОАТ НИМА ... ВА НИМА ЭМАС?

Кириш қисмида мен сиздан “жамоатдан нима излаяпсиз”, “Муқаддас Китобга кўра, жамоат қандай бўлиши керак?” деб сўрадим, лекин бу саволларга жавоб бермадим. Албатта, булар жуда қийин саволлар. Ҳозирги кунда масиҳийлар жамоатдан турли нарсалар излашади.

Ёқимсиз суҳбат

Аспирантурада ўқиб юрган пайтимда, ҳеч бир жамоатга аъзо бўлмаган хизматчи дўстим билан бўлган суҳбат ҳеч ёдимдан чиқмайди. Биз у билан бирга икки йил битта жамоатга қатнаганмиз. Мен ўша жамоатга аъзо бўлганман, у эса йўқ. Аслида, у фақат якшанба кунлари эрталаб йиғилишга келарди, аниқроғи, йиғилишнинг ярмида, яъни ваъз бошланганида секингина кириб келарди.

Бир куни ундан нима учун йиғилишнинг ярмида кириб келиши ҳақида сўрашга қарор қилдим. “Йиғилишнинг бошқа қисмида ҳеч нарса олмайман”, деб жавоб берди.

“Жамоатга аъзо бўлиш ҳақида ҳеч ўйлаганмисан?” деб сўрадим ундан. У саволимдан ажабланди ва шундай жавоб берди: “Жамоатга аъзо бўлиш? Тўғриси айтсам, нима

учун бундай қилишим кераклигини тушунмайман. Мен бу ерда нима қилаётганимни биламан, у одамлар эса мени орқага тортишади.”

Шуни айтишим мумкинки, у бу гапларни беписандлик билан айтмади, аксинча, Худонинг вақтини беҳуда сарфлашни истамайдиган қобилиятли воиз сифатида гапирди. У жамоатдан нима излаётгани ҳақида ўйлаб кўрган эди. У излаган нарсаси жамоат аъзоларида йўқ эди, аниқроғи, бу жамоатда йўқ эди. У Худонинг Каломи бўйича таъсирли ваъз қилинадиган ва бир ҳафтага етадиган руҳий қувват берадиган жой излаётган эди.

Лекин унинг “у одамлар эса мени орқага тортишади”, деган гапи қулоғим остида жаранглаб тураверди. Мен унга кўп нарсани айтмоқчи бўлдим, лекин иккитагина савол бердим, холос: “Агар у одамлар билан елкама-елка турсанг, ҳа, улар сени орқага тортишлари мумкин, лекин сен эса уларни тезроқ олға юришга ёрдам берган бўлишинг ҳақида ўйлаб кўрганмисан? Бу улар учун ҳам, сен учун ҳам Худонинг режаси бўлиши мумкинлигини-чи?”

Мен ҳам ҳар якшанба кунлари таъсирли ваъз қилинадиган жамоат хоҳлаганман. Лекин “Масихнинг танаси” деган сўзлар анча чуқур маънони ўз ичига олади, тўғрими?

Жой эмас, одамлар

Биринчи бобда айтиб ўтганимдек, жамоат қандайдир жой, бино ёки воизлик қилинадиган макон эмас. Ёки руҳий хизмат ўтказиладиган жой эмас. Жамоат – одамлар, яъни Масихнинг қони эвазига сотиб олинган, Янги Аҳдга эга

бўлган Худонинг азизларидир. Шунинг учун Павлаус шундай деган: “Масих Жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилди” (Эфесликлар 5:25). У қандайдир жой учун Ўзини фидо қилмади, балки одамлар учун фидо қилди.

Шунинг учун мен чўпонлик қиладиган жамоатда якшанба куни бўладиган йиғилиш “Капитолий тепалигидаги баптистлар жамоатига хуш келибсиз”, эмас, балки “Капитолий тепалигидаги баптистлар жамоатининг йиғилишига хуш келибсиз”, деган сўзлар билан бошланади. Биз бир жойга йиғилган одамлармиз. Тўғри, бу арзимаган нарса, лекин биз одамларни илиқ қарши олиш учун ишлатадиган оддий сўзларда ҳам катта ҳақиқатни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Жамоат – инсонлар эканини ёдда тутиш нима муҳим-у нима муҳим эмаслигини англашда ёрдам беради. Мен эса бу ёрдамга муҳтожман. Мисол учун, менинг жамоатга нисбатан туйғуларим ҳамду сано айтиш услубига боғлиқ. Ахир, ҳамду-сано айтишда жамоат фойдаланадиган услуб ҳар қандай жамоатда биринчи бўлиб эътиборимизни тортади ва куй оҳанги бизга ҳиссий таъсир қилади. Оҳанг бизда маълум бир туйғу уйғотади. Лекин ҳамду-сано айтиш услуби ёқмагани учун жамоатдан кетишга қарор қилсам, бу нарса Масихга ва Унинг азизларига бўлган севгимни қандай ифодалайди? Ёки жамоат чўпони сифатида ҳамду-сано айтиш услубини замонга мослаб ўзгартириш керак, деган фикрда кўплаб жамоат аъзоларининг фикрини инкор қилсам, бу қандай оқибатларга олиб келади? Бу қилишим билан жамоат – бино эмас, балки одамлар эканини унутиб қўйганимни кўрсатган бўламан.

Шу билан бирга, Муқаддас Китоб масиҳийлар жамоатда нималар содир бўлаётганига, жамоат нималар билан банд

эканлигига ниҳоятда эътиборли бўлишлари кераклиги ҳақида ўргатади. Дарҳақиқат, бу китобнинг деярли ярми шу масала ҳақида гапиради.

Биз бу икки нарсани, яъни одамларга ғамхўрлик қилиш билан улар нима қилаётганига эътиборли бўлишни қандай мувозанатга келтиришимиз мумкин? Агар бу китоб масиҳий оилаларни тарбиялаш ҳақида бўлганда эди, биз маълум нарсалар – бирга овқатланиш, бирликда Калом ўқиш, бирга хурсандчилик қилиш, бир-бири учун ибодат қилиш ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида гаплашган бўлар эдик. Лекин буни муҳокама қилётганимизда, ота-оналар ҳам хато қилишини ва болаларнинг ҳали ёш бола эканини унутмаслигимиз керак.

Жамоатда ҳам худди шундай. Қайсидир жамоатнинг қилаётган ишлари, масалан, жамоат етакчилиги ҳақида Муқаддас Китобда айтилган қоидаларга амал қилмаслиги (бу ҳақида кейинроқ тўхталиб ўтаман) сизга ёқмаяптими? Агар шундай бўлса, бу одамлар ҳали ҳам иноятда ўсиб улғаяётган инсонлар эканлигини эсланг. Уларни севинг. Уларга хизмат қилинг. Уларга сабр тоқатли бўлинг. Ва албатта, оила ҳақида ўйлаб кўринг. Ота-онангиз, ака-укаларингиз ёки фарзандларингиз сизга ёқмайдиган иш қилсалар, уларни ҳайдаб юборасизми? Менимча, уларни кечирасиз ва уларга сабр қиласиз. Ҳатто қарашларингизни ўзгартиришингиз ҳам мумкин! Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўзимизга шундай саволлар беришимиз керак: фикрлари бизникдан фарқ қиладиган, умидларимизни оқламайдиган, ҳатто бизга қарши гуноҳ қиладиган жамоат аъзоларига муҳаббат кўрсатиб, уларга тоқат қила оламизми? (Ахир, сиз билан менинг ҳам кечирилиши керак бўлган гуноҳларимиз йўқми?)

Албатта, бу масалада ҳам маълум чегаралар бор. Сиз аъзо бўлишни, чўпонлик қилишни ёки қолишни истамаган жамоатлар бўлиши мумкин. “Жамоатнинг асосий белгилари” бўлимида бу масалага қайтамыз. Ҳозирча, асосий тамойил ўзгармайди, яъни жамоат – одамлардан иборат гуруҳ. Жамоатдан нима излашимиз ёки жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳақида нима дейишимиздан қатъий назар, у Муқаддас Китоб тамойилларига мос келиши керак.

Жамоат – статистика эмас, одамлардан иборат гуруҳдир

Ижозатингиз билан жамоат ҳақида нотўғри фикрлашга тўсиқ бўладиган бир жиҳатни айтиб ўтсам, бундай фикрлар кўпинча чўпонлар орасида учрайди. Жамоат – шунчаки маълум бир жой бўлмагани каби, статистика ҳам эмас.

Аспирантурада ўқиб юрган пайтимда, 19–асрда яшаб ўтган Жон Браун исми чўпон томонидан ёзилган насиҳат мактубини кўрган эдим. У бу мактубни кичик бир жамоатга чўпон этиб тайинланган ёш шогирдига ёзган эди. Мактубда Браун шундай ёзган:

Қанчалик мағрур эканлигингни ҳамда атрофингдаги биродарларинг жамоатлари билан солиштирганда сенинг жамоатинг жуда кичик эканидан қаттиқ уялишингни биламан. Лекин бир кекса инсоннинг сўзига ишон: сен бир кун келиб, улар учун Масиҳнинг ҳукм

курсиси олдида ҳисоб берганинга, “менга шунинг ўзи етарли экан”, деб ўйлайсан.¹

Худо менга берган жамоат ҳақида ўйлар эканман, Худонинг олдида ҳисоб берадиган куннинг қанчалик оғир эканлигини англаб етганман. Мен ўзим чўпонлик қиладиган жамоатнинг кенгайишини истадимми? Ҳаммага маълум ва машҳур бўлишини хоҳладимми? Бошқаларда яхши таассурот қолдирадиган жамоат бўлишини истадимми?

Олдимда турган одамларга шунчаки “чидаб” ёки “сабр қилиб”, жамоатни ўзим истаган шаклга солиш имкониятини кутиб яшадимми? Жамоатнинг келажаги учун яхши орзу умидлар қилиш ёмон эмас, лекин менинг орзу умидларим атрофимдаги Худонинг азизларига нисбатан бефарқлик ёки газаб уйғотдимми?

Ёки якшанба кунлари саккиз юз кишилиқ катта залда ўтирган, аксарияти ёши катта инсонлардан иборат бир нечта одамнинг тақдири ёдимдами? Уларнинг Муқаддас Каломга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари, эскича урф-одатлари ҳамда мен ёқтирмайдиган услубда ҳамду сано айтишлари жамоат учун қилган мақсадларимга мос келмаса ҳам, уларни севиб, уларга хизмат қиламанми? Шунинг биланки, жамоат ўзлари истагандек жамоат бўлишини кутиб, атрофдаги одамларга “тоқат қиладиганлар” фақат чўпонлар эмас.

1 Жеймс Хей ва Генри Белфреж, *Рев. Александр Во хотиралари* (Эдинбург: William Oliphant & Son, 1839), 64-65-бетлар; [James Hay and Henry Belfrage, *Memoir of the Rev. Alexander Waugh* (Edinburgh: William Oliphant & Son, 1839), 64-65].

Жамоат – маълум бир жой ёки статистика эмас, балки одамлардир. Жамоат – бош бўлган Масихга бирлашган танадир. Жамоат – Масих орқали Худонинг хонадонига қабул қилинган оиладир.

Биз чўпонлар чўпонлик қилишимиз учун Худо бизга ишониб топширган сурув учун жавобгарлигимиз жиддий эканини чуқурроқ англаб етишимиз учун ибодат қиламан.

Қолаверса, имонда камолотга етган ёки руҳан чақалоқ бўлишингиздан қатъий назар, катта оилангизнинг бошқа аъзоларини севишингиз, уларга хизмат қилишингиз, далда беришингиз ҳамда уларни масъулиятни ҳис қилишга ундашингиз кераклигини чуқурроқ тушунишингиз учун ҳам ибодат қиламан. Танавий биродарларингиз масаласига келсак, “Мен укамга қўриқчиманми?” (Ибтидо 4:9) деб Худога бепарво жавоб берган Қобил қаерда хатога йўл қўйганини аллақачон тушуниб етганингизга ишонаман. Лекин, энг муҳими, агар аввал буни тушунмаган бўлсангиз ҳам ҳозир катта оилангиздаги ака-укаларингиз ва опа-сингилларингизга масъул эканингизни англаб етганингизга ишонаман.

Унинг (Исонинг) атрофида кўпчилик одам ўтирган эди. Улар Унга: – Мана, онанг, укаларинг ва сингилларинг ташқарида Сени сўрашпти, – дедилар. У эса уларга жавоб берди: – Ким Менинг онам ёки Менинг укаларим ким? Сўнгра атрофида ўтирганларга қараб: – Мана, Менинг онам ва укаларим, – деди, – зеро кимки Худонинг иродасини бажарса, айнан ўша Менинг укам, синглим ва онамдир. (Марк 3:32-35)

ҲАР БИР ЖАМОАТ НИМАГА ИНТИЛИШИ ЛОЗИМ: СОҒЛОМ БЎЛИШГА

Агар сиз масиҳий ота-она бўлсангиз ва фарзандларингиз бўлса, улар учун нимани хоҳлайсиз? Ёки айтайлик, сиз фарзандсиз, оилангиз учун нимани хоҳлаган бўлардингиз?

Эҳтимол, маълум бир фазилатлар, масалан, севги, хурсандчилик, муқаддаслик, бирдамлик ва Худони ҳурмат қилиш каби фазилатлар оилангизда бўлишини истарсиз. Балки бу фазилатлар ҳақида ўйлаб юргандирсиз. Лекин, келинг, ушбу фазилатларни унчалик жозибадор бўлмаган бир сўз билан – *саломатлик* сўзи билан ифодалайлик. Сиз соғлом оила хоҳлайсиз, яъни азалда Худо ният қилганидек, бирга яшайдиган, бирга меҳнат қиладиган ва бир-бирини севадиган оилани хоҳлайсиз.

Бу нарса жамоатга ҳам тегишли. Менимча, масиҳийлар ким бўлишидан, улар чўпон ёки жамоатнинг оддий аъзоси бўлишидан қатъий назар, жамоатлари соғлом бўлиши учун ҳаракат қилишлари керак.

Эҳтимол, жамоат *соғлом бўлиши* кераклигини ифода этувчи бошқа бир сўз бордир. Нима бўлганда ҳам биз боқий Ўғил, шоҳларнинг Шоҳи, худолар Худосининг қони эвазига

сотиб олинган одамлар ҳақида гапиряпмиз. *Соғлом* сўзи таърифлаш учун энг яхши сўзми? Бироқ менга *соғлом* сўзи ёқади, чунки бу сўз амал қилаётган ва ривожланаётган танани англатади. Албатта, унда ҳам қандайдир муаммолар бўлиши мумкин. У ҳали камолотга етмаган бўлиши мумкин. Лекин тўғри йўлда. У ўз ишини қияпти, чунки Худонинг Каломи унга йўл кўрсатмоқда.

Ҳаётимиздаги гуноҳларга қарши курашиш масаласида имонлилар гуноҳ қилмайди, лекин имонсизлар гуноҳ қилиб қўяди, деган тушунча нотўғри эканини жамоатимга кўп айтаман. Аслида, бу курашда биз қайси томонда эканимиз асосий ўринда туради. Имонлилар гуноҳга қарши курашда Худо томонида бўладилар, имонсизлар эса Худога қарши бўлган томонда – гуноҳ томонида бўладилар. Бошқача айтганда, имонлилар ҳам гуноҳ қилишлари мумкин, лекин улар Худога ва Унинг Каломига юзланиб: “Гуноҳга қарши туришимда ёрдам бер”, деб Худога илтижо қиладилар. Имонсизлар эса гуноҳ қилганини билсалар ҳам “Худодан кўра, кўпроқ гуноҳ ишларни маъқул кўраман”, дейди.

Соғлом жамоат – мукаммал ва гуноҳдан ҳоли жамоат эмас. Бу жамоат ҳали мукаммалликка эришмаган. Аксинча, бу жамоат – дунё, тана ҳамда иблиснинг алдовларига ҳамда фосиқ истакларига қарши Худо томонида туриб курашадиган жамоатдир. Бу жамоат Худонинг Каломига амал қилишга интиладиган жамоатдир.

Келинг, сизга янада аниқроқ таъриф берай, сўнгра бу таърифни қўллаб-қувватлайдиган Муқаддас Китобнинг бир нечта парчаларини кўриб чиқамиз: *Соғлом жамоат — бу*

Муқаддас Китобда очиб берилганидек, Худонинг табиатини (феъл-атворини) тобора кўпроқ акс эттирадиган жамоатдир.

Шунинг учун агар чўпон мендан қандай жамоатни маъқул кўришимни сўраса, мен унга: “Муқаддас Китобда баён этилган, Худонинг табиатини (феъл-атворини) тобора кўпроқ акс эттирувчи соғлом жамоатни маъқул кўрган бўлардим”, деб айтишим мумкин.

Агар масиҳий одам бўлсангиз, сизни қандай жамоатга қўшилишга, хизмат қилишга ва сабр-тоқат билан ҳаракат қилишга ундашим мумкин? Муқаддас Китобда баён этилган, Худонинг табиатини (феъл-атворини) тобора кўпроқ акс эттирувчи соғлом жамоат.

Агар эътибор берган бўлсангиз, мен ҳар доим “мумкин” деган сўзни ишлатаман. Бу сўзни икки сабабга кўра ишлатаман. Биринчидан, бу сўз жамоатнинг қандай бўлиши кераклигини ифода этувчи ягона йўл эканлигини даъво қилмоқчи эмасман. Турли вазиятлар ҳамда турли мақсадлар учун турлича таърифлар керак бўлади. Мисол учун, бирор муаллиф жамоатдаги легализм ёки жиловсизликка жавобан: “Жамоатимиз учун энг муҳими – хочга йўналтирилган жамоат бўлишдир”, дейиши мумкин. Мен бу фикрга қўшиламан. Ёки аксинча, муаллиф жамоатларимизда Муқаддас битикларга амал қилинмаётганини, яъни жамоатимиз Муқаддас Китобга асосланмаганини айтиши мумкин. Мен бу ҳолатда ҳам унинг фикрига қўшиламан.

Иккинчидан, мен тушунтирмоқчи бўлган нарсани ҳеч ким мендан яхшироқ тушунтира олмайди, демоқчи эмасман. Оддий қилиб айтганда, жамоатларимизда умумий ҳолда интилишимиз керак бўлган нарса, яъни Каломда очиб

берилган Худонинг табиатини (феъл-атворини) акс эттириш, Муқаддас Китобга мос асосий мақсад эканини тушунтириш учун айтилган қўлимдан келгани шу.

Буни қайси масиҳий хоҳламайди?

Пухта тайёрланган

Муқаддас Китобда очиб берилган Худонинг табиатини (феъл-атворини) тасвирлаш, табиийки, Худонинг Каломи билан бошланади. Жамоатларимиз нималар қилиши кераклиги ва қандай жамоат бўлиши кераклигини аниқлашда нима учун биз “иш берадиган нарсаларга” эмас, айнан Муқаддас Китобга қарашимиз керак? Павлус Эфесдаги жамоатнинг чўпони Тимотийга йўллаган иккинчи мактубида Калом уни “ҳар қандай яхши ишлар учун” тайёрлаши ҳақида ёзган (2–Тимотий 3:17). Бошқача айтганда, ҳеч қандай яхши ишлар йўқ-ки, Калом Тимотийни ёки бизни тайёрламаган бўлса. Агар жамоатларимиз Муқаддас Китобда ёзилмаган қандайдир нарсаларни қилишимиз керак ёки шундай бўлишимиз керак, деган фикрда бўлса, демек Павлус хато қилган бўлади, чунки бундай ҳолатда, Калом бизни “ҳар қандай яхши ишлар учун” тайёрлайди, деб айтмаган бўларди.

Бубилан мен: “Худо берган ақлимизни ишлатмаслигимиз керак”, демоқчиманми? Йўқ, мен аввал Муқаддас Китобдан бошлайлик ва унда нималар ёзилганига қарайлик, демоқчиман.

Мен Муқаддас Китобдаги сюжет чизигининг олтига лаҳзаси ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Улар бизга жамоатларимиз Каломда очиб берилган Худонинг хусусиятларини тобора кўпроқ акс эттирадиган жамоатлар

бўлишини хоҳлашимизни тушунишга ёрдам беради. Ўзингизга маълумки, Калом битта ҳикояни айтади. Бу ҳикоя ичида кўплаб кичик ҳикоялар бўлади, лекин бу кичик ҳикояларнинг ҳаммаси битта асосий ҳикояга жамланган бўлади. Бизнинг мақсадимиз бу сюжет чизиғи орқали Худо жамоат учун нима исташини аниқлаш.

Сурат – ҳамма нарса

1. Яратилиш

Ибтидо китобида Худо ўсимликларни ва ҳайвонларни “ўз турига хос” (Ибтидо 1:11-12) тарзда яратгани ҳақида ёзилган. Ҳар бир олма бошқа олмадан, ҳар бир зебра бошқа зебрадан андоза олиб яратилган. Аммо инсон зоти ҳақида Муқаддас битикларда шундай ёзилган: “Ўз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш қилиб одамни яратайлик” (Ибтидо 1:26). Одам бошқа одамдан андоза олиб яратилмаган. У Худодан андоза олиб яратилган. У ўзига хос тарзда Худонинг суратини акс эттиради, Унга ўхшайди.

Худонинг суратида яратилганимиз учун биз, инсонлар яратилган барча мавжудотлар олдида Худони ва Унинг улуғворлигини ўзига хос тарзда ифодалашимиз керак. Отасидек йўл тутиб, отасининг изидан борадиган ўғил каби (Ибтидо 5:1-8; Луқо 3:38), инсон Худонинг табиатини (феъл-атворини) акс эттириш ҳамда яратилган мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилиш учун яратилган: “... Улар денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, чорвалар, бутун ер устидан ва ерда судралиб юрадиган барча судралувчилар устидан ҳукмронлик қилсинлар” (Ибтидо 1:26).

2. Гуноҳга қўл уриш

Лекин одам Худонинг ҳукмронлигини акс эттиришни истамади. У Худога қарши қўзғолон қилиб, ўз ҳукмронлигини кўрсатишга киришди. Шунинг учун Худо одамга ўзи истаган эркинликни берди ва уни Ўз ҳузуридан ҳайдаб чиқарди. Одамнинг қилган гуноҳи у энди ҳеч қачон ўз амаллари билан Худога яқинлаша олмаслигини билдиради.

Одамзод гуноҳ қилгандан кейин ҳам Худонинг суратини ўзида сақлаб қолдими? Ҳа, Ибтидо китобида таъкидланишича, одамда Худонинг “сурати” сақланиб қолган (Ибтидо 5:1; 9:6 га қаранг). Бироқ сурат ҳам, тасвир ҳам бузилган. Айтайлик, ойна қийшайган, шунинг учун у суратни аниқ кўрсатмайди. Ҳатто гуноҳкор ҳолимизда ҳам биз Худо ҳақида баъзи нарсаларни – рост ва ёлғон нарсаларни тасаввур қиламиз. Теологлар тили билан айтганда, одам бир вақтнинг ўзида ҳам “айбдор”, ҳам “бузилган” бўлиб қолди.

3. Исроил

Ўз иноятига кўра, Худо бир қанча одамни қутқариш ҳамда дунё яратилган пайтдаги асл мақсадини, яъни Ўз улуғворлигини намоён қилиш мақсадини амалга ошириш учун уларни ишлатиш режасини тузган эди. Худо Ибром исмли одамга уни ва авлодларини баракалашини ваъда қилди. Улар эса, ўз навбатида, барча халқлар учун барака бўлишларини айтди (Ибтидо 12:1-3). Худо уларни “муқаддас халқ” ва “руҳонийлар шоҳлиги” (Чиқиш 19:5-7) деб атади, бу иборалар Худо берган қонунларга амал қилиш орқали бошқа халқларга Худонинг табиатини (феъл-атворини) ва улуғворлигини кўрсатиш учун махсус танлаб олинган,

деган маънони билдиради (Аслида, бу ишни Одам Ато қилиши керак эди). Худо Исроил халқига: “Дунёга Менинг қандай Худо эканлигимни кўрсатинглар”, деган. “Муқаддас бўлинглар, зеро, Мен муқаддасман” (Левит 11:44; қиёсланг: 19:2; 20:7).

Худо ҳатто бу халқни “ўғлим” деб атади, зеро ўғиллар отасининг йўлидан борадилар (Чиқиш 4:22-23). Қолаверса, Худо уларга бермоқчи бўлган юртда, халқ Худонинг улугворлигини намоён қиладиган жойда мана шу ўғил билан бирга бўлишга ҳам ваъда берган (3–Шоҳликлар 8:41-43).

Бироқ, агар бу ўғил Эгамизга итоат қилмаса ва Унинг муқаддас сифатларини намоён қилмаса, Худо уни бу юртдан ҳайдаб юбориши ҳақида ҳам огоҳлантирган. Қисқасини айтганда, ўғил Худога қулоқ солмади ва Худо уни Ўз ҳузуридан ва юртдан ҳайдаб юборди.

4. Масих

Қадимги Исроил халқидан ўрганишимиз мумкин бўлган энг асосий сабоқ шундан иборатки, гуноҳга ботган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган одамзод Худонинг қонунига, ерга эга бўлса ва Худонинг ҳузури улар билан бўлса ҳам, Худони тўғри акс эттира олмайди. Исроил ҳақидаги ҳикоя ҳар биримизни камтарликка чақириши керак! Фақат Худонинг Ўзи Ўзини тўғри акс эттира олади ва фақат Худо бизни гуноҳдан ва ўлимдан қутқара олади.

Шунинг учун, Худо Ўзининг ягона ва илоҳий Ўғлини юборди, У “инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди” (Филиппиликлар 2:7). Бу севикли Ўғил Худонинг қонунларига ёки Шоҳлигига тўлиқ итоат этди ва Ота Ундан

мамнун бўлди. Бу Ўғил Одам Ато қилмаган нарсани қилди, яъни шайтоннинг васвасасига қарши турди. Саҳрода рўза тутиб оч қолганида, шайтонга: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқаётган ҳар бир Сўз билан яшайди”, – деб жавоб берди (Матто 4:4).

У Исроил халқи қилмаган ишни ҳам қилди. У Отанинг иродаси ва қонунларига тўлиқ амал қилиб яшади: “Ўзимдан ҳеч бир ишни қилмаётганимни, лекин Отам Менга қандай ўргатган бўлса, шундай сўзлаётганимни билиб оласизлар” (Юҳанно 8:28; яна 6:38; 12:49 га ҳам қаранг).

Отани мукаммал даражада акс эттирган бу Ўғил шогирди Филипга “Мени кўрган, Отамни кўрган бўлади” (Юҳанно 14:9), деб айтган.

Ота қандай бўлса, Ўғил ҳам шундай.

Ортга назар ташлайдиган бўлсак, Янги Аҳддаги мактублар муаллифлари Уни “кўринмас Худонинг қиёфаси” (Колосаликлар 1:15) ҳамда “шуҳратнинг ёғдуси ва Худо шахсиятининг қиёфаси” (Ибронийлар 1:3) деб таърифлашган. Охирги Одам ва янги Исроил сифатида, Исо Масиҳ Худонинг инсондаги суратини қутқарди.

Лекин, Масиҳ қонунга бўйсунуш орқали Худонинг улуғвор муқаддаслигини акс эттиришдан ташқари, гуноҳкорлар учун хочда қурбон бўлиш, уларга бериладиган жазони Ўзига олиш орқали Худонинг буюк раҳм-шафқатини ва муҳаббатини ҳам намойиш қилди (Юҳанно 17:1-3). Эски Аҳднинг бошидан охиригача мана шу қурбонликка ишора қилинган. Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганларидан кейин уларнинг яланғочлигини яшириш учун сўйилган ҳайвонлар ҳақида ўйлаб кўринг. Исҳоқни сақлаб қолиш учун

Худо қай йўл билан Иброҳимга қўчқор бергани ҳақида ўйланг. Вақти келиб бир халқни қутқариб қолиш учун акаларининг қурбонига айланган ва қул қилиб сотиб юборилган Юсуф ҳақида мулоҳаза қилинг. Тўнғич ўғилларини ўлимдан сақлаб қолиш учун уй эшиклари кесақисига қўзининг қонини сепган Исроил халқи ҳақида ўйлаб кўринг. Гуноҳ қурбонлигини қилиш учун бир ҳайвонни маъбад ҳовлисига олиб кириб, унинг бошига қўлларини қўйган ва “ҳайвондан тўкилган қон меники бўлсин”, деб уни сўйган Исроил оилалари ҳақида ўйланг. Олий руҳоний йилда бир марта маъбаднинг Энг Муқаддасхонага кириб, бутунхалқучун қурбонлик келтирган. Ишаъё пайғамбарнинг ваъдасини эсланг: “Лекин у бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган эди ва қонунбузарликларимиз учун азобланган эди. Бизнинг тинчлигимиз ҳақи жазо Унга юкланган эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик” (Ишаъё 53:5).

Буларнинг барчаси Худонинг Қурбонлик Қўзиси сифатида хочда қурбон бўлган Исо Масихга ишора қилади. Болохонада ўтирганларида Исо шогирдларига айтганидек, гуноҳларидан тавба қилган ва Унга имон келтирган барча инсонларга У “Ўз қонидаги янги аҳд”ни (Луқо 22:20) таклиф қилиш учун хочда қурбон бўлди.

5. Жамоат

Биз ўз гуноҳларимиз туфайли ўлган эдик, лекин Масихнинг ўлими ва тирилишини эътироф этиб, сувга чўмганимизда қайта тирилдик. Павлус шундай эълон қилади: “Чунки Исо Масихга ишониш орқали сизларнинг ҳаммаларингиз Худонинг фарзандларисизлар. Сизларнинг ҳар

бирингиз Масихга чўмдирилиб, Масихга буркандингизлар” (Галатияликлар 3:26-27). “Сизлар ўғил бўлаганингиз учун Худо юракларингизга «Абба, Ота!» – деб чақирадиган Ўз Ўғлининг Руҳини юборди” (Галатияликлар 4:6).

Худонинг бу ўғиллари нима қилишлари керак? Биз самодаги Ота ва Ўғилнинг табиатини, ўхшашлигини, суратини ҳамда улуғворлигини намоён қилишимиз керак!

Ота Ўғли келтирган қурбонлик орқали Ўзи билан бизнинг орамизда тинчлик ўрнатгани каби, Исо ҳам бизни “тинчлик ўрнатувчилар” бўлишимиз лозимлигини айтган (Матто 5:9).

Осмондаги Отамиз биз Унга душман бўлган пайтимизда бизни севгани каби, Исо бизга “душманларимизни севишимиз” кераклигини айтади (Матто 5:44; Римликлар 5:8).

Исо бизга “бир-бирингизни севинглар”, дейди, негаки, У бизни севгани учун Ўз ҳаётини фидо қилди, бу эса бутун дунёга Унинг ким эканини кўрсатади (Юҳанно 13:34-35).

Исо ва Ота бир бўлгани каби, Исо бизнинг ҳам “бир” бўлишимиз учун ибодат қилган (Юҳанно 17:20-23).

Осмондаги Отамиз баркамол бўлгани каби, Исо бизнинг ҳам “баркамол бўлишимиз” кераклигини айтади (Матто 5:48).

Исо бизнинг “инсон овчилари” ҳамда барча халқлардан шогирд орттирувчи бўлишимиз кераклигини айтган (Матто 4:19; 28:19). Ота Уни бу дунёга юборгани каби, Исо ҳам бизни бутун дунё бўйлаб юборади (Юҳанно 20:21).

Ота қандай бўлса, Ўғил ҳам шундай, ўғиллар ҳам шундай.

Масихнинг қилган қурбонлиги туфайли гуноҳлардан покланган, Муқаддас Руҳнинг ишлари туфайли янги ижод

бўлиб, қайта туғилган юракка эга бўлган одамлар Худонинг мукаммал суратини қайта тиклай бошлаганлар. Масиҳ бизнинг тўнғич биродаримиз (1–Коринфликлар 15:23). У ўртадаги пардани олиб ташлади ва жамоат Отанинг суратини яна кўриши учун йўл очди (2–Коринфликлар 3:14, 16). Энди биз имон орқали Унинг суратини кўра оламиз ва “шухратдан шухратга, худди ўша тасвирга ўзгармоқдамиз” (2–Коринфликлар 3:18).

Жамоат учун Худонинг мақсадини атиги иккита оятда кўришни истайсизми? Павлус шундай дейди:

Токи энди самодаги бошлиқ ва ҳокимларга Худонинг кўп хилдаги донолиги Жамоат орқали маълум бўлсин. Худо буни Ўзининг мангу мақсади бўйича Раббимиз Исо Масиҳда рўёбга чиқарди. (Эфесликлар 3:10-11)

Жамоат Худонинг кўп хилдаги донолигини қандай намоён қилади? Фақат чексиз доноликка эга Худо севги ва адолатни сақлаб қолиш йўлини топиб, Ўзига ҳам, бир-бирига ҳам бегоналашиб кетган гуноҳкор инсонларни қутқариши мумкин эди. Фақат чексиз доноликка эга бўлган Худо тошбагир юракларни Уни севадиган ва улуғлайдиган юмшоқ юракларга айлантириш йўлини топиши мумкин эди. Коинотдаги ҳар қандай кучлар буни кўриб, ҳайратда қолсинлар!

6. Улуғворлик

Биз Уни улуғворликда кўрганимиздагина Унинг мукаммал суратига кирамиз: “Фақат шуни биламизки, бу очилганида, биз У каби бўламиз, чунки У қандай бўлса, Уни

шундай ҳолда кўрамир” (1–Юҳанно 3:2). У каби муқаддас бўламиз. У каби севамир. Худди У каби бирлашамиз. Бу оят биз ҳам худо бўлишимизни ваъда қилмайди. Балки бизнинг қалбимиз кўёшга қаратилган кўзгудек, Унинг табиати ва улуғворлиги билан порлашини ваъда қилади.

Ҳикояга қисқача назар

Ҳикояни диққат билан тингладингизми? Бунинг қисқача хулосаси қуйидагича: Худо Ўз улуғворлигини намоён этиш учун дунёни ва инсониятни яратди. Худонинг табиатини акс эттириши керак бўлган Одам Ато ва Момо Ҳаво бундай қилмадилар. Исроил халқи ҳам бундай қилмади. Шунинг учун муқаддаслигини ва севувчи табиатини намоён этиш ҳамда дунёнинг гуноҳларига қарши йўналтирилган ғазабини қайтариш учун Худо Ўз Ўғлини юборди. Худо Масиҳда Ўзини намоён этиш учун келди. Масиҳда Худо қутқариш учун келди.

Энди эса Масиҳнинг ҳаёти ва Муқаддас Рухнинг қудрати берилган жамоат Худонинг табиати ва улуғворлигини бутун оламга намоён қилишга, Унинг буюк донолиги ҳамда нажот ишлари ҳақида сўзда ва амалда гувоҳлик беришга чақирилган.

Дўстим, сиз жамоатдан нима излаяпсиз? Яхши муסיқаними? Жонли муҳитними? Анъанавий тартибдаги хизматними? Мана бунга нима дейсиз:

Бутун самовий қўшинлар олдида...

исёнлари авф этилган одамларни...

Худо Ўз улуғворлигини намоён қилиш учун ишлатишни истайди...

чунки улар Худо ҳақида ҳақиқатни гапирадилар...

ва тобора Унинг Ўзидек – муқаддас, севувчи ва бирдам бўлиб борадилар?

ХУДОНИНГ ТАБИАТИНИ НАМОЁН ҚИЛИШ УЧУН ЯКУНИЙ КЎРСАТМА

Шуни тан олишим керакки, хўжалик ишларини қилиш унчалик қўлимдан келмайди. Масалан, китоб жавони ясаш, стерео системаларни улаш қўлимдан келмайди ёки телефондаги тугмачалар нима учун кераклигини ҳам билмайман. Ҳатто, қўлланмалар ҳам менга ёрдам бермайди. Шунинг учун кўпинча яқинларим ёки дўстларимнинг ёрдамига суянишга мажбурман.

Менинг уй ишларидаги нўноқлигим асосий масалага, яъни жамоат Худонинг табиатини қандай намоён қилиши кераклиги ҳақида Муқаддас Китобнинг кўрсатмаларига таъсир қилмаслигидан хурсандман. Бу ерда асосий кўрсатма оддий: биз Худонинг Каломига қулоқ солишимиз ва Унга амал қилишимиз керак. Бор-йўғи икки нарса – қулоқ солиш ва амал қилиш.

Худонинг сўзларини эшитиш ва унга амал қилиш орқали биз шохнинг эчилари ёки ўғли каби Худонинг табиати ва улуғворлигини кўрсатамиз. Энди отаси узоқ сафарга кетган ўғилни тасаввур қилинг. Ота унга бир қанча мактуб йўллайди ва уй ишларини қандай олиб бориш ва унинг ишларини

қандай давом эттириш бўйича кўрсатмалар беради. Лекин ўғил бу мактубларни ўқимайди. Хўш, бу ўғил отасининг ишларини давом эттиришни ёки уни қандай бошқаришни қаердан ўрганади? Ҳеч қаердан. Худонинг Каломига қулоқ солмаган жамоат ҳам худди шундай бўлади.

Икки турдаги одамлар

Одам Ато Худонинг сўзларига итоат қилмагани учун боғдан ҳайдалганидан бери, бутун инсоният икки тоифага – Худонинг сўзларига итоат қиладиган ва итоат қилмайдиган тоифага бўлинган. Нуҳ Худонинг сўзларига итоат қилди. Бобил минорасини қурганлар Худонинг сўзларига итоат қилмадилар. Иброҳим итоат қилди, Фиръавн итоат қилмади. Довуд итоат қилди, Унинг ўғиллари итоат қилмади. Заккай итоат қилди, Пилат итоат қилмади.

Буни жамоат тарихида ҳам кўришимиз мумкин. Афанасий итоат қилди, Ариус итоат қилмади. Лютер итоат қилди, Рим итоат қилмади. Мейчен итоат қилди, Фосдик итоат қилмади.

Мен, албатта, итоат қилмаган одамлар ҳақида илоҳий ва хатосиз тушунчага эгаман, деб даъво қилмоқчи эмасман. Лекин, Муқаддас Китобда баён этилган ҳикоялар Худонинг халқи бўлганларни ёлғончилар ва имонсизлардан ажратиб турадиган асосий фарқ – Худонинг халқи Унинг сўзларига қулоқ солишини ва унга амал қилишини ўргатади. Қолганлар бундай қилишмайди. Қонунлар китобида Мусо ваъда қилинган юрт чегарасига иккинчи маротаба етиб келган Исроил халқига айнан мана шу нарсани тушунтирмоқчи

бўлган. У 40 йил олдин уларнинг ота-оналари олдида туриб буларни айтганини, лекин улар қулоқ солмаганини, Худо эса уларни лаънатлагани ва уларнинг ҳаммаси саҳрода қирилиб кетганини эслатди. Деяри 30–бобгача тилга олинган нутқни қуйидагича хулоса қилиш мумкин: “Қулоқ солинглар! Эшитинглар! Ёзиб олинглар! Худо нима деганини эсланглар. У сизларни Мисрдаги қуликдан қутқарди, шунинг учун Унга қулоқ солинглар!” 30–бобда Мусо аввал айтган гапларини бир оғиз сўз билан хулоса қилади: “Ҳаётни танланг!” (Қонунлар 30:19).

Худонинг халқи фақат Худонинг сўзларини тинглаш ва унга амал қилиш орқалигина ҳаётга эришадилар. Ҳаммаси оддий.

Янги Аҳд жамоатлари учун ҳам Худонинг амрлари ўзгармаган. Биз Унинг сўзларига қулоқ солиб имон келтирганимизда, У бизни гуноҳ ва ўлимдан қутқарган (Римликлар 10:17). Энди биз Унинг Каломига қулоқ солишимиз ва амал қилишимиз керак. Худонинг Каломига қулоқ солиш ва амал қилиш орқали биз Унинг табиатини ва улғуворлигини тобора кўпроқ кўрсатамиз.

Кимдир: “Бу шунчаки ички диққатни жамлашдек гап”, деб эътироз билдириши мумкин. Жамоат ташқи нарсаларга, яъни миссияларга, Хушхабар тарқатишга эътибор қаратиши керак эмасми? Албатта, жамоат бу ишларга эътибор қаратиши керак. Бу ишлар Худонинг табиатини кўрсатишнинг бир усули. “Исо уларга: «Менга эргашинглар ва Мен сизларни инсон овчилари қиламан», – деди (Матто 4:19), Исо яна шундай деган: “Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юборяпман” (Юҳанно

20:21). Биз Раббимизнинг топширигини бажарганимизда, Хушхабарни тарғиб қилганимизда ва Худонинг Шоҳлиги учун хизмат қилганимизда, буларни Худонинг Каломига мувофиқ қиламиз, ушбу вазиятда эса Матто 4:19 ва Юҳанно 20:21 ҳамда бошқа бир қатор оятларга мувофиқ қиламиз. Бу ишларни айрим теологлар ўйлаб топгани ёки бу фикр яхши эканлигига ишонганимиз учун қилмаймиз. Худо бу оламда шу ишларни қилишимиз кераклигини айтгани учун биз воизлик қиламиз, Хушхабарни тарғиб қиламиз ва Худонинг Шоҳлиги учун хизмат қиламиз.

Хуллас, тарих Хушхабарни тарғиб қиладиган ва Хушхабарни тарғиб қилмайдиганга ажратилмайди. Жамоатни белгилайдиган нарсаси бу эмас. Тарих Худонинг Каломига қулоқ соладиган ва қулоқ солмайдиганларга ажратилади.

Шунинг учун Матто баён этган Хушхабарда Исо шайтонга: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқаётган ҳар бир Сўз билан яшайди” (Матто 4:4) деб айтганини ҳамда Исо шогирдларига барча халқлардан шогирд орттириш, уларни сувга чўндириш ва “Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар” (Матто 28:20) деб айтган сўзларини таъкидлаган.

Шунинг учун Марк ҳам Худонинг Каломи ҳақида тушунтириш учун ерга тушган тўрт хил уруғ ҳақида Исо айтган масални баён этган (Марк 4). Бу сўзларни кимлардир қабул қилади, кимлардир қабул қилмайди.

Луқо ҳам ўзини ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўрган гувоҳ ҳамда хизматкор деб таърифлаган (Луқо 1:2) ва Исонинг ваъдасини баён этган: “Худонинг Сўзини тинглаётганлар ва унга риоя қиладиганлар бахтлидирлар!” (Луқо 11:28).

Шунинг учун Юҳанно ҳам Исо Бутрусга айтган сўнги сўзларини баён этган. Ўшанда Исо Бутрусга битта гапни уч маротаба такрор айтганди: “Менинг қўйларимни боққин” (Юҳанно 21:15-17). Уларни нима билан боқиш керак? Худонинг Каломи билан.

Шунинг учун Ҳаворийлар китобида тилга олинган илк жамоат бирга йиғилганида, улар “доимо ҳаворийларнинг таълимотида, мулоқотда, нон синдиришда ва ибодатларда бўлар эдилар” (Ҳаворийлар 2:42). Шунинг учун Павлус Римликларга йўлаган мактубида шундай ёзган: “Имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир” (Римликлар 10:17).

Шунинг учун у Коринфликларга йўлаган мактубида “хоч ҳақидаги хабар” (1–Коринфликлар 1:18) нажот келтирувчи “Худонинг қудрати” эканини, чунки “Худо воизлик телбалиги орқали имон келтирганларни қутқаришни маъқул кўрди” деб айтган (1–Коринфликлар 1:21). Шунинг учун кейинроқ у айнан шу жамоатга фойда олиш учун Худонинг Каломини сотмаслигини ёки “Худонинг Сўзини бузмаслигини”, балки боқий фойда олиш учун “самимийлик билан воизлик” қилишини айтган (2–Коринфликлар 2:17; 4:2).

Шунинг учун у Галатияликларга йўлаган мактубида “кимки сизлар қабул қилган Хушxabардан бошқа хушxabарни сизларга воизлик қилса лаънати бўлсин”, деб айтган (Галатияликлар 1:9).

Шунинг учун у Эфесликларга ёзган мактубида уларнинг “ҳақиқат сўзини, нажотингизнинг Хушxabарини эшитиб, Масихга имон келтириб, ваъда қилинган Муқаддас

Рух билан Масихда муҳрланганликларини” (Эфесликлар 1:13) айтган. Уларга яна Худо “баъзиларни ҳаворийлар, баъзиларни пайғамбарлар, баъзиларни хушxabарчилар, баъзиларни чўпонлар ва муаллимлар қилиб тайинлаганини, токи Масихнинг танасини барпо этишга хизмат қилишлари учун муқаддасларни камолотга эриштиришини, шу тариқа, ҳаммамиз имоннинг ва Худонинг Ўғлини таниб-билишнинг бирлигига келиб, мукаммал инсонга, яъни Масихнинг тўла-тўқислигининг етуклиги меъёрига эриштиргани”ни (Эфесликлар 4:11-13) ҳам айтган.

Шунинг учун у Филиппиликларга: “Раббийдаги биродарларимизнинг кўпчилиги менинг кишанбандлигимдан дадилланиб, Худонинг Сўзини янада жасорат билан қўрқувсиз воизлик қила бошладилар” (Филиппиликлар 1:14), деб айтган.

Шунинг учун у Колосаликларга “Масихнинг Сўзи барча донолик билан юракларингизга мўл-кўл жойлашиб кираверсин . . . бир-бирингизга насиҳат қилиб ўргатинглар” (Колосаликлар 3:16) деб айтган.

Шунинг учун у Фессалоникаликларга шундай ёзган: “Шунинг учун биз Худога тинимсиз миннатдорчилик билдирмоқдамиз, чунки сизлар биздан эшитган Худонинг Сўзини инсон сўзи сифатида эмас, балки Худонинг Сўзи сифатида қабул қилдингизлар. Бу Сўз эса сиз имонлиларда кучли ҳаракат қилмоқда” (1-Фессалоникаликлар 2:13) ва кейинроқ уларга йўл-йўриқ кўрсатган: “Шундай қилиб, биродарлар, мустаҳкам туринглар. Сўз ёки мактубларимиз орқали ўргатилган нақлларга риоя қилинлар” (2-Фессалоникаликлар 2:15).

Шунинг учун шогирди Тимотийга ҳам жамоатга оқсоқоллар тайинлашда “таълим беришга қобилиятли” бўлганларни, жамоат хизматчилари сифатида эса “имон сирини пок виждонда сақлайдиган одамларни” (1–Тимотий 3:2, 9) танлашни буюрган. Кейинги мактубида у Тимотийга бутун эътиборини бир нарсага қаратишни буюрган:

Сўзни воизлик қилгин, бу ишда қулай фурсатми, фурсат эмасми, саботли бўлгин. Фош қилгин, тақиқлагин, бутун сабр-тоқат билан таълим бериб насиҳат қилгин. Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз ҳирсларига биноан қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар. Улар қулоқларини ҳақиқатдан ўгириб, афсоналарга бурадилар. (2–Тимотий 4:2-4)

Худо “ўз вақтида Нажоткоримиз Худонинг буйруғи бўйича менга топширилган воизлик орқали Ўз Сўзида намоён қилгани” (Титус 1:3) учун Титус билан бирга қувонган.

Шунинг учун Павлус Филимонга далда бериб, “имонини” бошқалар билан баҳам кўришда фаол бўлишини айтган. “Имон” сўзи шахсий ҳис-туйғу ёки субъектив ҳолатни англатмайди, балки аниқ таърифланган эътиқодлар тўпламини билдиради (Филимон 6).

Шунинг учун Ибронийларга йўлланган мактуб муаллифи шундай огоҳлантирган: “Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда руҳ орасини, бўғинлар ҳамда

иликларнинг орасини бўлишгача суқилиб киради ва юракдаги ўй-ниятларни фош қилади” (Ибронийлар 4:12).

Шунинг учун Ёқуб ҳам уни тинглаб турганларга Худо “бизни ҳақиқат Сўзи билан туғди” ҳамда “Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар” (Ёқуб 1:18, 22), деб огоҳлантирган.

Шунинг учун Бутрус турли жойларга тарқалиб кетган Худонинг азизларига уларнинг “чирийдиган уруғдан эмас, балки чиримайдиган уруғдан, яъни тирик ва абадий мавжуд бўлган Худонинг Сўзидан янгидан туғилганликларини” (1–Петрус 1:23) ҳамда “Раббийнинг Сўзи абадий туришини” (1–Петрус 1:25) эслатган. Шунингдек, иккинчи мактубида шундай ёзган: “Ёзувдаги ҳеч бир пайғамбарчилик бировнинг хусусий таъбири эмасдир. Чунки ҳеч қачон пайғамбарчилик инсоннинг иродаси билан айтилмаган, аммо уни Худонинг муқаддас одамлари Муқаддас Рухдан илҳомланиб айтганлар” (2–Петрус 1:20-21).

Шунинг учун Юҳанно шундай ёзган: “Кимки Унинг Сўзига риоя қилса, у одамда Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Ана шундан биз Унда жо эканимизни биламиз. Кимки: «Мен Унда жо бўлмоқдаман», – деса, Масих қандай юрган бўлса, у ҳам шундай юриши керак” (1–Юҳанно 2:5-6) ҳамда “Севги шундан иборатки, бизлар Унинг амрлари бўйича ҳаракат қилайлик” (2–Юҳанно 1:6) ва “Мен учун менинг болаларим ҳақиқатда юрганликларини эшитишдан ортиқ қувонч йўқдир” (3–Юҳанно 1:4).

Шунинг учун Яҳудо ўзининг мактубида сохта устозлар ҳақида огоҳлантиради (Яҳудо 1:4-16) ва Раббимиз “барча одамзодни ҳукм қилишини, уларнинг орасидаги

бетавфиқларни, уларнинг барча бетавфиқ ишларини ва бетавфиқ гуноҳкорларнинг Худога қарши айтган қўпол гапларини фош қилишини” (Яҳудо 1:15) ваъда қилади.

Шунинг учун ҳаворий Юҳанно Ваҳий китобида Филадельфия шаҳридаги жамоатни мақтаган: “Сен кам кучга эгасан, бироқ Менинг сўзимни асрадинг ва Менинг номимдан воз кечмадинг” (Ваҳий 3:8).

Дўстим, жамоат Худонинг Каломини тинглаш орқали ўз ҳаётини топади. Худонинг Каломи асосида ҳаёт кечириш ва уни ҳаётида намоён этиш орқали ўз мақсадини топади. Жамоатнинг вазифаси – қулоқ солиш ва муносиб жавоб қайтариш. Бори шу. Бугунги кунда жамоатлар дуч келаётган асосий чақириқ – қандай қилиб “долзарб”, “стратегик”, “сезгир” ёки ҳатто “мақсадли” бўлишни тушунишда эмас. Асл чақириқ – қандай қилиб садоқатли бўлишни, яъни қандай тинглашни, қандай ишонишни ва қандай итоат қилишни англаб етишдан иборатдир.

Бу борада биз худди ваъда қилинган юртга киришга тайёрланаётган Исроил халқига ўхшаймиз. Худо бизга: “Қулоқ сол, эй жамоат: Амал қил!” деб айтмоқда. Яхши хабар шундан иборатки, бизда, қадимги Исроил халқидан фарқи равишда, Исо Масихда Худонинг тўлиқ ваҳийси бор. Бизда Худо Ўғлининг Руҳи, муҳр ҳамда нажот ваъдаси бор.

Эшитишдан тўхтамайлик

Айнан мана шунинг учун китобнинг иккинчи қисмига ўтганимизда ҳам тинглашда давом этишни истаймиз. Худо

бизга Ўз Каломи орқали соғлом жамоат ҳақида яна нималарни ўргатмоқчи? Соғлом жамоатнинг биз ҳозир муҳокама қиладиган ушбу тўққизта белгиси, умид қиламанки, фақат менинг фикрларим эмас. Улар шунчаки барчамиз тинглашда давом этишимиз учун мен берадиган туртки, холос. Агар китобнинг мундарижасига қарасангиз, мен нимани назарда тутаётганимни билиб оласиз: экспозицион (Каломга асосланган) воизлик, Хушхабар таълимоти, юқоридан туғилиш ва Хушхабар тарқатиш бўйича Каломга асосланган тушунча, жамоат аъзолиги бўйича Каломга асосланган тушунча, Каломга асосланган жамоат тартиб-интизоми ва ҳоказолар.

Гарчи кейинги бобларда айтадиган гапларимнинг айримларига қўшилмасангиз ҳам, умид қиламанки, Каломда мен айтган нарсадан бошқачароқ айтиланган, деб ўйлаганингиз учун фикримга қўшилмайсиз. Бошқача айтганда, маҳаллий жамоат қанақа бўлиши ва нималар қилиши кераклигини аниқлаш учун Каломга диққат қиласиз, деб ўйлайман.

МУҲИМ МАСЛАҲАТЛАР

Агар жамоатдан кетиш ҳақида ўйлаётган бўлсангиз ...

Кетишдан аввал:

1. Ибодат қилинг.
2. Бошқа жамоатга ўтишдан ёки бошқа шаҳарга кўчиб кетишдан олдин ҳозирги чўпонингизга нимани ўйлаётганингизни айтинг. Ундан маслаҳат сўранг.
3. Сабаблар ҳақида ўйлаб кўринг. Кетиш истагингизнинг сабаби шахсий келишмовчилик ёки зиддиятми? Агар таълимот сабабли кетмоқчи бўлсангиз, бу таълимотлар қанчалик муҳимлиги ҳақида ўйлаб кўринг.
4. Ҳар қандай бузилган муносабатларни тиклаш учун қўлингиздан келганча ҳаракат қилинг.
5. Жамоатҳаётида кўрган барча “инояталоматларини”, Худонинг иши яққол кўзга ташланган ҳолатларни кўриб чиқишни унутманг. Агар Худонинг иноят

аломатларининг биронтасини ҳам кўра олмасангиз, ўз юрагингизни яна бир марта текширинг (Матто 7:3-5).

6. Камтар бўлинг. Сизда етарлича асос йўқлигини тан олинг ва одамлар ҳамда вазиятларга нисбатан самимий бўлинг (уларга яхши кўз билан қаранг).

Агар кетадиган бўлсангиз:

1. Танани (жамоатни) бўлманг.
2. Ҳатто энг яқин дўстларингиз орасида ҳам норозилик уруғини сочмаслик учун жуда эҳтиёт бўлинг. Уларнинг бу жамоатда униб-ўсишига тўсиқ бўлишни истамаслигингизни унутманг. Ғийбат қилиш истагидан воз кечинг (бу нарса баъзида “ичингдагини айтиш” ёки “туйғуларингизни билдириш” деб аталади).
3. Жамоатингиз ва ундаги етакчилик учун ибодат қилиб, уларни марҳаматланг. Буни амалда бажариш йўллари изланг.
4. Агар сизни хафа қилишган бўлса, Худо сизни кечиргани каби, уларни кечиринг.

2-ҚИСМ

**СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ
АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ**

Биз соғлом жамоатларга эга бўлишни истаймиз, деб қарор қилдик. Биз Худонинг Каломида очиб берилган Унинг табиатини тобора кўпроқ акс эттирадиган имонлилар жамоатларини кўришни истаймиз. Майли, жамоатлар катта бўлсин. Майли, улар кичик бўлсин. Шаҳардами ёки қишлоқда, анъанавийми ёки замонавий – бунинг аҳамияти йўқ. Майли, улар уйларда, биноларда, мактабларда ёки дўконларда учрашишсин. Улар шунчаки бутун дунёга бизнинг муқаддас ва меҳрибон Худойимиз қандай эканини кўрсатсинлар. Сўзда ҳам, амалда ҳам Худонинг ажойиб улуғворлигига гувоҳлик берсинлар.

Энди кўриб чиқишимиз керак бўлган савол қуйидагича: соғлом жамоатнинг белгилари нималардан иборат?

Агар суҳбатимиз жисмоний соғломликни сақлаш ҳақида бўлганида, шу нуқтада суҳбатимиз тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, етарлича ухлаш ва шунга ўхшаган нарсалар ҳақида бўларди. Лекин жамоат танаси ҳақида нима дейиш мумкин?

Ушбу ва кейинги бўлимда мен соғлом жамоатнинг тўққизта белгиси ҳақида гапираман. Бу белгилар жамоат ҳақида айтиш мумкин бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олмайди. Улар ҳатто жамоат ҳақидаги энг муҳим нарсалар ҳам эмас. Мисол учун, сувга чўмдириш ва Қутлуғ Кечлик – жамоат

тарихини ўрганаётган талабалар айтганидек, жамоатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бироқ ҳозир буларни муҳокама қилмаймиз. Чунки деярли ҳар бир жамоат энг камида бу иккала маросимга амал қилади. Бу ерда муҳокама қилинган тўққизта хусусият соғлом, Каломга асосланган жамоатни бошқа кўплаб заиф ва носоғлом жамоатлардан ажратиб туради. Бугунги кунда ушбу тўққизта хусусият жуда кам учрайди, шунинг учун уларга алоҳида эътибор қаратишимиз ҳамда жамоатларимизда шакллантиришимиз керак.

Ушбу бўлимда мен соғлом жамоатнинг иккита асосий белгиси ҳақида сўз юритаман. Бу асосий белгилар ҳар томонлама муҳим. Агар сиз экспозицион ваъзни ва Хушхабар таълимотини олиб ташласангиз, ўша жамоатнинг соғломлиги жуда тез ва кескин ёмонлашади. Дарҳақиқат, бундай жамоат тез орада йўқ бўлиб кетади (ҳатто эшиклари очиқ бўлса ҳам).

Афсуски, жамоат тарихида яхши ниятлар билан ўз жамоатини “замонга мос” ёки “аҳамиятлироқ” қилиш учун ушбу икки муҳим белгининг биттасини эътиборсиз қолдирган чўпонлар кўп бўлган. Қайсидир маънода улар Худодан ҳам донороқ бўлишга ҳаракат қилишган. Дўстим, сиз бу йўлдан борманг.

Агар кимдир менга қўнғироқ қилиб, экспозицион ваъз қилинишини истамайдиган жамоатга чўпонлик қилиш таклифини қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида сўраса, мен унга бу таклифни қабул қилмасликни тавсия қиламан. Агар биронта имонли аёл менга қўнғироқ қилиб, уларнинг жамоатида мунтазам равишда сохта таълимот тарғиб

қилинаётганини айтса, унга бошқа жамоатга бориш ҳақида ўйлаб кўришини тавсия қиламан.

Нега бундай қатъий оҳангда гапиряпман? Сабаби оддий – овқатни эмас, фақат овқатнинг суратини олиб келадиган ресторанга боришни тавсия қилмайман. Худонинг Каломи, фақат Худонинг Каломи ҳаёт ато этади!

ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ ҚИЛИШ

Агар соғлом жамоат – Худонинг табиатини Муқаддас Китобда очиб берилганидек тобора кўпроқ намоён қиладиган одамлар бўлса, унда соғлом жамоат барпо қилишни бошлашнинг энг тўғри йўли – имонлиларни Худонинг Каломини тинглашга даъват қилишдир. Худо Каломи – ҳаёт ва соғлиқ манбаидир. Бу Калом жамоатни озиқлантиради, ривожлантиради ва Хушxabар ҳақидаги тўғри тушунчани сақлаб қолади.

Бу нима?

Асосан, бу фикр чўпонларни ҳам, жамоат аъзоларини ҳам экспозицион ваъзга содиқ қолишлари кераклигини англатади. Экспозицион ваъз – Худонинг Каломини очиб беришга қаратилган ваъздир. Унда Муқаддас битиклардан маълум бир парча тушунтирилади ва парчанинг маъноси жамоат аъзоларининг ҳаётига татбиқ этилади. Бу ваъз тури Худонинг Ўз халқига, қолаверса, Худонинг халқи бўлмаганларга ҳам Худо нима демоқчи эканини аниқ етказувчи усулдир. Экспозицион ваъзга содиқ бўлиш, аслида, Худо Каломини тинглашда содиқ бўлишни англатади.

Ваъзнинг кўплаб бошқа турлари ҳам мавжуд. Мисол учун, мавзуга оид ваъз. Унда ибодат ёки ушр бериш мавзулари каби мавзуга доир бир ёки бир нечта оятлар танлаб олинади. Биографик ваъзда эса Муқаддас Китобда тилга олинган бирон шахснинг ҳаёти таҳлил қилиниб, Худо иноятининг ифодаси, умид ва садоқат намунаси сифатида тақдим этилади. Бу каби бошқа усуллар ҳам айрим ҳолларда фойдали бўлиши мумкин. Лекин жамоатнинг мунтазам ва асосий “озуқаси” Худо Каломидан маълум парчани тушунтириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бўлиши керак.

Экспозицион ваъз қилиш амалиёти Худонинг айтган сўзлари Унинг халқи учун ҳокимиятли эканига ишонишга асосланади. Унга кўра, Худонинг халқи Унинг сўзларини тинглаши лозим, аниқроғи тинглаши шарт, акс ҳолда, Худо бизни Ўз сурати томон ўзгартириб бориш учун фойдаланадиган воситалардан жамоат маҳрум бўлади. Унга кўра, Худо жамоатнинг ҳар иккала Аҳд китобларидан, Муқаддас битиклардаги турли жанрлардан, масалан, қонунлар, тарих, донолик, башоратлар, Хушxabарнинг тўрт баёни ва мактублардан таълим олишини хоҳлайди. Менимча, Муқаддас Китобга киритилган китобларни кетма-кетликда шарҳлаб, Муқаддас битиклардаги жанрлар ҳамда Эски Аҳд ва Янги Аҳддан мисоллар келтирадиган экспозицион воиз худди болаларига фақат улар яхши кўрган икки ёки уч турдаги овқатни эмас, балки ҳар хил овқат берадиган гамхўр онага ўхшайди.

Экспозицион воизларнинг ҳокимияти Муқаддас битиклар билан бошланади ва у билан тугайди. Эски Аҳд пайғамбарларига ва Янги Аҳд ҳаворийларига шунчаки

бориб гапириш буюрилмаган, балки улар аниқ бир хабарни етказишлари буюрилган, худди шундай, ҳозирги кундаги масиҳий воизлар ҳам Худонинг сўзларини етказганда, Худонинг сўзларини гапирган тақдирдагина Худо номидан гапириш ҳокимиятига эгадирлар.

У нима эмас

Кимдир Худонинг Каломи ҳокимиятли эканини, Муқаддас Китоб хатолардан ҳоли, деб хурсандчилик билан эътироф этиши мумкин. Бироқ, агар бу инсон амалда (атайлаб ёки билмасдан) экспозицион ваъз қилмаса, у ўз даъвосини инкор қилган бўлади.

Баъзида одамлар экспозицион ваъзни ўзлари кузатиб борадиган қайсидир воизнинг услуби билан адаштириб юборадилар. Аслида, экспозицион ваъзнинг услубга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Айрим одамлар кузатганидек, экспозицион ваъз – воизнинг услубига эмас, балки нимани гапиришга қарор қилишига асосланади. Айтмоқчи бўлганларимиз Муқаддас битикларга асосланадими ёки бошқа нарсаларгами? Экспозицион ваъз қандайдир услуб ёки шакл билан белгиланмайди. Услублар турлича бўлиши мумкин. Экспозицион ваъз эса Муқаддас Китобга асослангани билан белгиланади.

Баъзида одамлар экспозицион ваъзни бир оятни ўқиб, кейин ўша оятга унчалик боғлиқ бўлмаган мавзу асосида ваъз қилиш билан адаштирадилар. Лекин, агар воиз ўзи танлаган мавзу ҳақида гапирса ва ўз фикрларини тасдиқлаш учун оятлардан фойдаланса, ўзи биладиган нарсалардан ортиқ ҳеч

нарсa ўргата олмайди. Жамоат ҳам воиз билган нарсаларни ўрганади, холос. Экспозицион ваъз кўпроқ нарсa талаб қилади. Экспозицион ваъз парчанинг контекстига диққат билан қарашни талаб қилади, чунки унинг мақсади парчанинг асосий фикрини ваъзнинг асосий фикрига айлантиришдир.

Воиз жамоатга Муқаддас битиклардаги парчадан ваъз қилганда (ўша парчанинг контекстига тўғри қараб), яъни парчанинг асосий фикри ваъзнинг асосий фикри билан бир хил бўлганда, унинг ўзи ҳам, жамоат ҳам Худодан эшитадилар, чунки бу ҳолатда, воиз аввал ваъзга тайёргарлик кўриш учун ўтириб, ўқиб ўрганган пайтда айтишни режалаштирган гапларни айтмайди (“Кейинги ҳафта биз Луқo 1–бoбни ўқиймиз ва у ерда Худо бизга нималарни айтганини кўриб чиқамиз. Ундан кейинги ҳафта биз Луқo 2–бoбни кўриб чиқамиз...”).

Масихий ҳаётимизнинг ҳар бир бoсқичи, яъни илк бoр тавба қилишга чақирилганимиздан тортиб, то Муқаддас Рух ҳаётимизда қилган сўнгги ишигача бўлган бoсқич ҳақида ўйлаганимизда, бу тушунарли бўлиши керак. Ахир, иноятда ўсишимизнинг ҳар бир қадами Худодан янги нарсa эшитганимизда содир бўлмаганими?

Воизнинг хизмати Худонинг Каломига айнан мана шундай бўйсунуш шакли билан ажралиб туриши керак. Лекин адашманг: воиз мана шу қoидага амал қилишини таъминлаш учун жавобгарлик айнан жамоатнинг зиммасида. Матто Хушхабарининг 18–бoбида Исо, Галатияликларга 1–бoбда эса Павлуc жамоатда содир бўлаётган ишлар учун жамоат жавобгар эканлигини айтган. Шунинг учун жамоат Худонинг Каломини тинглашга ва таълим беришга содиқ

бўлмаган одамга ҳеч қачон жамоат бошқарувини ишониб топширмаслиги керак. Агар шундай қиладиган бўлса, бу чўпон жамоатнинг ўсишига тўсқинлик қилади ва жамоат аъзолари чўпон даражасидан юқори ривожланмайди, жамоат Худонинг сурати томон эмас, аста-секин чўпоннинг сурати томон ўзгариб боради.

Худо ҳар доим қўллаган йўл

Худонинг халқи ҳар доим Унинг Каломи орқали яратилган. Ибтидо 1–бобда баён этилган дунёнинг яратилишидан тортиб, 12–бобда Худо Иброҳимни чақирганигача, Эзекел 37–бобда қуриган суяклар водийси ҳақидаги ваҳйдан, тирик Калом – Исо Масиҳнинг келишигача, Худо ҳар доим Ўз халқини Ўзининг Каломи орқали яратган. Павлус Римликларга ёзганидек: “Имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масиҳнинг сўзи орқалидир” (Римликлар 10:17). Ёки Коринфликларга ёзганидек: “Чунки бу дунё ўз донолиги билан Худонинг донолигида Уни таниб-билмаганлиги сабабли, Худо воизлик телбалиги орқали имон келтирганларни қутқаришни маъқул кўрди” (1–Коринфликлар 1:21).

Тўғри экспозицион воизлик, одатда, жамоатнинг ҳақиқий ривожланиш манбаидир. Мартин Льютер Худонинг Каломига диққат билан эътибор бериш ислоҳотлар бошланишига туртки бўлишини англаб етди. Биз ҳам жамоатларимиз Худонинг Каломи орқали мунтазам равишда ислоҳ қилинишига интилишимиз лозим.

Ҳақиқий саждага қайтиш

Лондондаги бир жамоатда Пуританизм ҳақида бир кунлик семинар ўтказаетган вақтимда Пуритан ваъзлари баъзан икки соатга чўзилиб кетишини билдим. Иштирокчилардан бири ҳайрат билан: “Сажда қилишга қанча вақт қолади?” деб сўради. Кўриниб турибдики, бу киши Худо Каломидан қилинган ваъзни тинглаш саждага кирмайди, деб ўйларкан. Мен ўтган асрда яшаб ўтган инглиз протестантларининг кўпчилиги Худонинг Каломини ўз она тилларида тинглаш (бир қатор шаҳидларнинг қони эвазига қўлган киритилган озодлик) ва уни ҳаётларига татбиқ этиш – сажданинг энг муҳим қисми, деб ҳисоблаганликларини айтдим. Ҳамду сано айтишга вақт топиш уларни унчалик қизиқтирмасди, гарчи бу муҳим бўлса ҳам.

Бизнинг жамоатларимиз ҳам сажда қилишининг марказига Каломнинг ўрнини тиклаши керак. Мусиқа – Худонинг Каломига нисбатан талаб қилинган муносиб жавоб, аммо Худо бизга ато қилган мусиқа жамоатнинг пойдевори бўлиш учун мўлжалланмаган. Мусиқага асосланган жамоат – услуби қандай бўлишидан қатъий назар, ўзгарувчан қум устига қурилган жамоат бўлади.

Масиҳий дўстим, чўпонингиз учун ибодат қилинг, токи у Муқаддас битикларни қаътият билан, диққат билан ва самимий ўрганишга ҳаракат қилсин. Каломни тўғри англашда, ўз ҳаётига татбиқ этишда ва жамоат ҳаётига донолик билан татбиқ этишда Худо унга йўл-йўриқ кўрсатиши учун дуо қилинг (Луқо 24:27; Ҳаворийлар 6:4; Эфесликлар 6:19-20 га қаранг). Яхши ваъз тайёрлаши учун ҳафта давомида чўпонингизга вақт ажратилишини таъминланг. Ваъз айтиш –

чўпонликнинг асосий қисми ҳисобланади. Кейин унга илҳом берувчи сўзларни айтиб, унинг Каломга бўлган содиқлиги сизни Худонинг иноятида қанчалик ўстирганини айтинг.

Эй чўпон, бу масалада ўзингиз учун ибодат қилинг. Атрофингиздаги, ўз шаҳрингиздаги, юртингиздаги ва бутун дунёда Худо Каломини ваъз қилиб, таълим бераётган жамоатлар учун ҳам ибодат қилинг. Ва албатта, бизнинг жамоатларимиз ҳам Каломга асосланган ваъзларни диққат билан тинглаши учун ибодат қилинг, токи ҳар бир жамоатнинг кундалик ҳаёти, Муқаддас битикларда баён қилинганидек, Худонинг мақсадига мувофиқ шакллансин. Экспозицион ваъзга содиқлик – соғлом жамоатнинг асосий белгисидир.

ХУШХАБАР ТАЪЛИМОТИ

Бир марта магистратурада илоҳиётшунослик бўйича семинар ўтказганман. Ўшанда докторлик семинарида Худо ҳақида гапирганман. Билл исми бир талаба мулоимлик билан, лекин қатъий оҳангда, Худони бошқача тасаввур қилишни ёқтиришини айтди. Бир неча дақиқа давомида у дўстона илоҳни тасвирлади. У Худони доно, лекин аралашмайдиган, раҳмдил, лекин босим ўтказмайдиган, топқир, лекин тўсқинлик қилмайдиган Зот деб ўйлашини айтди. Яна бир оз гапиргандан кейин у шундай хулоса қилди: “Мен Худони мана шундай тасаввур қилишни ёқтираман.”

Эҳтимол, менинг жавобим бир оз қўполроқ бўлгандир. Мен унга шундай жавоб қайтардим: “Раҳмат, Билл, ўзинг ҳақингда кўп нарсга айтиб бердинг, лекин биз ўзимизнинг истақларимиздан кўра, аслида, Худонинг қандай эканлигини билишимиз муҳимроқ. Нима учун биз «бунинг шундай бўлишини хоҳлаймиз, шунинг учун у биз айтгандек бўлиши керак», деб ўйлаймиз?”

Бутун синф жим бўлиб қолди. Афтидан, талабалар менинг одобсизлигимни ҳис қилишгандир, лекин улар ҳам сўзларимни ўйлаб кўришларини истаган бўлардим. Кейин биз Худонинг Муқаддас Китобда очиб берилган табиати ва хусусиятлари ҳақидаги муҳокамамизни давом эттирдик.

“Худо” деган сўзни эшитганингизда, хаёлингизга нима келади? Худони қандай тасаввур қилишингиз ҳақида сўрамаяпман. Масалан, меҳрибон ва раҳмдил Худо билан қиёматда ҳаммани ҳукм қиладиган Худони қандай уйғунлаштирасиз? Айрим одамлар учун бундай саволлар бемаъни туюлиши мумкин. Кўзга кўринмайдиган мавжудот ҳақида одамлар нимага ишонишларини муҳокама қилишга нега вақт сарфлаш керак?

Бугунги кунда одамлар ўзлари ҳақиқат бўлишини истаган нарсаларнинг ҳақиқат эканлигига ишонадилар, яъни нима рост бўлишини хоҳласалар, шу ҳақиқат эканига ишонадилар. Улар масиҳийликни замонавий тингловчиларга янада жозибадор қилиб кўрсатиш учун Худонинг табиатидан тортиб, то одоб-ахлоқ меъёрларигача бўлган, узоқ вақтдан бери сақланиб келаётган масиҳийча эътиқодларни қайта шакллантирадилар. Бу уринишлар аввалига унчалик хатарли туюлмаслиги мумкин, лекин масиҳийликнинг ўзига катта шикаст етказади.

Муқаддас Китобга кўра, биз ҳақимиздаги энг муҳим нарсa – Худо ҳақида нима билишимиз ва нимага ишонишимиздир. Бу эса Худо билан ва бошқа инсонлар билан қандай муносабатда бўлишимизни белгилайди. Бошқача айтганда, таълимот, айниқса, Хушхабар таълимоти жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун жамоатларимизда Худонинг кимлиги ва Исо Масиҳ орқали У гуноҳкорларга етказадиган Хушхабар ҳақида аниқ билишимиз керак. Ахир, Худонинг Хушхабари ер юзида инсоният эшитган энг улуғ хабар-ку!

Хўш, бу Хушхабар нимадан иборат? Бу Хушхабар меҳрибон ва муқаддас Худо биз Уни таниб-билишимиз учун бизни Ўз суратида яратгани тўғрисидаги ҳақиқат билан бошланади. Бироқ, биз гуноҳ қилдик ва ўзимизни Ундан маҳрум қилдик. Ўз муҳаббатига кўра, Худо Исонинг қиёфасида инсон бўлиб келди, мукамал ҳаёт кечирди ва хочда қурбон бўлди, бу орқали имон билан Унга юз бурган ҳар бир гуноҳкорнинг жазосини Ўзига олди. Исо ўликдан қайта тирилди, осмонга кўтарилди ва яқунлаган ишларини Самовий Отага тақдим қилди. Ота Унинг қурбонлигини қабул қилди ва Ўз халқига нисбатан ғазаби тўлиқ сўндирилганини эълон қилди. Энди эса Худо тавба қилиш ҳамда фақат Масихга имон келтириш ҳақидаги ушбу хабар орқали бизни даъват қилиш учун Ўз Руҳини юбормоқда. Агар биз гуноҳларимиздан тавба қилсак ва фақат Масихга имон келтирсак, янги ва абадий ҳаёт учун қайта туғиламиз, Масих ер юзига қайтиб келиб, ҳамма нарсани янгилаганда, тўлиқ қувончга эга бўламиз. Ўзи билан яраштириш орқали Худо бизни Ўз халқи, яъни ер юзида мавжуд бўлган умумий жамоат билан ҳам яраштиради. Мана шу – Хушхабардир.

Лекин буларнинг ҳақиқат эканини қаердан биламиз? Бунинг жавоби – Муқаддас битиклар саҳифаларида баён этилган Хушхабар таълимотига ишонишдир. Ушбу бобда Муқаддас Китобда бизга Худо ва Хушхабар ҳақида ўргатиладиган бешта ҳақиқатни қисқача баён қиламан: Худо – Яратувчи, Худо – муқаддас, Худо – садоқатли, Худо – меҳрибон ва Худо – мутлақ Ҳоким.

Муқаддас Китобда тилга олинган Худо – Яратувчидир

Муқаддас Китобда Худо бу оламни йўқдан бор қилгани ҳақида ёзилган. У илк инсонни тупроқдан яратган. У бир инсондан янги инсонни ҳам яратади. Қисқача айтганда, Худо – яратувчи Худодир. Биз Унинг Яратувчи эканини айниқса Хушхабарда кўрамиз, чунки У – ташаббускор Худо. Худо Ибромга барча халқлар у орқали барака топишини ваъда қилганидан бошлаб, Синай тоғида Исроил халқини Ўзининг халқи деб эълон қилишигача бўлган воқеалар орқали Эски Аҳд китобларидан Худо Ўзи учун бир халқ яратаётганини билиб олдик (Ибтидо 12; Чиқиш 19, 24). Дарҳақиқат, Эски Аҳд бизни Худонинг Ўғли – Исонинг келишига тайёрлайди, Худо У орқали Ўзининг энг буюк ишини амалга оширади.

Исо орқали Худо Ўз халқига янги ҳаёт беради. У бизни Ўз Руҳи орқали қайтадан дунёга келтиради (Юҳанно 3) ва янги ҳаёт беради (Римликлар 6), яъни шоҳликка муносиб (1–Фессалоникаликлар 2:12), юлдуз каби порлайдиган ҳаёт беради (Филиппиликлар 2:15). Худо бизни Ўзининг ҳамкорлари, деб атади (1–Коринфликлар 3:9). Масиҳийлар – Худонинг махсус қайта яратиш ишининг объектларидир!

Бундан ташқари, Худо жамоатни ҳам яратади. У бизни Ўзи билан яраштирган вақтда, бизни бир-биримиз билан ҳам яраштирди. Масиҳнинг қурбонлиги яҳудийлар ва гайрияҳудийлар ўртасидаги тўсиқ деворини йиқитди ва — бундан келиб чиқадиган маънода — Масиҳда туғилганларнинг барчасини бирлаштирди. Масиҳ Ўзидан ва бир-биридан узоқда бўлган ҳамма одамлардан битта янги инсонни яратди

(Эфесликлар 2:11-22). Биз аввал бир халқ эмасдик, энди эса Худонинг халқига айландик (1–Петрус 2:10).

Муқаддас Китобда тилга олинган Худо – муқаддасдир

Агар биз Муқаддас Китобда ёзилган ҳикояларни тушунишни истасак, яратувчи Худонинг муқаддас эканлигини ҳам тушунишимиз керак. У Ўз севгиси, солиҳлиги ва содиқлиги орқали Ўзининг муқаддаслигини намоён этади. Дарҳақиқат, Унинг барча фазилатлари Унинг муқаддаслигини кўрсатади. У нуқсонсиз, ҳар томонлама мукамал ва улўғвордир.

Бироқ Худонинг мутлақо муқаддаслиги Каломда ёзилганларининг барчасини янада мураккаблаштиради ва ҳайратланарли қилади, чунки биз муқаддас эмасмиз. Биз гуноҳқормиз ва Унинг абадий ғазабига лойиқмиз. Аҳволимиз ачинарли экан, муқаддас Худо билан ярашиш учун нимадир қилиниши керак.

Соғлом жамоат бўлишга Худо муқаддаслигининг нима алоқаси бор? Биринчидан, Худонинг муқаддаслиги ҳақидаги хабар жамоатнинг ҳолатига таъсир қилади. Худо бизни оқлаб, Ўзи билан яраштириш орқали жамоатни муқаддас деб эълон қилади. Шунинг учун маҳаллий жамоатлар икки жиҳатдан муқаддас бўлишга интилиши керак: жамоат аъзоси сифатида одамларни қабул қилишда (фақат имонлиларни қабул қилиш керак) ҳамда муқаддаслик учун курашиш орқали яқдилликда яшашда. Иккинчидан, Худонинг муқаддаслиги ҳақидаги хабар бизнинг ваъзларимизга ҳам таъсир қилади. Биз, одамлар

аслида яхши, фақат уларга далда бериш ёки жамиятнинг тузилмасини бир оз яхшилаш керак, деб ваъз қилмаймиз. Биз одамларнинг гуноҳкорлиги, Худонинг олдида айбдорлиги, Худодан айрилгани ҳамда бир-бирларига душман экани ҳақида ваъз қиламиз. Шунинг учун биз одамларни гуноҳлари кечирилиши учун тавба қилиб, Масиҳга имон келтириш орқали ушбу хабарга муносабат билдиришга чақирамиз.

Муқаддас Китобда тилга олинган Худо – садоқатлидир

Худо – садоқатли Худодир. Хушхабарнинг тўртала баёнида асосан Масиҳнинг ўлими ҳақида сўз бориши кимгадир ғалати туюлиши мумкин. Бунинг сабаби шуки, Худо Ўз халқига берган барча ваъдаларини Масиҳнинг ўлими орқали самарали амалга оширади.

Эски Аҳдда ушбу ваъдалар ҳақида жуда кўп ёзилган, уларнинг энг олийси Худо халқининг гуноҳлари тўлиқ ва абадий кечирилиши ҳақидаги ваъдадир. Исо Масиҳнинг шахси, ердаги ҳаёти, фидокорона қурбонлиги, ғолибона тирилиши ва осмонга кўтарилиши – буларнинг бари Худо Ўз ваъдаларини бажарадиган садоқатли Зот эканининг энг катта далилидир. Унга ишониш мумкин. Бутрус Ҳосил байрами кун Исонинг ўлими ва тирилиши ҳақида ваъз қилганда, ана шу ҳақиқатни айтган эди (Ҳаворийлар 2). Худо Довудга ваъда бериб, унинг тахти абадий туришини айтган эди (2–Шоҳиклар 7). Бу эса Довуднинг насли йўқ бўлиб кетиши ёки чириб кетиши мумкин эмаслигини англатади (Забур 15:10). Бутрус Довудга берилган ушбу ваъдаларни Исо билан

боғлаб шундай деган: “Бироқ Худо ўлим кишанини узиб, Уни тирилтирди, чунки Уни ушлаб қолишга ўлимнинг кучи йўқ эди” (Ҳаворийлар 2:24).

Кўряписизми, Исонинг шахси ва иши Худо Ўз халқи учун бажаришни ваъда қилган нарсаларни аниқлаб берган ва амалга оширган. Исо ҳақида гапириб, Павлус буни шундай тасдиқлайди: “Чунки Худонинг барча ваъдалари биз орқали Унинг шуҳрати намоён бўлиши учун Исо Масихда “ҳа” ва “омин”дир” (2–Коринфликлар 1:20). Худо мутлақо садоқатли бўлиб, буни Исо Масих орқали намоён этади.

Шундай қилиб, яратувчи ва муқаддас бўлган Худойимиз ҳайратланарли даражада содиқ Худо эканлигини кўрамыз.

Муқаддас Китобда тилга олинган Худо – меҳрибондир

Худо – меҳрибон Зотдир.

Масиҳий бўлмаган кўплаб одамлар ҳам “Худо – севгидир” (1–Юҳанно 4:8) деган оятни ёддан айтиб беришлари мумкин, бироқ бу гапнинг ўзи Хушхабар таълимотининг тўлиқ мазмунини англатмайди. Биз Худонинг севгиси қандай эканини билишимиз керак. Муқаддас Китобда Худонинг севгиси У билан аҳдлашган халқ учун Исонинг Ўз жонини фидо қилишга тайёр бўлганлигида акс этади. Исо туғилмасдан анча йиллар аввал Ишаъё У ҳақда шундай деган:

Лекин У касалликларимизни Ўзига олди ва оғриқларимизни кўтариб кетди. Биз эса: “Худо Уни уриб жазоламоқда ва жабрламоқда”, – деб ўйлаган эдик. Лекин У бизнинг гуноҳларимиз

учун яраланган эди ва қонунбузарликларимиз учун азобланган эди. Бизнинг тинчлигимиз ҳақи жазо Унга юкланган эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик. Биз ҳаммамиз қўйлар каби адашиб юрган эдик, ҳар биримиз ўз йўлимизга бурилиб кетдик. Раббий эса бизларнинг ҳаммамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади. (Ишаъё 53:4-6)

Худонинг севгиси шу қадар буюкки, гуноҳкорлар У билан ярашишлари учун Исони яралади! Халқи озод бўлиши учун Худо уларнинг гуноҳларини Исонинг зиммасига юклади. Шунинг учун Юҳанно шундай ёзади: “Севги шундаки, биз Худони севмаган эдик, лекин У бизни севди ва Ўз Ўғлини гуноҳларимиз учун раҳм-шафқат келтириш қурбонлиги қилиб юборди” (1-Юҳанно 4:10). Агар биз Худонинг севгисини англаб етишни истасак, Исога ва Унинг Ўз халқи учун хочда қилган ишига қарашимиз керак.

Муқаддас Китобда тилга олинган Худо – мутлақ ҳокимдир

Хуллас, Муқаддас Китобда Худонинг мутлақ ҳоким экани айтилади. Бу шуни англатадики, Худо Ўзи яратган мавжудотлар учун қилган ҳамма режаларини амалга оширади. Ваҳий китобида айнан шу умид баён этилган. Худонинг мукамал режаси У билан тўғри муносабатда бўлган инсонлар билан яқунланадиган улкан лойиҳадир. Худо ер билан осмонни қайтадан яратади ва ўткинчи нарсаларга қарши курашган жамоат голиб жамоатга айланади (Ваҳий

21:1-4; 21:22-22:5 га қаранг). Охирида, Худонинг халқи мутлақ муқаддас бўлганини, Адан боғи қайта тикланганини ҳамда Худо Ўз халқи билан абадий бирга бўлганини кўрамыз.

Масиҳийлар бошқаларга айтиши керак бўлган энг катта Хушхабар мана шу. Бу – бизнинг келажак ҳақидаги умидимиз, буни ўзимиз хоҳлаб ёки ўйлаб топганимиз йўқ. Мутлақ ҳоким бўлган Худо буни кўрсатгани учун биз бу Хушхабарни етказамиз.

Жамоат соғлом бўлиши учун ҳукмрон бўлган Худога Каломга асосланган ҳолда ишониши лозим. Ахир, Худонинг ҳукмронлиги Хушхабар таълимотининг ажралмас қисми бўлиб, айнан шу Хушхабар таълимоти соғлом жамоатнинг белгиси ҳисобланади.

Муқаддас Китобда Худо шундай таърифланган: яратувчи, муқаддас, садоқатли, меҳрибон ва мутлақ ҳоким. У ваъдалар беради ва уларни бажаради. Эгамиз биздан Унга ҳамда Унинг Хушхабарига ишониш орқали муносабат билдиришимизни талаб қилади.

Хулоса

Билл Сайкс ўн тўққизинчи асрда Лондонда яшаб ўтган камбағал ва диндан йироқ мева сотувчиси эди.² У уйида касалликдан азият чекиб, ўлим тўшагида ётганда, Исо Масиҳга ишонадиган бир ходим унинг олдига келиб, Хушхабар айтади. Аввалига, Сайкс унчалик қизиқиш билдирмади. Кейин ходим унга Ишаё 43:25–оятни ўқиб

2 Бу воқеа Иэн Мюррейнинг *Archibald G. Brown* (Carlisle, PA: Banner of Truth, 2011), 75–76–бетларда баён қилинган; [Iain Murray, *Archibald G. Brown* (Carlisle, PA: Banner of Truth, 2011), 75–76].

берди: “Мен, Менинг Ўзим сенинг жиноятларингни Ўз номим ҳақи ўчириб юборяпман ва гуноҳларингни эсламайман.” Кейин у бу оятнинг маъносини тушунтириб берди. “Мен энди буни тушунаман”, деди Сайкс. “Масиҳ менинг ўрнимга азоб чеккан экан.”

Кейинги ташрифларининг бирида, ходим Билнинг каравоти ёнида унинг ўғли ўтирганини кўради. Билл масиҳий ходимга “Унга ҳам озроқ айтиб беринг”, деди.

“Нимани айтмай?” деб сўради ходим.

“Масиҳ менинг ўрнимга ўлгани, менга берилиши керак бўлган жазони Ўзига олгани ҳақида озроқ гапириб беринг.”

Билл теология ҳақида ҳозирги кунда кўзга кўринган профессорлардан ҳам яхшироқ биларди. Ўлим тўшагида ётган бу одам Муқаддас Китобнинг асосий мазмунини тушуниб етган эди. Хушхабарни тушуниб етган эди. Аввалги гуноҳлар кечирилган. Янги ҳаёт бошланган. Яратувчинигиз бўлган Худо билан абадий шахсий муносабатни англаб етганди! Бугунги кун учун Худо Ўз Каломида сизга айтган Хушхабар мана шудир.

Бундан яхшироқ қандай Хушхабар эшитишингиз мумкин?

МУҲИМ МАСЛАҲАТЛАР

Яхши жамоатни қандай топиш мумкин?

1. Ибодат қилинг.
2. Яхши чўпондан (ёки оқсоқоллардан) маслаҳат олинг.
3. Ўзингиз учун муҳим нарсаларни аниқланг.
 - Хушхабар самимийлик билан тасдиқланиши, аниқ ва равшан тарзда ваъз қилиниши ҳамда садоқат билан ҳаётга татбиқ этилиши лозим. Хушхабарнинг ушбу учта жиҳатидан биронтасига амал қилинмаслик жиддий хатар бўлиши мумкин.
 - Ваъдалар Муқаддас битикларга асосланган, шахсий чақириқ ҳамда жамоат ҳаётининг диққат марказида бўлиши керак. Муқаддас битиклар олий ҳокимият сифатида қабул қилинганидагина сиз руҳан ўсасиз.
 - Бундан ташқари, жамоат сувга чўмдирилиш, Қутлуғ Кечлик, жамоатга аъзо бўлиш,

интизомни тартибга солиш ҳамда қарор қабул қилишда сўнгги сўзни ким айтиши масаласини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

- Қисқаси, 5–бобдан 13–бобгача ўқиб чиқинг.
4. Таҳлил қилиш учун ўзингизга қуйидаги саволларни беринг:
- Бу жамоатнинг таълимоти асосида тарбияланган турмуш ўртоқ топишни истайманми?
 - Фарзандларим бу жамоатда масиҳийликни қандай кўради – қандайдир муҳим нарсаларни ёки бунёдига хос нарсаларни?
 - Масиҳий бўлмаган одамларни бу жамоатга таклиф қилишдан хурсанд бўламанми? Яъни бу ерда улар Хушxabар эшитадиларми ва унга мос ҳаётни кўрадиларми? Жамоат масиҳий бўлмаган инсонларни илиқ қабул қилишга ва уларга ёрдам беришга тайёрми?
 - Бу жамоат мен хизмат қила оладиган ва фаолият юрита оладиган жойми?
5. Жойни ҳисобга олинг. Жамоат билан уйингиз орасидаги масофа жамоатга тез-тез келишга ва хизмат қилишга ундайдими ёки тўсқинлик қиладими? Агар сиз янги жойга кўчиб ўтаётган бўлсангиз, уй сотиб олишингиздан аввал, яқин атрофдан яхши жамоат топишга ҳаракат қилинг.

3-ҚИСМ

**СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ
МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ**

Ушбу китобда тилга олинган тўққизта белгининг ҳаммаси Муқаддас Китобга асослангани сабабли улар Масиҳнинг барча жамоатлари учун ҳокимиятли аҳамиятга эга. Қолаверса, “асосий” ва “муҳим” белгилар орасидаги фарқ муқаддас бўлиш жараёни – жамоат ҳаётида ҳам, шахсий ҳаётда ҳам – аста-секинлик билан амалга ошишини ёдда тутиш лозим. Худо биздан фарзандлар тарбиясида сабрли бўлишимизни талаб қилгани каби, жамоатларга нисбатан ҳам сабрли бўлишимизни талаб қилади.

Мен муҳим белгилар, деб атаган белгилар ҳатто улар алоҳида тартибда кўриб чиқилганда ҳам муҳим ҳисобланади, бироқ уларнинг йўқлиги жамоатдан кетиш кераклигини англамайди (баъзи ҳолларда кетиш яхши бўлиши мумкин). Аксинча, бундай белгилар мавжуд бўлмаган жамоатларда ҳам ибодат қилишингиз, сабр-тоқат кўрсатишингиз ва ўз ҳаётингиз билан яхши намуна кўрсатишингиз мумкин.

Агар биронта чўпон меңдан: “Муқаддас Китобга асосланмаган етакчилик тизимиға қанча вақт тоқат қилишим керак?” деб сўраса ёки бирон имонли киши жамоат тартиб-интизомиға амал қилмайдиган жамоатға қанча вақтгача тоқат қилиши кераклигини ёки биронта диакон жамоат аъзолиғиға қабул қилишдағи хатоларға қанча вақт тоқат қилиши кераклиғи ҳақида сўраса, мен уларға сабрли бўлиш, ибодат қилиш, яхши ўрнак кўрсатиш, севги кўрсатиш ва

кутиш кераклигини айтган бўлардим. Ўсиш – секин-аста бўлади. Жамоат эса одамлардан иборат ва биз бу одамларни кечиришга, далда беришга, хизмат қилишга, баъзан севги билан тўғри йўлга чақиришга ва энг муҳими, уларни қадрлашга даъват қилинганмиз.

Бу ҳаётда нуқсонсиз имонли бўлмаганидек, мукаммал жамоатлар ҳам мавжуд эмас. Ҳатто энг яхши жамоатлар ҳам мукаммалликдан йироқ. Ҳеч бир тўғри етакчилик тизими ҳам, таъсирли воизлик ҳам, саҳийлик билан қилинадиган эҳсон ҳам, мукаммал таълимот ҳам жамоатнинг гуллаб-яшнашига кафолат бермайди. Лекин ҳар қандай жамоат ҳозирги ҳолатидан соғломроқ ва мустаҳкамроқ бўлиши мумкин. Бу ҳаётда биз ҳеч қачон гуноҳустидан тўлиқ ғалабани кўрмаймиз. Бироқ Худонинг ҳақиқий фарзандлари сифатида, биз курашдан тўхтамаймиз. Жамоатлар ҳам курашдан тўхтамаслиги керак. Масиҳийлар, айниқса чўпонлар ва жамоат етакчилари, жамоатларни соғломроқ ва руҳан кучлироқ қилиш учун узоқ вақт меҳнат қилишлари лозим.

ЮҚОРИДАН ТУҒИЛИШ ВА ХУШХАБАРНИ ТАРҚАТИШ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА

“Юқоридан туғилиш” деган сўзни эшитганда, хаёлингизга нима келади? Умуман олганда, инсоннинг ўзгариши ҳақида фикрингиз қандай? Бугунги кунда кўп одамлар кимдир ўзгариши мумкинлигига ёки ўзгариши кераклигига шубҳа билан қарашади. Гўё ўлим муқаррар, қуръа ташланган, тақдиримиз аввалдан белгилаб қўйилгандек. Дахшатли бирор фожиа бўлмаса, инсон ўзгармайди, деб ўйлаймиз, худди леопард ўз доғларини ўзгартира олмагандек.

Лекин бу тўғрими? Ўзгаришлар чиндан имконсизми? Худо Рухининг ёрдамисиз, бу чиндан ҳам шундай, биз ўз табиатимизни ўзгартира олмаймиз.

Бироқ Масих орқали Худо бизга буюк ўзгаришни таклиф қилади. У бизни ўлимдан ҳаётга, Худодан узоқ бўлиш ўрнига, Ўзи билан яраштира олади. Мана шу нарса “юқоридан туғилиш” деб аталади.

Лекин инсон қандай қилиб бу тарзда ўзгариши мумкин? Никодим исмли яҳудий уламо айнаи шу савол билан Исога

муружаат қилган эди. Исо унга жавоб бериб, шундай деган: “Ростини, сенга ростини айтаман, агар ким сувдан ва Рухдан туғилмаса, Худонинг Шоҳлигига кира олмайди” (Юҳанно 3:5). Бошқача айтганда, қайта туғилиш, яъни юқоридан туғилиш – ҳам зарур, ҳам Худога боғлиқ ҳолатдир.

Юқоридан туғилиш – инсоннинг ўз кучи билан эмас, Худонинг кучи билан амалга ошишини англаб етиш адашганларга Хушхабарни етказишимизга, улар қандай қилиб ўзгаришлари мумкинлиги ҳақида айтишимизга таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, юқоридан туғилишни Каломга хос тарзда тушуниш Хушхабарни Каломга хос тарзда тарқатишда муҳим аҳамият касб этади. Жамоат соғлом бўлиши учун юқоридан туғилишни ҳам, Хушхабарни тарқатишни ҳам Каломга мувофиқ тушуниш керак.

Шунинг учун аввал юқоридан туғилиш ҳақида, ундан кейин Хушхабарни тарқатиш ҳақида ўйлайлик. Одамлар ўзгариши учун чиндан ҳам юқоридан туғилишлари керакми?

Юқоридан туғилиш бўйича Каломга асосланган тушунча

Бир мухбир машҳур баскетбол юлдузи Сэм Перкинсдан сўради: “35 очко фарқ билан ютқазганингиздан кейин ўзингизни қандай тиклайсиз?”

“Биз шунчаки барқарорликни сақлашимиз лозим”, деб жавоб берди Перкинс.

“Қанақа барқарорлик, Перкинс?” дейишингиз мумкин. “Сен ўттиз беш очко фарқ билан ютқаздинг!” Жамоага барқарорлик керак эмасди, аксинча, ютқазिशга сабаб бўлган

услубни ўзгартириш керак эди. Худди шундай, Калом ҳам бизга ўзгаришимиз кераклигини айтади. Ҳар бир инсон руҳан ўлик ҳолда туғилади ва Масихсиз Худонинг ғазаби остида бўлади. Перкинс айтганидек, барқарорликни сақлаш – ўлик ҳолда қолиш билан баробардир.

Агар бу сўзлар бўрттирилгандек туюлса, тунда Исонинг Никодим билан бўлган суҳбатини яна бир бор ўқиб чиқинг. Исо инсоннинг табиий ҳолати ҳақида шундай деган: “Нур дунёга келди, лекин одамлар Нурдан кўра зулматни кўпроқ севдилар, чунки уларнинг ишлари ёвуз эди. Чунки ёвузлик қиладиган ҳар бир киши Нурдан нафратланади ва Нур томонга бормади, токи унинг ишлари фош бўлмасин, чунки унинг ишлари ёвузликдир” (Юҳанно 3:19-20). Исо инсоннинг аҳволи бўйича ортиқча умид қилмаган. Павлус ҳам Эфеслик имонлиларга улар юқоридан туғилмасларидан аввал гуноҳлари ва айблари туфайли руҳан ўлик бўлганликларини эслатган (Эфесликлар 2:1). У Римдаги имонлиларга ҳам шунга ўхшаш сўзларни айтган: “Ҳақ одам йўқ, биронта ҳам йўқдир” (Римликлар 3:10).

Бу муҳим ҳақиқат кўпинча “тўлиқ бузилиш”, деб аталади, яъни Худога қарши қилган ғалаёнимиз бизнинг ҳар бир қисмимизга ўз таъсирини ўтказган. Биз бутунлай гуноҳ билан белгиланганмиз ва Худонинг амрларига амал қилишга қодир эмасмиз. Шунинг учун Павлус шундай деган: “Қонун ишлари билан Унинг ҳузурида ҳеч ким оқланмайди, чунки Қонун орқали гуноҳ билинади” (Римликлар 3:20). Қисқача айтганда, Калом бизнинг гуноҳкор, қул, ҳатто ўлик эканлигимизни ўргатади. Биз фақат Исо ҳамда Унинг Руҳи орқали келадиган ўзгаришга муҳтожмиз.

Қуйидаги икки ҳақиқат ҳақида ўйлаб кўринг: биз Худонинг иноятига ниҳоятда муҳтожмиз ва Худо ҳеч кимга иноят кўрсатишга мажбур эмас. Шунинг учун у “иноят” деб аталади, яъни бизга текинга бериладиган ҳада. Гуноҳкор инсонлардан Худо талаб қиладиган ягона нарса – адолатдир. Бироқ Исо гуноҳлари учун тавба қилган ва Унга имон келтирган барча инсонлар учун қурбон бўлиш орқали Худонинг адолат талабини қондирди.

Гуноҳдан юз ўтириш ва имон келтириш – юқоридан туғилишнинг асосидир. Худонинг Руҳи бу ишни бизнинг ичимизда амалга оширади. Муқаддас Руҳ бизга гуноҳимизнинг қанчалик жирканч эканлигини ҳамда Масиҳнинг гўзаллигини англашимизга ёрдам беради ва биз худди Довуд сингари Худога ибодат қиламиз. Довуд зино ва қотилликка қўл ургандан кейин Худога илтижо қилиб, шундай деган эди: “Мен Сенга, фақат Сенга қарши гуноҳ қилдим ва Сенинг кўз олдингда ёвузлик қилдим. Шунинг учун Сен Ўз сўзингда ҳақсан ва Ўз ҳукмингда поксан” (Забур 50:6).

Худодан айрилган ҳолда ким эканимизни англаш нима учун юқоридан туғилишимиз кераклигини билишимизда муҳим ўрин тутати. Агар буни билмасак, аҳволимиз қанчалик аянчли эканини англаб етмаймиз. Қолаверса, Масиҳга ишонган гуноҳкорларга Худо таклиф этаётган гаройиб иноятни ҳам тушунмаймиз. Исо олиб келган Хушхабар ўзимизни ёки “салоҳиятимизни” англаб етиш ҳақида эмас. Балки ҳозирги ҳолатимиздан юз ўтириб, биз учун Масиҳ ким эканига юзланиш ҳақидадир.

Бизга ўзимизнинг яхшироқ қиёфамиз эмас, балки бутунлай янги қиёфа керак! Юқоридан туғилишда, биз

ҳаётимизни бошқарувчиси бўлиш, ўзимиз қарор қилувчи бўлиш даввосидан воз кечамиз ва бу ҳуқуқ фақат Худога тегишли эканини тан оламиз. Аввалги қилган гуноҳларимиз кечирилиши лозим. Ҳозирги ҳаётимиз тўғри йўлга солиниши керак. Келажақдаги тақдиримиз эса Худонинг бизни дўзахга ташловчи ҳукмидан Унинг иноятли кечирими ва бизни қабул қилиши томон, яъни жаннат томон ўзгариши керак. Ер юзидаги деярли барча динлар инсон ўз амаллари орқали нажот топиш эҳтимоли борлигини тарғиб қилади, лекин масиҳийликда ундай эмас. Масиҳийлик бизнинг тубдан ўзгаришимиз кераклигини тарғиб қилади.

Худонинг иноятини қабул қилиб, юқоридан туғилганимиздан кейин нима бўлади? Гуноҳларимиз билан бирга ожизлигимизча қоламизми? Албатта, йўқ! Худо бизни юқоридан туғдирганда, У бизнинг юракларимизни ва онгимизни ҳам ўзгартиради. Масиҳдаги янги шахсиятимиздан янги амаллар оқиб чиқади. Юқоридан туғилган пайтимиздан бошлаб ҳаётимиз Худонинг иродаси ва йўлларига мослашиб бораётганини кўрамиз. Мана шу ўзгариш биз чиндан ҳам юқоридан туғилганимизни кўришимизга ёрдам беради. Дарҳақиқат, Муқаддас Китоб ҳам агар хатти-ҳаракатларимизда ва амалларимизда ўзгариш сезилмаса, юқоридан туғилганимизга ишониб қолмаслигимизни ўргатади (Ёқуб 2:14).

Шундай қилиб, юқоридан туғилган инсонлар – ўзгарган инсонларни англатади, бу эса жамоатларимиз қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Юқоридан туғилган инсонлар билан тўлган жамоатлар Исо ҳақиқатан ҳам одамларни ўзгартира олишини ва Унинг Хушхабари чиндан ҳам қутқаришини

исботлайди. Шу сабабли, масиҳий бўлмаган одамлар учун жамоатимизнинг умумий гувоҳлиги ҳар биримизнинг шахсий гувоҳлигимиздан кучлироқ бўлиши учун мунтазам равишда ибодат қиламан.

Албатта, Худонинг Руҳи ҳар биримизда алоҳида ишлаши керак. Лекин жамоатимизда бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат масиҳий бўлмаган дўстларимизни ҳайратга солиши учун ибодат қиламан. Улар бизнинг бирдамлигимизни, бир-биримизга ғамхўрлигимизни ва ҳаётимизда бўлаётган нарсалар туш эмаслигини кўришсин. Ҳеч биримиз мукаммал бўлмасак ҳам, кўпроқ одамлар бизнинг умумий гувоҳлигимиз орқали юқоридан туғилишлари учун ибодат қиламан.

Соғлом жамоат қуриш учун бизга айнан шундай Каломга асосланган “юқоридан туғилиш” тушунчаси керак. Биз юқоридан туғилишимиз кераклигини ва бизни фақат Худо юқоридан туғдиришини билишимиз керак. Лекин Худо бизни юқоридан туғдиришига муҳтож эканимиз адашганларга Хушхабар етказишимиз шарт эмас, деган фикрга олиб келмаслиги керак! Аксинча, тескариси тўғри. Келинг, Каломга асосланган юқоридан туғилиш тушунчаси бизнинг Хушхабарни тарқатиш ҳақидаги тушунчамизга ва амалиётимизга қандай таъсир қилишини кўриб чиқайлик.

Хушхабарни тарқатиш бўйича Каломга асосланган тушунча

Менинг ислом динига қатъий амал қилиши билан машҳур бўлган юртда туғилиб ўсган бир дўстим бор. У ўзи туғилиб ўсган юртдан узоқдаги мамлакатда ўқиб юрган пайтда

туш кўради. Тушида Исо унга намоён бўлиб, унга нотаниш бўлган масиҳий бир одам билан гаплашиши кераклигини айтади. У кўрган тушидан кўрқиб, унга эътибор бермасликка ҳаракат қилади. Лекин ўша тушни қайта-қайта кўраверади. Охирида, у таслим бўлиб, ўша одамни излаб топади. Бу одам дўстимга Хушхабар айтади ва дўстим юқоридан туғилади. Худога ҳамдлар бўлсин!

Мен мусулмон одамлардан дўстимнинг гувоҳликларига ўхшаш гувоҳликларни кўп маротаба эшитганман. Одамларнинг тушларига фаришталар кириб, уларни масиҳийлар билан гаплашишга ундайди. Қизиқ томони шундаки, Худо одамларга нафақат туш беради, балки ўша туш кўрган одамни ҳам Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни айтadиган одамга йўналтиради. Бу ҳикояларда Хушхабар айтadиган одам ким – тушда намоён бўлган фариштами ёки Хушхабарни етказган шахсми? Албатта, Хушхабарни етказadиган инсон – масиҳий кишидир. Хушхабарни тарғиб қилиш эса – Исо ҳақидаги хабарни бошқаларга етказиш деганидир.

Муқаддас Китобга кўра, биз ҳар бир инсонга Исо Масиҳ ким экани ҳамда У гуноҳкорлар учун хочда нима қилганини айтишимиз керак. Биз ҳали Исо Масиҳга имон келтирмаганларга ғамхўрлик қилишимиз, улар учун илтижо қилишимиз, ҳатто уларни Хушхабарга ишонтиришга ҳаракат қилишимиз керак (2–Коринфликлар 5:11). Бироқ бу илтижоларнинг ҳам чегараси бор. Биз “яширин уятли ишларни рад этиш” орқали, яъни “ҳийлакорлик қилмасдан ва Худонинг Сўзини бузмасдан, балки ҳақиқатни аён қилиш” орқали Хушхабарни етказишимиз керак (2–Коринфликлар 4:2).

Бошқача айтганда, Хушхабарни тарқатиш – мажбурлаш ёки манипуляция қилиш дегани эмас. Эзекел қуруқ суякларни бир-бирига бириктириб, одамни қайта тиклай олмаган (Эзекел 37); Никодим ўз кучи билан Рух орқали юқоридан туғилишни амалга ошира олмаган (Юҳанно 3). Худди шундай, биз ҳам кимнидир Масихга ишонтириб, нажотга эриштира олмаимиз. Хушхабар етказишимизнинг натижаси бизнинг қўлимизда эмас. Бироқ биз Хушхабарни тарғиб қилишга ва одамлар ишонишлари учун ибодат қилишга чақирилганмиз.

Агар Хушхабарни тарқатиш – Исо Масих тўғрисидаги хабарни бошқаларга етказиш бўлса, демак, Хушхабардан бошқа биз етказадиган ҳар қандай хабар ҳақиқий Хушхабар эмас. Шахсий гувоҳликлар билан бўлишиш, имонни ҳимоя қилиш ёки хайр-эҳсон қилиш Хушхабар айтишнинг бир қисми бўлиши мумкин, лекин Исо Масих кимлиги ҳамда одамларни Унга ишонишга ундаш ҳақида сўз бормаса, унда бу ҳаракатлар Хушхабарни тарғиб қилиш эмас.

Хушхабарни тарқатиш – сўзларни айтишдан иборат. Янгилекларни айтиш ва одамларни бу хабарга муносабат билдиришга чақиришдир. Яъни Масих Ўзининг ўлими ва тирилиши орқали гуноҳкор одамларнинг муқаддас Худо билан ярашишлари учун йўл очиб берганини тушунтириш орқали Худога содиқ бўлишни англади. Фақат Худогина одамларни юқоридан туғдира олишини англаб етиш бизни ўз кучимиз билан нажотга эришиш фикридан халос қилади (Юҳанно 1:13 га қarang). Одамларга нажот бериш фақат Худонинг қўлида эканлигига ишонган ҳолда, биз самимийлик билан Хушхабарни баҳам кўраимиз. Ахир, “Нажот Раббийдандир!” (Йонаҳ 2:10).

Хушхабарни қандай тарқатиш керак?

Китоблар Хушхабар тарқатиш учун фойдали ва фойдасиз, оддий ва мураккаб усулларга тўла. Мен бу усулларни баҳолашни истамайман, шунчаки, Исо Масихга эргашиш нима эканини одамларга етказиш учун ҳар доим ишлатадиган учта оддий ҳақиқат билан бўлишмоқчиман.

- Исога эргашиш қимматга тушади, шунинг учун одамлар Унга эргашишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришлари керак (Луқо 9:62).
- Исога эргашиш шарт, шунинг учун одамлар дарҳол Унга эргашишга қарор қилишлари лозим (Луқо 12:20).
- Исога эргашиш – бунга арзийди, шунинг учун одамлар ўз хоҳишлари билан эргашишлари керак (Юҳанно 10:10).

Мен мана шу учта ҳақиқатни таъкидлаш орқали Исо одамлардан нима талаб қилишини янада аниқроқ ва Исо нимани текинга беришини жасорат билан тушунтиришим осонлашганини ҳис қилдим.

Исо Масих ўликдан тирилганидан кейин гулхан атрофида Бутрус билан қилган суҳбати ҳақида ўйлаб кўринг. Исо Бутрусга Исо учун жонини фидо қилишини сўрайдиган кун келишини айтди. Бу қўрқинчли гапни айтгандан кейин Исо унга “Ортимдан юр!” (Юҳанно 21:19) деб амр қилди. Қурбонлик ҳақидаги бу ваъдадан кейин Бутрусда “Исонинг ортидан юриш шунга арзийдими?” деган шубҳа пайдо бўлдимиди? Афтидан, бундай бўлмади. Кейинроқ Бутрус шундай ёзган:

Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худо муборак бўлсин! У Ўзининг буюк раҳм-шафқати бўйича, Исо Масиҳнинг ўликлардан тирилиши билан бизни тирик умидга янгидан туғилтирди, токи сизлар учун осмонда сақланаётган беғубор, чиримас, сўлмас бир меросга эга бўлинглар. Охирги замонда очилишга тайёр бўлган нажотга эришмоғингиз учун сизлар Худонинг куч-қудрати билан имонингиз орқали қўриқланмоқдасизлар. Ана шунинг учун энди агар керак бўлса турли васвасаларда бир оз қайғурсангизда қувонинглар. (1–Петрус 1:3-6)

Айнан мана шу хабарни биз оила аъзоларимизга ва дўстларимизга етказишимиз керак. Қолаверса, бу хабарни ўз жамоатларимиздаги ҳар бир одамга етказишимиз лозим.

Шундай қилиб, соғлом жамоатнинг яна бир белгисини кўришимиз мумкин. Бу белги юқоридан туғилиш ва Хушхабарни тарқатишнинг Каломга асосланган тушунчасидир. Ҳақиқий ўсиш – Худо ва Унинг халқи орқали бўладиган ўсишдир.

ЖАМОАТ АЪЗОЛИГИ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА

Жамоат аъзолиги ҳақида Каломда ёзилганми? Қайсидир маънода, йўқ. Янги Аҳдни очсангиз, масалан, Прискилла ва Акил Римга кўчиб борди, аввал бир жамоатга, кейин иккинчисига бориб кўриб, ниҳоят учинчи жамоатга аъзо бўлишга қарор қилишди, деган жойини топа олмайсиз. Айтишимиз мумкинки, ҳеч ким “жамоат кўргазмасига” бормайди, чунки ҳар бир жамиятда фақат битта жамоат бўлган. Мана шу сабабдан, Янги Аҳд китобида жамоат аъзоларининг рўйхатини учратмайсиз.

Бироқ, Янги Аҳд жамоатлари маълум рўйхатларни юритган, масалан, жамоатдан ёрдам олиб турадиган бевалар рўйхати (1–Тимотий 5). Муҳими, Янги Аҳддаги бир қатор парчаларда жамоатларда ўз аъзоларини аниқлашнинг маълум усуллари бўлгани кўрсатилган. Улар ким бу жамоатга тегишли ва ким тегишли эмаслигини аниқ билишган.

Масалан, Коринф шаҳридаги жамоатда “ҳатто маъжусийлар орасида ҳам” учрамайдиган ахлоқсизликни қилган одам бўлган (1–Коринфликлар 5:1). Павлус Коринфликларга мактуб ёзиб, уларга бу одамни ўз сафларидан

чиқариб ташлашни буюрган. Энди бир зум тўхтаб, бу ҳақда ўйлаб кўринг. Агар бир одам расман жамоатга аъзо бўлмаган бўлса, уни расман жамоатдан ҳайдаб юбора олмайсиз.

Кейинчалик Павлус Коринфликларга ёзган иккинчи мактубида ўша одамни тилга олиб, “кўпчиликдан олган . . . жазо” етарлиги (2–Коринфликлар 2:6) ҳақида айтади. Шу жойда яна бир бор ўйлаб кўринг. “Кўпчилик” дегани маълум бир одамлар гуруҳини англатади, бу ҳолатда жамоатнинг маълум таркиби назарда тутилган.

Павлус учун “ким жамоатнинг ичида” ва “ким жамоатдан ташқарида” экани муҳим бўлган. У бунга бефарқ бўлмаган, чунки Раббимиз Исонинг Ўзи жамоатларга ўз имконияти даражасида чегара қўйиш, яъни ўзларини дунёдан ажратиш ҳуқуқини берган эди.

Сизларга ростини айтаман, сизлар ер юзида нимани боғласангизлар, осмонда ҳам боғланади, ер юзида нимани ечсангизлар, осмонда ҳам ечилади. (Матто 18:18; яна 16:19; ва Юҳанно 20:23 га ҳам қаранг)

Аввал айтиб ўтганимиздек, соғлом жамоатлар – Худонинг табиатини тобора кўпроқ акс эттирадиган жамоатлардир. Шунинг учун ер юзида ёзган нарсаларимиз самода ёзилган нарсаларга, аниқроғи, Кўзининг ҳаёт китобида ёзилган исмларга иложи борица яқин бўлишини истаймиз (Филиппиликлар 4:3; Ваҳий 21:27).

Соғлом жамоат, Янги Аҳд муаллифлари ўргатганидек, имон келтирган одамларни қабул қилишга ҳаракат қилади.

Яъни жамоатга аъзо бўлиш ҳақида Каломга мос тушунчага эга бўлишга интилади.

Каломга мос аъзолик – садоқатдир

Ибодатхона ғиштлардан, сурув қўйлардан, ток шохлардан иборат бўлганидек, тана ҳам аъзолардан иборат. Қайсидир маънода, Масиҳ бизни қутқариб, Ўз танасининг аъзоларига айлантирганда, жамоатга аъзолик бошланади. Бироқ Унинг ишлари маҳаллий жамоатда амалий ифодасини топиши керак. Демак, жамоат аъзолиги муайян танага ўзимизни бағишлашдан бошланади. Масиҳий бўлиш – жамоатга қўшилишни англатади.

Шу сабабли, умумий умидимиздан қувонишимиз, бир-биримизни меҳр-муҳаббатга ва хайрли ишларга чорлашимиз учун Калом бизни мунтазам равишда йиғилиб туришга чақиради (Ибронийлар 10:23-25). Жамоатга аъзо бўлиш – шунчаки аъзоликни тасдиқлаш учун қачонлардир қоғозга қўйилган белги эмас. У шунчаки ҳиссиёт эмас. Ёки таниш жойга нисбатан муҳаббат ифодаси эмас. Ота-оналарга садоқат ёки садоқатсизликни билдириш воситаси ҳам эмас. У ҳақиқий ва тирик садоқатнинг инъикоси бўлиши керак, акс ҳолда у бефойдадир. Дарҳақиқат, у бефойдалиқдан ҳам баттар; у хатарлидир, буни кейинроқ кўриб чиқамиз.

Каломга мос аъзолик – жавобгарлик олиш деганидир

Масиҳийлар орасида жамоат аъзолигининг амалий кўриниши имонлилар бир-бирини меҳр-муҳаббатга ва

хайрли ишларга чорлаганларида намоён бўлади. Биз муайян маҳаллий жамоатга қўшилганимизда, шу жамоат чўпонларига ва бошқа аъзоларига шунчаки уларни севишдан ташқари, йиғилишларда, эҳсон қилишда, ибодат ва хизматларда улар билан бирга эканимизни билдирган бўламиз. Уларга биздан баъзи нарсаларни кутишлари, мабодо тўғри йўдан адашсак, биздан ҳисоб сўрашлари мумкинлигини маълум қилган бўламиз. Жамоатга аъзо бўлиш – “энди мен сизлар учун масъулман, сизлар эса мен учун масъулсизлар”, деб айтиш билан тенг. (Тўғри, бу замонaviй маданиятга хос эмас. Ҳатто, бунга зид келади, бу гуноҳкор табиатимизга қарши туришдир).

Каломга хос аъзолик – масъулиятни ўз зиммасига олишни англатади. У Муқаддас битикларда ёзилган бурчимиздан, яъни “бир-бирингизга” деган амрлардан – бир-бирингизни севинг, бир-бирингизга хизмат қилинг, бир-бирингизга далда беринг, деган амрлардан келиб чиқади. Бу амрларнинг барчаси соғлом жамоатнинг аҳдномасида бўлиши лозим (иловага қаранг).

Аввалги белгиларни тўғри тушуниш – бу белгини ҳам тўғри тушунишда фойдали бўлади. Жамоат аъзолари Хушхабарни қанчалик қадрласалар, юқоридан туғилиш Худонинг иши эканлигини чуқурроқ тушунсалар ҳамда “изловчи” инсонларга нажот йўлининг баҳосини ҳисоблашга ўргатиб Хушхабар тарқатсалар, улар ўзларининг ўзаро масъулиятларини шунчалик кўп англаб етадилар. Шунда масиҳийлар жамоатга истаган пайтда келиб, ўзига ёққанини қабул қиладиган жой, яъни бош суқиш мумкин бўлган яна битта масиҳийча жой сифатида қарашни тўхтатадилар.

Бунинг ўрнига, улар жамоатга барча аъзолар бир-бирига ғамхўрлик қиладиган тана сифатида, яъни ўзлари яшайдиган уй сифатида қарайдиган бўладилар.

Афсуски, расман рўйхатга олинган аъзолар сони ҳамда жамоатга мунтазам келадиган одамлар сони ўртасида катта фарқ бор. Уч мингта аъзоси бўлган жамоатга мунтазам равишда атиги олти юзта одам келишини бир тасаввур қилинг. Менимча, бугунги кунда кўплаб чўпонлар йиғилишга келмайдиган аъзоларнинг кўплигидан хафа бўлиш ўрнига, жамоатларида қанча расмий аъзо борлиги билан фахрланиб юрадилар.

Биздаги ушр ва эҳсон бериш ҳолати яхшироқми? Қайси жамоатнинг бюджети жамоат аъзоларининг йиллик даромадининг 10 фоизини ташкил қилади? Ундан ортиғи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Жисмоний имконият чекланганлиги йиғилишга келишга, молиявий қийинчиликлар эса ушр ва эҳсон беришга тўсқинлик қилиши мумкин. Лекин бошқа вазиятларда, жамоатлар рақамли кўрсаткичларни илоҳий бут даражасигача кўтариб юбормаяптими, деган савол туғилади. Рақамларга худди йўниб ясалган бутларга сиғингандек осон сиғиниш мумкин, балки ундан ҳам осонроқдир. Лекин, менимча, Худо биздаги рақамларни санамайди, балки ҳаётимизга ва қилган амалларимизга қарайди.

Каломга мос аъзолик – нажотни тасдиқлаш демакдир

Жамоатга бормайдиган, масъулиятдан қочадиган аъзолар нима учун хатарли? Бундай одамлар масиҳий бўлиш нима экани борасида ҳақиқий аъзоларни ҳам, масиҳий

бўлмаган одамларни ҳам чалкаштириб юборадилар. Фаол аъзолар бундай фаол бўлмаган аъзоларни жамоат аъзоси сифатида қолдириш билан уларга ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмайдилар, чунки аъзолик – ўша одамнинг нажотини жамоат билан расман тан олишни билдиради. Бунини тушундингизми? Кимнидир жамоатингиз аъзоси деб атаганингизда, жамоатингиз ўша одамни масиҳий сифатида тан олганини тасдиқлайсиз.

Шундай қилиб, агар жамоатнинг биронта аъзоси бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб жамоатга келмаган бўлса, бу инсонни имон йўлида садоқат билан юрганига қандай гувоҳлик бериш мумкин? Агар кимдир жамоатга келмай қўйган бўлса, лекин Каломга ишонадиган бошқа бир жамоатга ҳам қўшилмаган бўлса, қандай қилиб бу инсонни ўзимиздан деб айта оламиз? (1–Юҳанно 2:19 га қаранг) Бундай одамларни масиҳий деб айта олмаймиз, шунчаки уларнинг имонли эканини тасдиқлай олмаймиз. Биз у одамга: “Сиз дўзахга тушасиз”, деб айтишимиз керак эмас, шунчаки “Сиз жаннатга тушишингизга ишончим комил эмас”, дейишимиз мумкин. Кимдир жамоатга умуман бормай қўйганда, жамоат ўша одамнинг нажотини расман тан олиши унга нисбатан энг яхши ҳолатда соддалик билан муносабатда бўлади, ёмон ҳолатда ноинсофлик қилади.

Каломга асосланган аъзолик қондаларига амал қиладиган жамоат ўз аъзоларидан мукамалликни эмас, камтарлик ва ҳалолликни талаб қилади. Бундай жамоат уларни оғиз билан имонни эътироф этишларга эмас, ҳақиқий шогирдликка чақиради. У инсоннинг Худо билан бўлган шахсий тажрибасининг аҳамиятини инкор этмайди, лекин ҳали мукамалликка эришмаган инсонлар ҳақида ортиқча

тахмин ҳам қилмайди. Шунинг учун Янги Аҳдда Худо ҳамда бир-бири билан аҳдлашган имондиларнинг умумий тасдиғи муҳимлиги кўрсатилган.

Каломга асосланган аъзолик – муҳим аҳамията эга

Умид қиламанки, жамоатдаги аъзолик статистикаси яна аҳамиятли бўлади, жамоат аъзолари юзаки эмас, амалда ҳақиқий аъзолар бўлади. Вақти келса, баъзи бир одамларни жамоатнинг аъзолик рўйхатидан ўчириб ташлашни англатади (албатта, биз уларни унутмаймиз). Бу нарсга кўп ҳолларда янги аъзоларга Худо жамоатни нима мақсадда барпо қилганини ўргатишни ва уларга жамоат ҳаётига содиқ бўлишни мунтазам равишда эслатиб туришни англатади. Менинг жамоатимда буни бир неча йўллар билан амалга оширамиз, яъни жамоатга аъзо бўлиш ҳақидаги дарслардан тортиб, ҳар гал Қутлуғ Кечлик ўтказганда, жамоат аҳдномасини баланд овозда биргаликда ўқиймиз.

Жамоатимиз соғлом бўлиб боргани сайин якшанба куни жамоатга келувчиларнинг сони расмий аъзоларнинг сонидан ҳам ортиб борди. Сиз ҳам жамоатингизда шундай бўлишини хоҳлашингиз керак.

Агар одамлар кўчиб кетган бўлса, биз ўтмишдаги сабаблар туфайли эски дўстларимизни жамоатда олиб қолиш орқали уларга севги кўрсатмаймиз. Улар ҳар ҳафта, ҳатто ҳар куни севги кўрсатишлари мумкин бўлган бошқа жамоатга ўтишларини қўллаб-қувватлаш орқали уларга севгимизни кўрсатамиз. Шунинг учун биз жамоатимизда: “Биз бу

жамоатдан кетганимизда, иложи борича тезроқ бошқа жамоатга қўшилиамиз, у ерда бу аҳдни ва Худо Каломининг тамойилларини амалга оширишни давом эттирамиз”, деб айтамыз.

Бу содиқлик соғлом шогирдликнинг ажралмас қисми бўлиб, айниқса, бугунги ўзгарувчан замонда муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат аъзолигига жиддий эътибор беришнинг янгича усули кўп фойда келтиради. Бу нарса жамоатларимизнинг Масиҳга ишонмаганлар олдидagi гувоҳлигини янада равшан қилади. Қолаверса, заифроқ кўйларнинг сурувдан айрилиб, ўзларини қўй деб аташларини қийинлаштиради. Ўсаётган имонлиларнинг шогирдлик йўлларини шакллантиришга ва йўналтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, жамоат етакчиларига улар ким учун жавобгар эканлигини англашга ҳам ёрдам беради. Буларнинг барчаси орқали Худо улуғланади.

Жамоат аъзолиги ҳозирги пайтдагидан муҳимроқ бўлиши учун ибодат қилинг. Бу бизга ким учун ибодат қилишни, кимга далда беришни ҳамда имонда кимга қарши туришни чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Жамоат аъзолиги амалий жиҳатдан Масиҳнинг танасига қўшилишни билдиради. Бу эса бу дунёда мусофир ва келгинди сифатида самовий уйимиз томон биргаликда қадам босишни англатади. Албатта, соғлом жамоатнинг яна бир белгиси – жамоатга аъзо бўлиш борасида Муқаддас Китобга мос тушунчага эга бўлишдир.

КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ЖАМОАТ ТАРТИБ-ИНТИЗОМИ

Жамоат аъзолиги ҳақида Каломга асосланган тушунча, табиийки, Каломга асосланган жамоат тартиб-интизомига олиб келади. Аъзолик жамоат атрофига бир қатор чегаралар қўйиб, жамоатни дунёдан ажратади. Тартиб-интизом эса жамоатга бу чегараларни белгилашга сабаб бўлган тамойилларга амал қилишга ёрдам беради. Бу нарса аъзоликнинг мазмунини белгилайди, қолаверса, у соғлом жамоатнинг яна бир муҳим белгиси ҳисобланади.

Жамоат тартиб-интизоми нима ўзи? Энг тор маънода, ўзини имонли деб ҳисоблайдиган инсонни тавба қилмаган жиддий гуноҳи, яъни воз кечмаган гуноҳи туфайли жамоат аъзолigidан ҳамда Қутлуғ Кечлик маросимида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳаракатидир.

Худонинг табиатини намоён этиш

Жамоат тартиб-интизомини тўғри англаш учун Худо борлиқни, инсониятни, Исроилни ҳамда жамоатни нима мақсадда яратгани ҳақида 3–бобда ёзилганларини кўриб чиқиш фойдали бўлади. Худо Ўз улугворлигини намоён

етиш мақсадида борлиқни яратди. Кейин айна шу мақсад билан инсониятни яратди, яъни биз Унинг сурагини ифода этишимиз учун яратди (Ибтидо 1:27). Лекин инсоният, яъни Одам Ато билан Момо Ҳаво Худонинг улуғворлигини намоён қилмади, шунинг учун Худо уларни боғдан ҳайдаб юборди.

Кейин Худо Исроил халқини Унинг улуғворлигини намоён этишга чақирди, қонунда кўрсатилганидек, Худонинг муқаддаслигини, табиатини дунёга намоён этишга даъват қилди (Левит 19:2; Ҳикматлар 24:1, 25 га қаранг). Қолаверса, бу қонун баъзи одамларни тўғри йўлга солиш ва ҳатто жамоадан четлатиш учун асос бўлган (Сонлар 15:30-31). Охир-оқибат, айна шу қонун Исроилни ҳам юртдан маҳрум бўлишига сабаб бўлди.

Ниҳоят, аввал айтганимиздек, Каломда очиб берилган Худонинг табиатини тобора кўпроқ намоён бўлиши учун Худо жамоатни яратди. Муқаддас Китобда берилган яхлит сюжет чизиғига мувофиқ, жамоат тартиб-интизоми – Хушхабарга эътиборсизлик қилиш орқали уни обрўсизлантирадиган ҳамда тўғри йўл тутишни истамаган шахсни жамоатдан четлатиш ҳаракати ҳисобланади. Тартиб-интизом Худонинг улуғвор табиатини садоқат билан намоён қилишда жамоатга ёрдам беради. У жамоатнинг муқаддаслигини сақлашга ёрдам беради. Бу худди кўзгуни доғ ва чанглардан тозалаб, уни сайқаллашга ўхшайди (2–Коринфликлар 6:14-7:1; 13:2; 1–Тимотий 6:3-5; 2–Тимотий 3:1-5 га қаранг). Тартиб-интизом нима учун керак? Худонинг муқаддас ва меҳрибон табиати янада аниқроқ ва ёрқинроқ намоён бўлиши учун керак.

Бу қандай ишлайди?

Интизом жараёни қандай кечади? Гуноҳли вазиятлар ҳар хил бўлгани учун ҳар бир вазиятда қандай йўл тутишни билиш учун чўпоннинг доно бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Шундай бўлса ҳам, Исонинг Матто 18–бобда берилган сўзлари умумий чегараларни белгилаб берган (Матто 18:15-17). Аввало, гуноҳ қилган биродарингиз билан ёлғиз гаплашинг. Агар гуноҳ қилган биродарингиз тавба қилса, интизом жараёни тугайди. Агар у тавба қилмаса, ёнингизга бошқа бир имонли кишини олиб, у билан гаплашинг. Агар шунда ҳам тавба қилмаса, Исо айтганидек, “Жамоатга айтгин. Агарда Жамоатга қулоқ солмаса, унда у сен учун мажусий ва солиқчи каби бўлсин” (Матто 18:17), яъни уни жамоатдан четлатилган шахс деб ҳисобланг.

Уни ҳукм қилиш керакми?

Бугунги кунда бу ғоя кўпчилик учун шафқатсизликдек туюлиши мумкин. Қолаверса, Исо Ўз издошларига бошқаларни ҳукм қилишни тақиқламаганми? Ахир, У аниқ қилиб: “Ҳукм қилманглар, шунда сизлар ҳам ҳукм қилинмайсизлар” деган (Матто 7:1). Аммо айнан мана шу Хушхабарда Исо жамоатларни гуноҳ қилган аъзоларга, керак бўлса, ҳамманинг олдида танбеҳ беришга чақирган (Матто 18:15-17; қиёсланг: Луқо 17:3). Шундай қилиб, Исо “Ҳукм қилманглар” деганда, ҳозирги кунда “ҳукм қилиш” деб аталадиган ҳар қандай ишни тақиқлашни назарда тутмаган.

Албатта, Худонинг Ўзи Ҳакамдир. У Адан боғида Одам Атони ҳукм қилган. Эски Аҳд китобида У халқларни ҳам,

одамларни ҳам ҳукм қилган. Янги Аҳдда У имонлиларнинг қилган амалларига мувофиқ ҳукм қилинишларини айтиб ўтган (1–Коринфликлар 3–бобга қаранг). Қиёмат кунда бутун инсоният устидан олий ҳукмдор сифатида намоён бўлишни ҳам ваъда қилган (Ваҳий 20–бобга қаранг).

Худо ҳукм қилганида, ҳеч қачон хато қилмайди. У ҳар доим адолатлидир (Йешуа 7; Матто 23; Луқо 2; Ҳаворийлар 5; Римликлар 9–бобларга қаранг). Баъзан Худо Ўз фарзандларини интизомга солганда, ҳукм қилишдан мақсади тузатиш, нажот бериш ва тиклаш бўлади. Баъзида эса фосиқларга ғазабини сочганда, Унинг ҳукми жазо ва ғазаб шаклида бўлади (Ибронийлар 12–бобга қаранг). Иккала ҳолатда ҳам Худонинг ҳукми ҳар доим адолатли бўлади.

Баъзан Худо Ўз ҳукмини амалга ошириш учун одамлардан фойдаланиши бугунги кунда кўпчиликка ғалати туюлиши мумкин. Давлатга ўз фуқароларини ҳукм қилиш масъулияти берилган (Римликлар 13–бобга қаранг). Масиҳийларга ўзлари устидан ҳукм чиқариш буюрилган (1–Коринфликлар 11:28; Ибронийлар 4; 2–Петрус 1:5 га қаранг). Шунингдек, жамоатлар ҳам баъзида ўз аъзоларини ҳукм қилишга чақирилган, лекин албатта бу ҳукм Худонинг сўнгги ҳукми каби бўлмайди.

Матто 18, 1–Коринфликлар 5–6–бобларида ҳамда яна бошқа жойларда жамоатга ўз доирасида адолатли ҳукм чиқариш ҳақида кўрсатмалар берилган. Бу ҳукм қасос олиш ниятида эмас, балки қутқариш ниятида амалга оширилиши лозим (Римликлар 12:19 га қаранг). Павлуc Коринф шаҳридаги жамоатга зино қилган одамнинг “танасини барбод қилиш учун шайтонга топшириш керак, токи Раббий Исонинг

кунида унинг руҳи нажот топсин” (1–Коринфликлар 5:5) деган мақсадда шайтонга топширишни буюрган. Худди шу сўзларни Тимотийга ҳам айтиб, Эфесдаги сохта устозларни ҳукм қилишни буюрган (1–Тимотий 1:20).

Очиқми ёки ёпиқ?

Худо бизни маълум турдаги ҳукм ёки интизомни амалга оширишга чақиришидан ҳайрон бўлмаслигимиз керак. Агар жамоатлар имонли кишилар қандай ҳаёт кечиришлари лозимлиги ҳақида гапирадиган бўлсалар, улар имонли кишиларнинг қандай ҳаёт кечирмасликлари ҳақида ҳам гапиришлари керак бўлади. Бироқ мен кўплаб жамоатларнинг шогирдлик масаласига ёндашуvidан хавотирдаман, яъни улар тутган йўл худди тешик челаққа сув қуйишга ўхшайди – бутун эътибор сув қуйишга қаратилади, лекин сув қандай қуйилаётганига ва уни челақда ушлаб қолишга эътибор берилмайди. Сўнгги бир нечта авлод ўртасида жамоат тартиб-интизомининг амалда қўлланиши кескин камайиб кетгани – муаммонинг белгиларидан биридир.

Жамоатнинг ўсиши ҳақида китоб ёзган муаллифлардан биттаси жамоатнинг ўсиш стратегиясини “Олд эшикни очинг ва орқа эшикни ёпинг” деган сўзлар билан ифодалаган. Бу сўзлар билан у шуни назарда тутяптики, жамоатлар Масихга ишонмаган одамларга нисбатан очиқроқ бўлсин ҳамда келган одамлар билан яхшироқ ишласин. Булар албатта, яхши мақсадлар. Лекин менимча бутунги кунда кўплаб чўпонлар ва жамоатлар шундай йўл тутишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун ўзим Каломга асосланган стратегия деб ҳисоблаган

ёндашувни таклиф қиламан: олд эшикни қаттиқ қўриқланг ва орқа эшикни очиб қўйинг. Бошқача айтганда, жамоатга қўшилишни қийинлаштиринг, бошқа томондан, жамоатдан четлатилишни осонлаштиринг. Ёдингизда бўлсин, ҳаётга олиб боровчи йўл кенг эмас, балки тордир. Шундай қилиш, жамоатларга уларни дунёдан ажратиб турадиган илоҳий фарқни қайта тиклашга ёрдам беради.

Шунинг учун тартиб-интизомга амал қилишнинг илк қадамларидан бири – янги аъзоларни қабул қилишда жуда хушёр бўлишдир. Жамоатга аъзо бўлмоқчи бўлганларнинг ҳар биридан Хушхабар нима эканлигини ҳамда Масихга улуғворлик келтирадиган ҳаётнинг моҳиятини тушунишларини исботлашини сўраш керак. Аъзоликка ўтмоқчи бўлган номзодлар жамоат улардан нимани кутаётганини ва садоқатнинг қанчалик муҳим эканини билишлари фойдали бўлади. Агар жамоатлар янги аъзоларни қабул қилишда эътиборли бўлса, келгусида жамоатда тузатиш ишларини олиб боришга бўлган эҳтиёж анча камаяди.

Тартиб-интизомни масъулият билан амалга ошириш

Жамоат тартиб-интизоми нотўғри усулда амалга оширилиши ҳам мумкин. Янги Аҳдда биз бошқаларни уларнинг ниятлари борасида тахминларимиз асосида (Матто 7:1 га қаранг) ёки арзимаган нарсалар учун (Римликлар 14-15–бобларга қаранг) ҳукм қилмаслигимиз кераклиги ўргатилган. Интизомий чора кўришда муносабатимиз кек сақловчи эмас, балки меҳр-муҳаббатли бўлиши ва «қўрқув

аралаш раҳм-шафқатни» намоён этиши лозим (Яҳудо 23 га қаранг). Жамоат тартиб-интизоми донолик ҳамда чўпонлик тажрибасини талаб қиладиган муаммоларга тўла эканини инкор этиб бўлмайди. Бироқ масиҳийча ҳаёт осон эмаслигини ва суистеъмол қилиниши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Қийинчиликлар масиҳийча ҳаёт тарзи билан яшамасликка баҳона бўлолмайди, қийин дея ўзимизни оқламайлик.

Ҳар бир маҳаллий жамоат ўз етакчилари ҳамда аъзоларининг ҳаёти ва таълимотини ҳукм қилишга масъулдир, айниқса, уларнинг хатти-ҳаракатлари ёки таълимоти Хушхабар ҳақидаги жамоат гувоҳлигига зарар етказадиган бўлса (Ҳаворийлар 17:1; 1–Коринфликлар 5; 1–Тимотий 3; Ёқуб 3:1; 2–Петрус 3; 2–Юҳанно га қаранг).

Жамоатнинг Каломга асосланган тартиб-интизоми – шунчаки Худога итоат қилиш ва ўзимизнинг ёрдамга муҳтож эканимизни тан олишдир. Худо Ўз ҳукмини амалга ошириш учун одамлардан фойдаланмайдиган, ота-оналар ўз фарзандларини тарбияламайдиган дунёни, қонунни бузганларни жазоламайдиган ҳукуматни ёки ўз аъзоларига танбеҳ бериб, уларни тўғри йўлга солмайдиган жамоатни тасаввур қила оласизми? Агар булар мавжуд бўлганда эди, Худонинг ҳукм кунига дунёвий ҳукмнинг азобини билмасдан, бошимизга тушадиган энг катта ҳукм кун ҳақида беҳабар ҳолда келган бўлар эдик. Худо шунчалик меҳрибонки, ушбу вақтинчалик жазо билан бирга келадиган ўзгармас адолат ҳақида ҳозир бизга ўргатади (Луқо 12:4-5 га қаранг).

Жамоатда тузатувчи тартиб-интизомни амал оширишнинг бешта ижобий сабаби бор. У қуйидаги

нарсаларга бўлган муҳаббатни акс эттиради: (1) тартибга чақирилаётган шахснинг яхшилигига; (2) бошқа имонлиларга, чунки улар гуноҳнинг хатарли эканини кўрадилар; (3) бутун бошли жамоатнинг руҳан соғлом бўлишига; (4) жамоатнинг умумий гувоҳлигига, жамиятда масиҳий бўлмаганларга ҳамда (5) Худонинг улуғворлигига. Бизнинг муқаддаслигимиз Худонинг муқаддаслигини акс эттириши лозим.

Жамоат аъзоси бўлиш мағрурланишимиз учун эмас, балки Худонинг номи ҳақи аҳамиятли бўлиши керак. Жамоатнинг Каломга асосланган тартиб-интизоми – соғлом жамоатнинг яна бир муҳим белгисидир.

КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ШОГИРДЛИК ВА РУҲАН ЎСИШ

Соғлом жамоатнинг яна бир муҳим белгиси – Каломда таъкидланганидек, жамоатнинг руҳан ўсиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишдир. Бу эса фақат сон жиҳатидан эмас, балки аъзоларнинг руҳий жиҳатдан ўсишини англатади.

Бугунги кунда баъзи одамлар инсон бир умр “имонда чақалоқ” бўлиб қолиши мумкин, деб ўйлашади. Ўсиш эса фақат шижоатли шогирдлар учун қўшимча бир имконият сифатида қабул қилинади. Аммо ўсиш – тириклик белгисидир. Агар дарахт тирик бўлса, у ўсади. Агар ҳайвон тирик бўлса, у ўсади. Тирик бўлиш – ўсишни англатади, ўсиш эса, энг камида, ҳаётнинг охиригача ривожланиш ва олдинга интилишни билдиради.

Павлус Коринфликларнинг имонда ўсишларига умид қилган (2–Коринфликлар 10:15), Эфесликларга эса “Бош бўлган Масих томон ҳамма нарасада ўсиб бораёлик” (Эфесликлар 4:15; қиёсланг: Колосаликлар 1:10; 2–Фессалоникаликлар 1:3), деб айтган. Бутрус ўқувчиларга мурожаат қилиб, “янги туғилган чақалоқлардай Сўзнинг

соф сутини тусанглар, токи ундан нажотга улгайинглар” (1–Петрус 2:2) деган.

Чўпонлар ва ҳатто айрим аъзолар ҳам жамоатни бошқаришга қулай бўлган рақамлар статистикасини, яъни йиғилишга келувчилар сонини, сувга чўмдириш маросимларини, ушр ва эҳсонлар миқдорини ҳамда аъзолик рўйхатини ҳисоблаб бориш васвасасига тушишлари мумкин. Бундай ўсиш аниқ кўриниб туради. Бироқ бундай статистика юритиш Янги Аҳд муаллифлари тасвирлаган ҳамда Худо истаган ҳақиқий ўсишдан анча йироқ.

Муқаддасликда ўсиш

Масиҳийлар июнотда ўсаётганини қаердан биламиз? Буни уларнинг ҳис-туйғуларидан, диний сўзларни кўп ишлатишидан ёки Муқаддас битикларни кўпроқ ўрганаётганларидан била олмаймиз. Жамоатга нисбатан муҳаббати ортиши ёки имонига бўлган ишончи ортаётганини кўрсатиши ҳам яққол белги эмас. Ҳатто Худога бўлган ташқи иштиёқини намоён этиши ҳам имонлиларнинг ўсаётганини англатмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқий масиҳийча ўсишнинг белгилари бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ўсишнинг эътибордан четда қолган ва энг муҳим белгиларидан бири – имонли кишининг ўз нафсини тийиш орқали муқаддасликда ўсишининг кузатилишидир (Ёқуб 2:20-24; 2–Петрус 1:5–11 га қаранг). Жамоат ўз аъзоларининг ҳаётида солиҳликни оширишга жиддий аҳамият бериши керак.

Жамоат тартиб-интизомини беъътибор қолдириш сингари, муқаддасликка жиддий эътибор қаратмаслик ҳам

шогирдларнинг руҳан ўсишини қийинлаштиради. Номатқул хатти-ҳаракатлар эътиборсиз қолдирилган жамоатларда шогирдлар Масихга улуғворлик келтирадиган ҳаёт нимани англаишини тушунмай қолишади. Бу худди бегона ўтлар ҳеч қачон тозаланмайдиган ва яхши нарсалар экилмайдиган боғга ўхшайди.

Ўсиш қандай кўринишда бўлади ва қандай кўринишда бўлмайди

Одамлар иноятда ўсишлари учун жамоат Худонинг воситаси бўлиши керак. Муқаддасликка интиладиган, етук имонлилардан иборат жамоат Худонинг азизлари руҳан ўсишларида Худонинг воситаси бўладилар. Худонинг азизлари муқаддаслик ва беминнат севгида биргаликда ўсиб боргани сайин, тартиб-интизомни ҳам, шогирдликни ҳам ривожлантириб боришлари лозим.

Жамоат ҳаётига назар ташласак, аъзолардаги ўсиш йўллари турлича намоён бўлади. Қуйида бир қатор мисоллар берилган:

- Элчилик хизматига чақирилаётганларнинг сони ортиб боради: “Жанубий Америкадан келган қўшниларим билан Хушхабарни баҳам кўриш менга жуда ёқади. Эҳтимол, Худо мени шу хизматга чақираётгандир...”
- Ёши каттароқ аъзолар Хушхабарни тарғиб қилишда ва ёш шогирдларни тайёрлашда янгича масъулиятни ҳис қиладилар: “Бугун кечки овқатга бизникига келмайсизми?”

- Ёш аъзолар катталарга бўлган муҳаббат туфайли уларнинг дафн маросимларида қатнашадилар: “Йигирма яшар бўйдоқ йигит пайтимда жаноб Ёнг ва унинг рафиқаси мени қабул қилганларидан миннатдорман.”
- Жамоатда ибодатлар сони ортади, Хушхабарни тарғиб қилиш ва хизмат имкониятлари кўпайишига қаратилган ибодатлар кучаяди: “Ишхонамда Каломни ўрганишга бағишланган дарсларни бошламоқчиман. Лекин бир оз ҳаяжонланаяпман. Жамоат мен учун ибодат қилиши мумкинми?”
- Жамоатнинг кўплаб аъзолари бошқалар билан Хушхабарни баҳам кўрадилар: “Мен сартарошхонада Алекс исми йигит билан танишиб қолдим. Мен танийдиган баъзи инсонларни у ҳам танир экан. Шундан кейин биз бирга қаҳва ичишга келишиб олдик. Бир неча ой давомида унга Хушхабар ҳақида гапирдим ва у ҳозир жамоатимизга келди.”
- Аъзоларнинг жамоат дастурларига ҳаддан ортиқ боғлиқлиги камайиб, ўзлари ташаббус кўрсата бошлайди: “Ҳурматли чўпон, Хушхабарни тарғиб қилиш имконияти сифатида Салли иккимиз жамоатдаги аёллар учун чойхўрлик ташкил қилсак, қандай бўларкин?”
- Жамоат аъзоларининг норасмий йиғилишлари руҳий суҳбатлардан иборат бўлади, жумладан, хочга ишора қилган ҳолда гуноҳлар эътироф этилади: “Биродар, мен _____ билан курашяпман”.

- Ушр ва эҳсон бериш кўпаяди: “Азизим, бу ойда _____ га ёрдам бериш учун беш доллар ажратайлик.”
- Руҳнинг самараси ортади: “Жамоатдаги ҳамду санолар ҳамда ожизлигимда Худо менга қанчалар меҳр кўрсатгани ҳақида мулоҳаза қилиш орқали менда аёлимга мулойимроқ бўлиш истаги туғилди.” Ёки “Дўстларимга қўшилиб, ниманинг устидан кулаётганимга эътиборлироқ бўлишим учун Худо кўзимни очди.”
- Аъзолар жамоат хизматлари йўлида ўз мартабаларидан воз кечадилар: “Крис жамоатда ўзининг етакчилик хизматидан воз кечмаслик учун уч маротаба ишида юқори лавозимга кўтарилиш таклифини рад қилгани ҳақида эшитдингизми?”
- Эрлар фидойилик билан хотинларини бошқарадилар: “Азизам, ўзингни суюкли ва эътиборли эканингни ҳис қилишинг учун нима қилишим мумкин?”
- Хотинлар ўз эрларига итоат қиладилар: “Азизим, сизга енгил бўлиши учун бугун сизга қандай ёрдам бера оламан?”
- Ота-оналар фарзандларини имон билан тарбиялайдилар: “Келинлар, бугун оқшомда _____ юртидаги масиҳий хизматчилар учун ибодат қиламиз.”
- Жамоат тавба қилинмаган ва ошкора қилинган гуноҳ учун жазо қўллашга тайёр бўлади: “Ўтган йили май ойида тарбиявий жазо сифатида бир аъзони жамоатдан четлаштирдик. У бошқа жойга кўчиб

кетмаган ва бошқа жамоатчилик тадбирларида фаол иштирок этиб юрган бўлса ҳам бир йил давомида жамоатга келмади. Бунинг сабабини ҳам бизга айтмади. У шунчаки жамоатга келмай қўйди.”

- Тавба қилмаган гуноҳкорга нисбатан жамоат севги кўрсатади, яъни унга нисбатан чора кўришдан олдин у билан гаплашишга уринади: “Илтимос, хабаримни олсангиз, алоқага чиқинг. Сиз билан гаплашишдан хурсанд бўламан.”

Булар жамоатнинг қандай ўсиши, масиҳийлар нима учун ибодат қилишлари ва нима учун ҳаракат қилишлари кераклиги борасида баъзи бир мисоллар, холос. Соғлом жамоат кенгайиши мумкинми? Кўпинча, шундай бўлади, чунки улар Хушхабарга жозибадор гувоҳликни намоён этади. Лекин шундай бўлиши керак, деган фикрга бормаслигимиз лозим. Баъзида Худонинг бошқа мақсадлари бўлади, масалан, У Ўз халқини сабрли бўлишга чақиради. Биз содиқлик ва ҳақиқатан руҳан ўсишга эътибор қаратишимиз керак.

Бундай ўсишга нима сабаб бўлади? Каломни экспозицион ваъз қилиш бунга сабаб бўлади. Каломга асосланган теология. Хушхабарга эътибор. Ва албатта, юқоридан туғилиш, Хушхабарни тарқатиш, аъзолик, тартиб-интизом ва етакчилик ҳақида Каломга хос тушунча!

Лекин, агар жамоатлар фақат чўпоннинг фикрлари ўргатиладиган, Худога сажда қилишдан кўра, Унга нисбатан шубҳа уйғотадиган, Хушхабарнинг мазмуни ўзгартирилиб, Хушхабарни тарқатиш хизмати бузилган, жамоат аъзолиги ўз қадрини йўқотган, чўпоннинг атрофида “шахсиятга

сигиниш” пайдо бўлган жойга айланган бўлса, бундай жойда яқдил ва фойдали жамоат бўлмайди. Бундай жамоат Худога улуғворлик келтирмайди.

Жамоат ўсиши орқали Худо улуғланади

Аъзолари Масихнинг сурати томон ўзгариб бораётган жамоатни кўрганимизда, кимни улуғлаймиз? Албатта, Худони улуғлаймиз, чунки Павлус айтганидек: “Худо ўстирди. Шунинг учун экадиган ва суғорадиган ҳеч нарса эмасдир, ўстирадиган Худо ҳамма нарсадир” (1–Коринфликлар 3:6-7, қиёсланг: Колосаликлар 2:19).

Худди шундай, Бутрус илк имонлиларга йўлаган иккинчи мактубини қуйидагича якунлайди: “Бироқ иноятда ва Раббимиз ҳамда Нажоткоримиз Исо Масихни таниб-билишда улағайинглар. Ҳозир ва абадий Унга шон-шуҳрат бўлсин! Омин” (2–Петрус 3:18). Баъзида руҳан ўсишимиз ўзимизга шон-шуҳрат келтиради, деб ўйлашимиз мумкин. Лекин Бутрус буни яхшироқ биларди: “Сизларни ёмонликда айблаб ғийбат қиладиган мажусийлар орасида диёнатли ҳаёт кечиринглар, токи улар хайрли ишларингизни кўриб, Раббий ташриф буюрадиган кунда Худони улуғласинлар” (1–Петрус 2:12). Петрус, шубҳасиз, Исонинг сўзларини элаган: “Сизларнинг нурингиз одамларнинг олдида шундай порласинки, улар сизларнинг яхши ишларингизни кўриб, Осмондаги Отангизни улуғласинлар.” Ҳа, у “Осмондаги Отангизни улуғласинлар”, деган (Матто 5:16). Шогирдлик ва ўсишни тарғиб қилиш – соғлом жамоатнинг яна бир белгисидир.

КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ЖАМОАТ ЕТАКЧИЛИГИ

Соғлом жамоатда қандай етакчилик йўлга қўйилган бўлади? Хушxabар садоқат билан ваъз қилинишини таъминлашга интиладиган одамлардан иборат жамоа бўладими? Ҳа (Галатияликлар 1). Диаконлари (хизматчилари) жамоат ишларида ўрнатқўрсатадими? Ҳа (Ҳаворийлар 6). Жамоат чўпони Худо Каломини садоқат билан ваъз қиладими? Ҳа (2–Тимотий 4). Бироқ, Муқаддас Китоб жамоатларни соғлом бўлишига ёрдам берадиган яна бир етакчилик инъоми ҳақида гапиради. Бу инъом – оқсоқол лавозимидир.

Албатта, Каломда жамоат етакчилиги ҳақида айтилган фойдали фикрлар жуда кўп, бироқ мен асосан оқсоқоллар масаласига эътибор қаратмоқчиман, чунки жуда кўп жамоатлар уларда нима етишмаётганини билмайди, деб ўйлайман. Мен чўпон сифатида, Масих орамизга руҳий инъомлари ва чўпонга хос ғамхўрлиги Худо уларни оқсоқол бўлишга даъват қилганини акс эттирадиган инсонларни қўйиши учун ибодат қиламан. Худо кўплаб мана шундай инсонларни тайёрласин!

Агар Худо бирон кишига намунали хулқ, чўпонга хос донолик ҳамда таълим бериш қобилиятини берган бўлса ва

жамоат ибодат орқали бу инъомларни аниқласа, у ҳолда ўша инсон оқсоқол қилиб тайинланиши лозим.

Оқсоқол ким?

Ҳаворийлар китобининг 6–бобида баён этилишича, Қуддусдаги ёш жамоат аъзолари бева аёлларга озиқ-овқат тарқатиш масаласида тортишиб қолади. Шунда ҳаворийлар жамоатга мурожаат қилиб, бу ишни яхшироқ назорат қила оладиган бир неча эркакни танлашни таклиф қилишади. Ҳаворийлар “доимо ибодатда ва Сўз хизматида” бўлишлари учун бу вазифани бошқаларга топширишди (Ҳаворийлар 6:4).

Қисқаси, Янги Аҳднинг бошқа жойларида тилга олинган оқсоқоллар ва хизматчилар (диакон) ўртасидаги меҳнат тақсимоти айнан шу тарзда кўрсатилади. Оқсоқоллар, асосан, жамоат учун ибодат ва Сўз хизматига бағишланадилар, хизматчилар (диакон) эса жамоатнинг жисмоний ишларини юритишга ёрдам берадилар.

Эй жамоатлар, бу инъом сизлар учун қандай инъом эканини тушуна бошладингизми? Худо шунчаки: “Орангиздан бир нечта одамни танлаб оламан, уларни сизлар учун ибодат қилишлари ҳамда сизларга Мен ҳақимда таълим беришлари учун ажратиб оламан”, демоқда.

Оқсоқоллар ва жамоа (конгрегация)

Хизматчи (диакон) ёки мулозим (директор) деб аталса ҳам, ҳар бир жамоатда оқсоқол вазифасини бажарадиган инсонлар бўлади. Янги Аҳдда ушбу мақом учун учта сўз – *episcopos* (епископ ёки назоратчи), *presbuteros* (оқсоқол)

ҳамда *poitain* (чўпон) ишлатилган бўлиб, улар бир-бирининг вазифасини бажарган. Бу учала атама битта шахсни англатади, масалан, Ҳаворийлар 20:17 ва 20:28 да уларнинг ҳаммаси битта шахсга нисбатан ишлатилган.

Масиҳийлар “оқсоқол” деган сўзни эшитганларида, кўпчилигининг хаёлига дарҳол “Пресвитериан” жамоати келади. Бироқ, 16–асрдаги илк Конгрегационалистлар (катта ҳарф билан ёзилади, жамоатнинг расмий вакиллари) оқсоқоллик лавозими Янги Аҳд жамоатлари учун мўлжалланган, деб ўргатишган. 18–асрда ва 19–асрнинг бошларида Америкадаги Баптист жамоатларида ҳам оқсоқол лавозими мавжуд бўлган. Дарҳақиқат, бу амалиёт Каломга асосланган бўлгани учун Жанубий Баптист Конвенциясининг президенти У. Б. Жонсон 1846–йили ёзган рисоласида Баптист жамоатларини бир қатор оқсоқоллардан иборат раҳбарлик тизимини жорий этишга чақирган.

Оқсоқол лавозими масаласида Баптистлар ва Пресвитерианлар икки нарсда келиша олмайдилар (менимча, бу масала Баптист ёки Пресвитериан бўлмаганларга ҳам тегишли). Энг аввало, биз, Баптистлар конгрегационалистлар (кичик ҳарф билан ёзилади, жамоатчилик тамойилларига амал қилувчилар) ҳисобланамиз. Биз Муқаддас Калом турли масалалар бўйича сўнгги қарорни жамоат оқсоқоллари ёки жамоатга тегишли бўлмаган одамлар эмас, балки бутун жамоа (конгрегация) қабул қилади, деб ўргатишига ишонамиз. Исо шогирдларига гуноҳ қилган одам билан гаплашиш ҳақида таълим берганида, оқсоқоллар, поп ёки епископ, маслаҳатчилар ёки кенгаш эмас, айнан жамоа сўнгги қарорни чиқариши лозимлигини айтган (Матто 18:17). Ҳаворийлар

хизматчи вазифасини бажарадиган одамларни танлаши керак бўлганида, юқорида айтиб ўтганимиздек, қарор чиқариш ҳуқуқини жамоага беришган.

Павлуснинг мактубларида ҳам яқуний масъулиятни жамоа ўз бўйнига олгани ёзилган. 1–Коринфликлар 5–бобда гуноҳ қилган одамга чора кўрилмагани учун Павлус чўпонни, оқсоқолни ёки хизматчиларни эмас, айнан жамоани айблаган. 2–Коринфликлар 2–бобда эса Павлус жамоадаги кўпчилик одамлар йўлдан адашган кишини интизомга қандай солгани ҳақида айтган. Галатияликлар 1–бобда Павлус жамоанинг ўзини улар эшитган сохта таълимотлар устидан ҳукм чиқаришга чақирган. 2–Тимотий 4–бобда Павлус нафақат сохта устозларни, балки ўзларига ёқадиган гапларни айтишлари учун уларга пул тўлаганларни ҳам фош қилади. Оқсоқоллар етакчилик қилишлари керак, лекин буни Каломга асосланган ҳолда, ва албатта, жамоа белгиланган чегаралар асосида қилишлари лозим. Шунинг учун, Баптист жамоатидаги оқсоқоллар ҳамда бошқа ҳар қандай кенгаш ёки қўмита бутун жамоага яқуний маслаҳат бериш вазифасини бажарувчи орган сифати фаолият юритади.

Иккинчидан, Баптистлар ва Пресвитерианлар оқсоқолларнинг вазифаси ва мажбуриятлари бўйича бир-бири билан келиша олмаганлар, бу ихтилоф, асосан, Павлуснинг Тимотийга ёзган қуйидаги сўзларини турлича тушуниш натижасида келиб чиққан: “Яхши бошчилик қилаётган, айниқса, Сўзни воизлик қилишда ва таълим беришда меҳнат қилаётган жамоабoshiлар икки баробар кўп ҳурматга лойиқ ҳисоблансинлар” (1–Тимотий 5:17). Пресвитерианлар бу оятни икки тоифадаги оқсоқолларни, яъни бошқарувчи

оқсоқоллар ва таълим берувчи оқсоқолларни тайинлаш керак, деб тушунадилар. Баптистлар эса бу расмий бўлинишни тан олмайдилар, улар бу оятда баъзи оқсоқоллар бошқаларга қараганда амалий жиҳатдан кўпроқ вақт ва кучини ваъз айтиш ҳамда таълим беришга сарфлаши ҳақида ёзилган, деб ҳисоблайдилар. Ахир, Павлус ўз мактубининг бошида ҳар бир оқсоқол “таълим беришга қобилиятли” бўлиши кераклиги ҳақида Тимотийга тушунарли қилиб айтган (1–Тимотий 3:2; яна Титус 1:9 га ҳам қаранг). Шунинг учун ҳам Баптистлар кўпинча Муқаддас битиклардан таълим бериш қобилиятига эга бўлмаган одамни оқсоқол этиб тайинлашни инкор қилганлар.

Оқсоқолларнинг кўплиги

Ўн саккизинчи асрда Баптистлар ва Пресвитерианларнинг фикри бир жойдан чиқиб, ҳар бир маҳаллий жамоатда бир нечта оқсоқол бўлиши керак, деб ҳисоблашди. Янги Аҳднинг ҳеч қаерида маълум бир жамоа учун айнан шунча оқсоқол бўлиши керак, деб ёзилмаган, лекин маҳаллий жамоатлардаги оқсоқоллар кўп бўлиши кераклиги аниқ ва тушунарли тарзда берилган (Масалан, Ҳаворийлар 14:23; 16:4; 20:17; 21:18; Титус 1:5; Ёқуб 5:14).

Бугунги кунда нафақат Баптист жамоатлар, балки кўплаб бошқа эътиқодга мансуб мустақил жамоатлар ҳам Каломга асосланган ушбу ғояни кенгроқ тан олишмоқда.

Оқсоқолларнинг кўп бўлиши – чўпоннинг аҳамияти йўқлигини англатмайди. Янги Аҳдда жамоадаги барча оқсоқолларга тегишли бўлмаган воизлик ҳамда воизлар

ҳақида кўплаб оятлар бор. Мисол учун, Павлус Коринф шаҳрида фақат ваъз айтган, чунки у ердаги жамоат оқсоқоллари Павлусдек ваъз қила олмаганлар (Ҳаворийлар 18:5; 1–Коринфликлар 9:14; 1–Тимотий 4:13; 5:17). Қолаверса, воизлар одатда махсус ваъз айтиш учун бошқа жойларга боришган (Римликлар 10:14–15), оқсоқоллар эса жамоа орасида бўлишган (Титус 1:5).

Худо Каломини садоқат билан ваъз қиладиган воизни, одатда, жамоа ва бошқа оқсоқоллар “етакчи” деб қабул қиладилар ва ҳар томонлама ҳурматга лойиқ, деб биладилар (1–Тимотий 5:17). Лекин воиз ёки чўпон ҳам бошқа барча оқсоқоллар сингари жамоа томонидан шу вазифага тайинланган бошқа одамлар билан расман тенгдир.

Оқсоқолларнинг имтиёзлари

Чўпон сифатидаги шахсий тажрибам маҳаллий жамоатда чўпонлик қилиш масъулиятини, иложи борича, жамоада илдиз отган бошқа кишилар билан баҳам кўриш Янги Аҳдга хос самарали усул эканини тасдиқлади.

Жамоатга тегишли, аммо барча жамоат аъзоларининг иштирок этишини талаб қилмайдиган қарорлар ёлғиз чўпон томонидан эмас, балки барча оқсоқоллар билан биргаликда чиқарилиши лозим. Бу нарса баъзида қийинроқ бўлиши мумкин, лекин фойдаси катта бўлади. Бундай ёндашув чўпоннинг инъомларини ривожлантиради, камчиликларини тўлдиради ва қарор қабул қилиш қобилиятини кучайтиради. Бу усул қарор қабул қилишда жамоанинг қўллаб-қувватлашини оширади, яқдил бўлишга ёрдам беради ва

етакчиларни ноҳақ танқидлардан сақлайди. Бундай тартиб етакчилиқни янада барқарор ва мустаҳкам қилади ҳамда етуклиқни таъминлайди. Бу эса жамоатнинг ўз руҳий ҳолати учун масъулиятни бўйнига олишга ва ходимларга бўлган ортиқча боғлиқлигини камайтиради.

Оқсоқолларни кўпайтириш амалиёти бугунги кунда Баптистлар орасида унчалик кенг тарқалмаган, аммо Баптистлар ҳамда бошқа кўплаб жамоатлар орасида бу амалиётга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда ва бунга асосли сабаблар бор. Бу амалиёт Янги Аҳд давридаги жамоатлар учун қанчалик зарур бўлган бўлса, ҳозирги жамоатлар учун ҳам шундай зарурдир.

Диаконлар-чи?

Кўплаб замонавий жамоатлар оқсоқолларни жамоат ходимлари ёки хизматчилар (диакон) билан адаштирадilar. Бироқ, Ҳаворийлар 6–бобда кўрганимиздек, хизматчи (диакон) ҳам Янги Аҳдга хос вазифа ҳисобланади. Гарчи бу икки лавозим ўртасидаги фарқни аниқ айтиш мушкул бўлса-да, хизматчилар (диаконлар) одатда жамоат ҳаётининг амалий масалалари, масалан, бошқарув ишлари, жамоат биносини таъмирлаш ҳамда жамоат аъзоларининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланадилар. Бугунги кундаги кўплаб жамоатларда хизматчилар (диаконлар) ё руҳий назоратчилиқни ўз зиммаларига оладилар, ёки бу ишни тўлалигича бошқа бир инсонга, яъни чўпонга топширадilar. Жамоатлар оқсоқоллик ва хизматчилиқ (диакон) вазифаларини яна қайтадан аниқлаштириб

олишлари фойдали бўлади. Жамоатларга ҳар иккала турдаги хизмат керак эмасми?

Машаққат ва имтиёзни биргаликда баҳам кўриш

Чўпон сифатида, мен Каломда кўрсатилган *оқсоқоллик* вазифасини бажараман, яъни асосий воизман. Лекин жамоатни мустаҳкамлаш учун оқсоқоллар гуруҳи билан биргаликда ишлайман. Уларнинг айримлари ходим сифатида хизмат қилишади, лекин кўпчилиги ходим эмас. Биз биргаликда ибодат қилиш, хизматчилар ёки бутун жамоат учун тавсиялар тузиш мақсадида мунтазам равишда бирга йиғилиб, ибодат қиламиз. Бу одамлар мени ва бутун жамоани севиб, чўпонликнинг машаққати ва имтиёзини баҳам кўришларини сўз билан ифодалаш қийин. Мен бу ҳамкасб хизматдошларим учун Худога доим шукур айтаман.

Оқсоқоллик – Каломда берилган, амалий қадр-қимматга эга гоя эканлигига шубҳа йўқ. Агар бу гоя жамоатларимизда жорий қилинса, чўпонларнинг зиммасидаги юк енгиллашади ва ҳатто жамоатларни чўпонларнинг майда золимона ҳукмронлигидан халос қилиш орқали уларга катта ёрдам берган бўларди. Қолаверса, оқсоқоллар масаласида Павлус санаб ўтган сифатлар ичида таълим бериш қобилиятидан ташқари ҳар бир имонли интилиши лозим бўлган сифатлар ҳам бор (1–Тимотий 3; Титус 1). Айрим шахсларни омманинг олдида намунали деб эътироф этиш бошқа имонлиларнинг, айниқса, имонли эркакларнинг ўрناق бўлишига ёрдам беради. Дарҳақиқат, тақводор, фаросатли ва ишончли жамоат аъзоларини оқсоқол сифатида тан олиш соғлом жамоатнинг яна бир белгиси ҳисобланади.

ИБОДАТ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА ВА УНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

Бир куни бир дўстимнинг ибодатни “ҳақиқат ҳужуми” деб атаганини эшитиб қолдим. У бу гапи билан ибодат орқали биз ўзимизга асл ҳақиқат нима эканини эслатишимизни назарда тутганди. Ҳаворийлар 4–бобда имонлилар буни қандай қилганларини эсланг. Олий Кенгаш Петрус ва Юҳаннони имонлари учун сўроқ қилаётган эди. Лекин улар ибодат орқали Худо барча ҳокимиятлар устидан ҳукмрон эканини эсга олишди.

Ўша имонлилар қилганидек, бугунги кунда бизга ҳам худди шундай “ҳақиқат ҳужуми” керак. Дунё бизнинг имонимиздан тобора кўпроқ нафратланмоқда, биз эса абадий ҳаётга умид қилар эканмиз, Худога ва Унинг иноятига янада кўпроқ муҳтож бўлган гуноҳкорлар бўлиб қолаверамиз. Бу ташвишлар ўртасида ҳам ибодат бизга сўнгги сўзни Худонинг ҳақиқати айтишини эслатиб туради.

Бу эса бизни ушбу бобдаги мавзуимизга олиб келади. Ибодат ҳақида Каломга хос тушунча ва уни амалда қўллаш

қандай қилиб соғлом жамоатни белгилайди? Бу ерда биз асосан биронта имонлининг ҳаётидаги ибодат эмас, балки бир жойга йиғилган жамоат доирасидаги ибодат ҳақида гаплашамиз.

Ибодат нима?

Мен ибодатнинг шунчалик кўп таърифини эшитганманки, уларнинг ҳаммасини санаб бериш қийин. Бизнинг мақсадимиз учун мен шунчаки ибодат – Худо билан гаплашиш эканини айтаман. Одамлар бу “суҳбатни” сано айтиш ёки ёзиш орқали амалга оширишлари мумкин. Биз буни овоз чиқармасдан ўйлаш орқали ҳам қилишимиз мумкин, ҳатто баъзи нарсаларни сўз билан ифода этиш қийин бўлиши ҳам мумкин (Римликлар 8:26). Лекин одатда ибодат – Каломда таърифланганидек, гаплашишдир, худди Забур саноларида Довуд қилганидек ёки Йонаҳ наҳангнинг қорнида қилганидек. Худо Ўз азизларининг ибодатларини қадрлайди. Ибодат – Худо учун хушбўй тутатқи сингаридир (Ваҳий 5:8).

Бошқа томондан, ибодат – борлиқдаги қандайдир сирли куч эмас. Ибодат – ғайриоддий кучга уланиш эмас, яъни “имон билан” ибодат елканини пуфлайдиган шамолга ўхшамайди. Ибодат – коинотдаги сунъий йўлдош эмас, восита шакли ҳам эмас, ўз-ўзига гапириш ҳам эмас. Ибодат – Худо билан гаплашишдир. У ишлайди, чунки Каломда ёзилган Худо ҳақиқий бўлиб, У чиндан ҳам эшитади.

Ибодат ҳар қандай жойда, исталган пайтда, ҳар ким томонидан қилиниши мумкин. Шуни айтиш керакки, Худо барча ибодатларни эшитса ҳам, У фақат айрим ибодатларни

эшитади. Бу билан нима демоқчиман? Худо ҳар бир ибодатни эшитади, чунки У ҳар ерда мавжуд ва ҳамма нарсани билади. Биз ҳали айтмасимиздан олдин У нима дейишимизни билади.

Бироқ шундай вазиятлар ҳам борки, Худо фақат айрим ибодатларни эшитади. Биз гуноҳқормиз, Худо эса муқаддас. Унга ибодатларимизни етказиш учун бизга воситачи керак. Шунинг учун Худо Ўз азизларининг ибодатларини Масиҳнинг воситачилик иши орқали эшитишни ва жавоб беришни ваъда қилган. У Ўз фарзандларининг ибодатларига жавоб беришдан мамнун бўлади.

Бизни Ўзининг суратида яратган Худо бизнинг Унга гапиришимизни эшитишни хоҳлаши нақадар ажойиб экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Фикр ва сўзларни жамлаб, уларни Худога айтиш орқали биз Унга тақлид қиламиз, чунки У ҳам бизга гапиради. Худо билан гаплашиш – У билан муносабатда бўлиш йўлидир. У бизга Каломда Муқаддас Руҳи орқали гапиради. Биз Уни тинглаймиз ва ибодат орқали жавоб қайтарамиз. Бу муносабат ўйлаб топилган диний тизимдан бутунлай бошқача. Яратувчимиз билан бўлган муносабатимиз – бизда бўлиши мумкин бўлган энг ҳақиқий ва чуқур муносабатдир. Ибодат – ана шу муносабатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маҳаллий жамоат сифатида биргаликда қандай ибодат қилиш керак

Хўш, агар ибодат – Худо билан гаплашиш бўлса, унда жамоат сифатида биргаликда қандай ибодат қиламиз? Вашингтондаги жамоатимизга биринчи маротаба ташриф

буюрувчилар, кўпинча, биргаликда ибодатга кўп вақт сарфлашимиз ва бошқалар ибодат қилаётганида, жим ўтиришимиз ҳақида гапиришади. Бунинг ҳайратланарли жойи йўқ. Илк масиҳийлардан тортиб, то ҳозирги кунгача жамоатлар доимо биргаликда ибодат қилиб келишган. Бу қоида Янги Аҳдда белгилаб қўйилган (Ҳаворийлар 1:14; 2:42). Янги Аҳдда масиҳийлар қилган ибодатларнинг бир қатор кўриниши – ичкарида ёки ташқаридаги, кун ва туннинг турли пайтларидаги, баъзан санолар билан, баъзан рўза тутиш билан, баъзида тиз чўкиб, баъзида кўзлар юқорига қараган ёки қўллар кўтарилган ҳолдаги ёки кимнингдир устига қўл қўйган ҳолатлар тасвирланган. Бу турли кўринишдаги ибодатлар Муқаддас Китобнинг ҳар қандай шароитда тинмасдан ибодат қилиш (1–Фессалоникаликлар 5:17) амрини ҳар хил ҳолатларда амалга оширишни кўрсатади. Менимча, бу хилма-хилликни маҳаллий жамоатлардаги ибодат амалиётига ҳам татбиқ қилишимиз лозим.

Энди ҳар бир жамоат учун фойдали бўлган баъзи жиҳатларни кўриб чиқайлик.

1. **Жамоатнинг умумий ибодатга асосланган ҳаёти аъзоларнинг шахсий ибодатга асосланган ҳаётидан келиб чиқиши керак.** Ибодатнинг барча асосий жиҳатлари, яъни Худони Худо эканлиги учун улуғлаш, қилган ишлари учун Унга миннатдорчилик билдириш, гуноҳларимизни тан олиш ҳамда Ундан ёрдам сўраш шахсий ҳаётда ҳам, жамоат йиғилишларида ҳам бўлиши лозим. Ахир, биз омма олдида ҳам, ёлғиз қолганимизда ҳам ўша Худого ибодат қиламиз-ку. Шунинг учун жамоатлар ўз аъзоларига якшанба

кунидаги умумий ибодатлардан фойдаланган ҳолда ибодат қилишни ўргатишлари керак. Қолаверса, ушбу умумий ибодатлар аъзоларнинг ҳафта давомида қилган ибодатларини акс эттириши лозим.

2. **Айрим сўзлар жамоатни умумий ибодатда яхши бошқариш учун фойдали бўлиши мумкин.** Умумий ибодат қилаётганимизда, биз шунчаки шахсий ибодат қондасини бажараётганимизни эмас, балки бутун гуруҳни Худонинг ҳузурига етаклаётганимизни ёдда тутишимиз керак. Шунинг учун ибодатларимизда, “мен” ёки “менга” деган сўзларнинг ўрнига “биз” ёки “бизга” деган сўзларни ишлатишимиз лозим. Бундай ёндашув умумий ибодатга хос жиҳатни яхшироқ ифодалайди. Агар “биз” деб ибодат қилаётган кишининг қўллари жамоа томон узатишга ҳолда бўлса, жамоа гўё ибодатчининг қўллари ушлагандек ибодат охирида “Омин” дейди. Биз “Омин” деганимизда, бу ибодат бизнинг ҳам ибодатимиз эканини тасдиқлаган бўламиз. Ҳамманинг “Омин” дейиши ибодатнинг умумий эканини билдиради.

3. **Маҳаллий жамоат сифатида турли умумий ибодатлар бизга ёрдам беради.** Менинг жамоатим турли хил ибодатлар, яъни узун ва қисқа, режалаштирилган ёки тасодифий ибодатлар яхшироқ ибодат қилишга ёрдам беришини англаб етган. Узундан узун қилинган ибодатлар бизга Худонинг сифатлари, Унинг бизга бўлган эзгулиги, гуноҳларимиз ёки муҳтожликларимиз ҳақида,

қолаверса, бошқа жойларда амалга оширилаётган Хушхабар ишлари ҳақида эътибор ва ҳурмат билан фикр юритиш имконини беради. Бошқа томондан, қисқа ибодатлар кўпроқ мослашувчан бўлиб, ҳозиргина эшитган нарсаларимиз, масалан, эчилик хизматининг фаолияти ёки янги жамоат барпо қилиш ҳақидаги янгиликка муносабат билдириш имконини беради. Хуллас, ибодат қилишнинг қатъий белгиланган усули йўқ, кўпинча, турли усуллари қўллаш фойдали бўлади.

- 4. Ибодат нафақат жамоатдаги хизматларимизда, балки оқсоқоллар йиғинида, ходимлар йиғилишида ҳамда ўзаро муносабатларимизда ҳам ўзига хос бўлиши лозим.** Жамоатингизда одамларнинг сиз учун ибодат қилаётганини ёки биргаликда ибодат қилиш учун гуруҳларда йиғилаётганини эшитиш ноодатий ҳол бўлмаслиги керак. Турли йиғилишларимиз ибодат қилишга вақт ажратиш учун ажойиб имконият яратиши мумкин. Ибодатларимиз жамоатимиз ҳаётида алоҳида ажралиб туришини истаймиз. Бу эса ҳар гал бирга тўпланганимизда биргаликда ибодат қилишимиз кераклигини аңлатади.

Хулоса

Жамоат сифатида биргаликда ибодат қилиб ўтказган вақтимиздан Худо қандай фойдаланиши ҳақида озгина бўлса ҳам тушунчага эга бўлдингизми?

Ўтган йиллар давомида жамоатимиз одамларга қандай ибодат қилишни ўргатгани учун бир қанча одамлар менга миннатдорчилик билдиришган. Эҳтимол, улар фарзандларига ибодат ҳақида ўргатишда якшанба оқшомида бўладиган ибодат йиғилишларимиздан ўрганганларини эсга олишгандир. Ёки бўлмаса, улардан оммавий йиғинларда ибодат қилишни сўрашгандир ва якшанба кунги йиғилишда чўпоннинг қилган ибодати уларга ўрнак бўлгандир. Эҳтимол, улар руҳий қурғоқчиликда яшаб, якшанба тонгда бўладиган ибодат йиғилишларимиз тақдим этадиган вақтни ташналик билан кутишгандир. Мана шундай гувоҳликларни жуда қадрлайман.

Ибодатли ҳаёти билан машҳур бўлган жамоат ўзини эмас, балки Худони тарғиб қилади. Ҳар гал ибодат қилганимизда, ўзимизни нолайиқ эканимизни англаб етамиз. Биргаликда ибодат қилганимизда, биз масиҳийлик ҳақидаги сохта ва нотўғри ғояларни йўқ қиламиз. Худога муҳтож эканимизни эълон қилиш орқали биз Хушхабарни бугунги кунда кенг тарқалган “иҷобий эътироф” ҳақидаги сохта таълимотдан ажратган бўламиз. Ибодат орқали биз Масиҳдаги севги орқали бизга ғамхўрлик қилган Худони улуғлаймиз. Бу билан Худо – бизнинг умидимиз эканини кўрсатамиз. Ибодатларимиз биз Худога тобе эканимизни ҳамда Худонинг ҳеч кимга тобе эмаслигини кўрсатганида, бизнинг ибодатларимиз олқишга айланади. Мана шундай ибодатлар соғлом жамоатни белгилайди.

ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ БЎЙИЧА КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУШУНЧА ВА УНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

Катта ва тез нарсалар ҳамиша кичик ва секиндан яхшироқми?

Қачонлардир таъми яхши ва фойдали таъсир қиладиган ажойиб ичимлик бўларди. Ана шу ичимлик бошқа давлатда намоиш этилганда ҳаммага маъқул бўлди. Ичимлик мазали ва фойдали эди. Айрим ишбилармон маслаҳатчилар бу ичимлик ҳақида хабар топиб, ундан яхшигина даромад қилиш мумкинлигини англадилар. “Бу ажойиб ичимликни кўпроқ инсонлар татиб кўришларини, сиз эса ундан яхшигина даромад қилишни истамайсизми?” деб сўрашди улар компания раҳбаридан. “Албатта, хоҳлайман!” деб жавоб берди раҳбар. “Бу ёғини бизга қўйиб беринг”, дейишди маслаҳатчилар.

Бир неча ҳафта ичида бу ичимлик мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида сотувга чиқди. Ичимлик ҳақидаги реклама оммага намоиш этилишидан олдин у ҳақда гап-сўзлар тарқалди. Бироқ, ичимлик сотувга чиқиши билан одамлар норозилик билдира бошладилар. Ичимлик ёмон эмасди, лекин одамларнинг умидини оқламади.

Одамларнинг салбий фикрлари компания эгасини саросимага солиб қўйди. Илгари унинг маҳсулотлари ҳеч қачон уялтирмаган эди. У шошиб омборга борди ва ичимликлардан биттасини олиб, ичиб кўрди. “Бу мен реклама қилган ичимлик эмас!” деди у ҳайрат билан. Аслида, тарғиботчилар кўпроқ ва арзонроқ сотиш мақсадида ичимликнинг таркибини ўзгартирган эдилар. Компания эгаси ҳаммасини изга солишга уринганида, энди кеч бўлганини англаб етди. Маслаҳатчиларнинг арзон ичимлик ишлаб чиқаришига ва сотишига тўсқинлик қила олмади. Энг ёмони, ўзи ишлаб чиқарган ҳақиқий ичимликни ичиб кўришга одамларни ишонтира олмади, чунки улар аллақачон арзон ичимликни ичиб кўришган эди.

Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни бошқа жойларга етказмоқчи бўлган ҳар бир элчи мана шундай тўсиққа дуч келади, чунки ундан аввал келганлар нотўғри суғориб, аллақачон ҳосилга шикаст етказганини кўради. Эҳтимол, ундан аввал яхши ниятда келганлар нотўғри суғорган бўлишлари мумкин. Ишбилармон маслаҳатчилар сингари, улар ҳам Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарнинг қабул қилинишини ва ёйилишини осонлаштира оламиз, деб ўйлаган бўлишлари мумкин.

Мисол учун, “масиҳий” жамоатлар ва “масиҳий” миссиялар жуда кўп ҳолларда Масиҳ орқали Худо одамларни қандай қутқариши ҳақида адашганларга айтиш учун нажот топганларни юбориш ўрнига, бу динни қабул қилиш учун нималар қилиш кераклигини одамларга етказиш учун адашган одамларни ишга қабул қилишади.

Ишончим комилки, соғлом жамоатнинг белгиларидан бири – бумиссияларни Каломга асосланган ҳолда тушуниш ва уни амалда қўллашдир. Бу бобда мана шу икки нарсани кўриб чиқамиз. Сиз бунини ўқиётганингизда, Буюк Топшириқни берганда Худо маҳаллий жамоат учун нимани назарда тутганини тушунишингиз учун Унинг Ўзи ёрдам берсин, деб дуо қиламан.

Жамоатлар миссиялар ҳақида нималарга ишонишлари керак?

Миссия сўзи Каломда учрамайди, аммо у Каломга асосланган ғоядир. Бу сўзни биз Хушхабар тарқатиш ҳамда ўзга юртларда, айниқса, бошқа минтақадаги бошқа тилларда сўзлашадиган жойларда жамоат барпо қилиш учун ишлатамиз. Гарчи Хушхабар тарқатиш учун *Хушхабарчилик* сўзидан фойдалансак ҳам, *миссиялар* – Хушхабар етиб бормаган жойларга Хушхабар етказиш ҳамда ўша жойларда жамоат барпо қилишни англатади. Миссиянинг мақсади – “инсоният табиатини ўзгартиришдир”.³ Бу ўзгартириш қандай амалга оширилади? Кўпроқ одамларни Худо билан яраштириш орқали.

Ярашув ҳақидаги бу хабар – Муқаддас Китобнинг асосий хабаридир. Муқаддас Китоб бутун борлиқ миқёсида бошланади. У бутун оламни қамраб олади. Худо мукамал дунёни яратди, лекин инсоният гуноҳга йўл қўйган бўлса ҳам, Худо уларни қутқаришга ваъда берди. Худонинг

3 Росария Баттерфилд, *Ўсқинликсиз меҳмондўстлик* (Питтсбург, ПА: Crown & Covenant, 2015), 18–бет; [Rosaria Butterfield, *Openness Unhindered* (Pittsburgh, PA: Crown & Covenant, 2015), 18.

қутқариш режаси Ироқда яшаган Ибром исми мажусий инсондан бошланади. Худо кейинчалик исми Иброҳим деб ўзгартирилган Ибромга ер юзидаги барча халқлар унинг насли орқали барака топишини айтди. Мана шу битта ваъда бутун Эски Аҳднинг йўналишини белгилади, Худо Иброҳимдан келиб чиққан халқни, яъни Исроилни бутун дунёга барака манбаи қилиб марҳаматлади. Қандай қилиб Худо Исроил орқали бутун дунёни баракалайди? Худонинг нажоти “замин ҳудудларигача етиб бориши” (Ишаъё 49:6) учун Яҳудийлар орасидан чиққан қутқарувчини юбориш орқали. Бу қутқарувчи – хочга михланган ва дунёнинг Қутқарувчиси сифатида ўликдан тирилган Исо Масихдир. Ўз ўлими ва тирилиши орқали ғалаба қилганидан кейин Исо шогирдларига шундай кўрсатма берган:

Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият Менга берилган. Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириб, Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар. Мана, то дунёнинг охиригача ҳар куни Мен сизлар билан биргаман. (Матто 28:18-20)

Исо Ўз шогирдларига барча халқлардан шогирд орттиришни буюрди. Бу иш осон ва тез бўлмайди. Бироқ Исо қанча вақт керак бўлса, ҳатто дунёнинг охиригача улар билан бирга бўлишни ваъда қилди.

Исо илк бор ушбу буйруқ ва ваъдани берганида, шогирдлар бу Хушхабарни эшитишни истаган одамларга

айтишни бошладилар. Натижада, бутун дунё бўйлаб жамоатлар пайдо бўлди. Лекин Хушхабар етиб бориши қийин бўлган жойлар ҳам бор эди. Шунинг учун жамоатлар Худо берган имконият даражасида Хушхабарни тарғиб қилиш хизматини давом эттирмоқда.

Миссияда жамоатлар нималарни амалга оширишлари керак?

Миссия ишида жамоатлар қандай қилиб ўз ҳиссасини қўшишилари лозим? Келинг, маҳаллий жамоатингиз Каломга асосланган элчилик фаолиятига амал қилиши мумкин бўлган етти та усулни кўриб чиқайлик.

- 1. Худонинг Каломи ва Худонинг олами ҳақида ўрганинг.** Жамоат элчи юборувчи жамоатга айланишининг асосий йўли – Худо Каломини ваъз қилишдир. Бизнинг ваъзларимиз Масиҳнинг ўлими ва тирилишининг марказий ўрнини ифодалаши лозим. Қолаверса, Масиҳнинг қилган иши фақат бизнинг шахримиз, бизнинг халқимиз ёки давлатимиз учун эмас, балки бутун дунё учун эканини ҳам тушунтиришимиз керак (Ваҳий 5:9). Ҳар якшанбада Хушхабарни шундай етказишимиз керакки, Масиҳга ишонмаган одамлар Масиҳга имон келтирсин ва имондилар руҳан ўссин.
- 2. Хушхабар бошқа жойларга ҳам етиб бориши учун ибодат қилинг.** Хушхабар нафақат ваъзларимизда, балки ибодатларимизда ҳам асосий ўринда туриши керак. Шахсий ибодатлардан тортиб, якшанба кундаги

умумий ибодатларда ҳам бу миссияда бизни қандай ишлатишини англашимиз учун Худодан донолик сўрашимиз лозим.

3. **Жамоатингизни Хушхабар тарқатишда янада самарали жамоат бўлишини режалаштиринг.** Жамоатингиз Хушхабарни тарғиб қиладиган бошқа жамоатлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин, шунда сизнинг жамоатингиз етиб бориши қийин бўлган жойларга ҳам Хушхабарни етказиш мумкин бўлади. Халқаро жамиятларни, шаҳрингиздаги жамоатлар мавжуд бўлмаган жойларни ёки университет ётоқхоналари жойлашган ҳудудларни кўриб чиқинг. Бошқа жамоатлар билан ҳамкорлик қилиш ушбу ҳудудларда Хушхабар тарқатишда қандай ёрдам бериши мумкин? Ҳудудингизда Хушхабар тарқатишнинг яна бир йўли – жамоатингиз аъзоларини ўз жамоасига хизмат қилиш учун вақти ва имкониятини ишга солишга ҳамда бошқаларга Хушхабар етказишга ундашдир.
4. **Худонинг номи учун йўлга чиққан ва ўзини таъминлай олмайдиган ёхуд ўзини таъминламаслиги лозим бўлганларни қўллаб-қувватланг (3–Юҳанно 7).** Коринфликларга хизмат қилган Павлусни қўллаб-қувватлаган Филиппиликлар сингари, бугунги кунда элчилик қилиш хизматида юрганларни қўллаб-қувватлаш биз учун бурч ва шарафдир. Ибодат ва ақл-идрок орқали, саховат ва қувонч билан, жамоатлар Хушхабар етиб бормаган

жойларга бораётган элчиларни юборишлари ҳамда ибодат ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари керак.

5. **Хушхабарга муҳтож олис ҳудудларда жамоатлар барпо қилишда ёрдам бериш учун чўпонлар ва бошқаларни юборинг.** Дунёга Хушхабар етказиш бўйича Калом кўрсатган намуна – воизларни юбориш ва жамоатлар барпо қилишдир. Жамоат барпо қилишга асосланган миссия самарасиздек кўриниши мумкин, лекин Ваҳий 7–бобдаги Қўзининг тахти атрофида йиғилган одамларни айнан шу йўл билан тўплаймиз. Шунинг учун жамоатлар ўз аъзоларини даъват қилиши, чўпонларни тайёрлаши ва уларни Хушхабар тарғиб қилиш учун юбориб, уларни қўллаб-қувватлаши керак.
6. **Ўзингиз юборган одамларга ғамхўрлик қилинг.** Агар ўзимиз қўллаб-қувватлаётган хизматчиларнинг аҳволини билмасак, уларга яхши ғамхўрлик қила олмаймиз. Павлус буни яхши билгани учун ўзи Хушхабарни тарқатган ҳар бир шаҳарга бориб, уларнинг ҳолидан хабар олган (Ҳаворийлар 15:36). Шунинг учун жамоатингиз қўллаб-қувватлаётган одамлар билан алоқада бўлиб туриши муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг аҳволини билиш уларнинг муҳтожликларида қандай ёрдам бериш мумкинлигини аниқлашда ёрдам беради.
7. **Содиқ гувоҳнинг пайдо бўлишини кутинг ва юборилганларга бардош беришга ёрдам беринг.**

Биз хизматчиларимизнинг садоқат билан хизмат қилишини истаймиз. Уларга ёрдам беришнинг ягона йўли – уларни Хушхабарни қабул қилувчиларнинг сонини кўпайтиришга мажбур қилмасликдир. Элчилик ишларида кўпинча бир неча йиллик машаққатли хизматдан кейингина ҳосилни кўришимиз мумкин. Шунинг учун жамоатингиз ҳамда юборилган хизматчилар ўртасидаги ҳамкорлик сабр-тоқатга ҳамда Хушхабарни садоқат билан ваъз қилишга бағишланган муносабатга асосланиши керак.

Хулоса

Қайсидир маънода, элчилик ишлари – соғлом жамоатнинг барча белгиларини акс эттирадиган жойдир. Бир марта мен ёпиқ мамлакатда хизмат қилаётган элчилардан уларга қандай ёрдам беришим мумкинлигини сўраганман. Улар менга шундай жавоб берган: “Жамоатингизни соғлом қилиш устида ишланг ва шунга ўхшаш кўпроқ жамоатлар барпо қилинг, чунки агар шундай қилмасангиз, бизга ўхшаган элчиларни юборадиган жамоат қолмайди!” Ахир, биз Худо ва бошқаларни шундай севамиз, тўғрими? Соғлом жамоатлар Хушхабарни дунё бўйлаб тарқатади ва кўпроқ жамоатлар барпо қилади.

Шундай қилиб, соғлом маҳаллий жамоатга масъулиятли аъзо бўлиш – Каломга асосланган миссияни тушуниш ва бажариш сари қўйилган илк қадамдир.

ХУЛОСА

ШИНА ЙЎЛ БИЛАН ТЎҚНАШГАНДА

(назария амалиётга тақдим этилганида)

“Мен кўп бора бу жамоатдан кетишни истаганман ... бу ерда фақат гуноҳга қарши курашиш ҳамда бошқаларга хизмат қилиш ҳақида гапирилади; гуноҳ қилиб юрган одамлар мендан ҳисоб сўрайди.” Жамоатимиздаги бир оқсоқол яқинда менга шу гапларни айтди.

У сўзини давом эттириб, яна шундай деди: “Лекин мен айнан мана шу нарсa муҳим эканини тушундим, чунки мен ҳали ҳам гуноҳкор эканман ва гуноҳдан озод бўлишни истаيمان. Менга жавобгарлик, ўрнатқ, ғамхўрлик, севги ва эътибор керак. Жисмим буларнинг барчасидан нафратланади! Лекин, агар булар бўлмаганда эди, эҳтимол, мен хотиним билан ажрашган бўлардим, кейин иккинчиси билан, ундан кейин учинчиси билан ҳам ажрашиб кетган бўлардим ва ҳеч қачон фарзандларим билан бирга яшамаган бўлардим. Худо менга нисбатан иноятини ва ғамхўрлигини жамоат орқали кўрсатади.”

Соғлом жамоатлар, яъни Муқаддас Китобда очиб берилган Худонинг сифатларини тобора кўпроқ акс эттираётган жамоатларда бўлиш ҳар доим ҳам осон бўлмайди.

Ваъзлар узоққа чўзилиши мумкин. Талаблар юқори бўлиши мумкин. Гуноҳ ҳақидаги суҳбатлар кўпчиликка ёқмаслиги мумкин. Муносабатлар баъзида назоратдек туюлиши мумкин. Аммо тобора кўпроқ ибораси – калит сўз ҳисобланади. Агар биз Худонинг сифатларини тобора кўпроқ акс эттираётган бўлсак, шахсий ҳаётимизда ҳам, жамоавий ҳаётимизда ҳам Худонинг сифатларини тўлиқ акс эттирмаётган жиҳатларимиз борлигини тан олишимизга тўғри келади, чунки кўзгудаги доғлар тозаланиши, ойнадаги қийшиқ жойлари сайқалланиши лозим. Бунинг учун анча тер тўкишга тўғри келади.

Худо Ўз меҳр-шафқати билан бизни яқдиликда ҳаёт кечиришга чақирган, чунки севгига ва ғамхўрликка асосланган ўзаро муносабатимиз Худонинг севгиси ва ғамхўрлигини акс эттиради. Бу дунёда муносабатлар садоқатни талаб қилади. Худди шундай, жамоатда ҳам садоқат талаб қилинади. Худо бизнинг руҳан ўсишимизни кимсасиз оролда яшагандек, ёлғиз ҳолда эмас, балки бир-биримиз орқали ва орамизда бирлик бўлиши орқали амалга ошишини истайди.

Шунда соғлом жамоат қувончга тўладими? Албатта, тўлади! Ҳақиқий ўзгаришдан қувончга тўлади. Занжирлар узилганидан қувончга тўлади. У аҳамиятли ва ҳақиқий бирдамликдан – ўз манфаати учун эмас, умумий нажот ва саждага асосланган бирдамликдан қувонади. У Масиҳнинг севгисини кўрсатишдан ва қабул қилишдан қувончга тўлади. Энгажойиби–у “Раббимизнинг шуҳратини” ҳамда “шуҳратдан шуҳратга, худди ўша тасвирга ўзгараётганларини” акс эттираётганидан қувончга тўлади (2–Коринфликлар 3:18).

Учинчи амрда (Чиқиш 20:7; Қонулар 5:11) Худо Ўз халқини Худонинг исмини беҳуда тилга олмаслик ҳақида

огоҳлантирган. У шунчаки ҳақоратли сўзлар айтмасликни назарда тутмаган. Қолаверса, ҳаётимиз орқали У ҳақда нотўғри гувоҳлик беришдан бизни сақлаш учун Унинг исмини беҳуда тилга олмаслик ҳақида огоҳлантирган. Жамоат сифатида, бу амр бизга ҳам тегишли.

Ҳозирги жамоатларнинг аксарияти бузилган. Биз ўз нафсимиз манфаатини руҳий ўсиш деб ўйлаймиз. Оддий ҳис-туйғуларни ҳақиқий сажда сифатида қабул қиламиз. Биз илоҳий тасдиқдан кўра, дунёвий тасдиқларни маъқул кўрамыз, аслида Худонинг тасдиғи одатда дунёнинг қаршилигига учраётган ҳаётга берилади. Уларнинг статистик кўрсаткичларига қарамасдан, бугунги кунда жуда кўп жамоатлар Каломга асосланган тирик ва ўсиб бораётган жамоатни белгиловчи аломатларга эътибор бермай қўйган.

Жамоатнинг соғломлиги барча масиҳийларни, айниқса, жамоатда етакчи бўлишга даъват қилинганларни ташвишлантириши керак. Бизнинг жамоатларимиз Худони ҳамда Унинг улўғвор Хушхабарини бутун борлиққа намоён этиши лозим. Биз умумий ҳаётимиз орқали Унга шон-шухрат келтиришимиз керак. Буни кўрсатиш вазифаси – катта масъулият ва беқиёс шарафдир.

Шунинг учун мавзунини бошлаган жойимизга қайтамыз. Сиз жамоатдан нима излаяпсиз? Сизни ва жамиятингизни қадрлайдиган жамоат излаяпсизми ёки бу дунёдан фарқ қиладиган, улўғвор Худонинг сифатларини акс эттирадиган жамоат излаяпсизми? Ушбу иккита вариантдан қай бири зулатда адашганларга “тепалиқда порлаган нур” бўлиб хизмат қилади?

Кўпроқ ўрганиш учун ...

Тўққизта белги ҳақида батафсил маълумот олиш учун “Соғлом жамоатнинг тўққизта белгиси” (Crossway, 2020) китобининг тўлиқ нашрини ўқинг [*Nine Marks of a Healthy Church*]. Соғлом жамоат барпо қилиш бўйича амалий қўлланма сифатида Пол Александр билан биргаликда ёзган “Қандай қилиб соғлом жамоат қуриш керак: Режалаштирилган етакчилик учун амалий қўлланма” китобини ўқинг [*How to Build A Healthy Church: A Practical Guide for Deliberate Leadership*]. Жамоат тузилмаси, айниқса, аъзолик, оқсоқоллик, хизматчилик ҳамда конгрегационализм ҳақида батафсил маълумот олиш учун “Жамоат етакчилигини тушуниш” (9 белги, 2016) китобини ўқинг [*Understanding Church Leadership*]. Ниҳоят, жамоат ҳаётига оид мақолалар, аудио ваъзалар, китоблар ва электрон дарсликлар ҳамда “9 белги” каби бир қатор китобларни топиш учун www.9marks.org веб саҳифага киришингиз мумкин.

Ўқувчилар учун эслатма

Агар бу китобда берилган маълумотлардан илҳом олган бўлсангиз, чўпонларингизга ўзгаришни таклиф қилишда эътиборли бўлинг. Ибодат қилинг, хизмат қилинг, далда беринг, ўз турмуш тарзингиз билан ўрнатилган кўрсатинг ва сабрли бўлинг. Соғлом жамоат муайян кўринишдаги бино эмас, балки тўғри муносабат қила оладиган одамлардир. Севги эса, одатда, бизга ёқмайдиган вазиятларда ҳақиқатдан намоён бўлади. Шунчаки, Масихда бизга қандай севги кўрсатишгани ҳақида ўйлаб кўринг!

Чўпонга эслатма

Агар бу китобда берилган маълумотлардан илҳом олган бўлсангиз, ўзгариш ҳақида жамоатингизга айтишда эҳтиёт бўлинг. Сабр қилинг, одамларга севги кўрсатинг ва Каломни ваъз қилинг.

ИЛОВА

СОҒЛОМ ЖАМОАТНИНГ ОДАТИЙ АҲДИ

Худонинг инояти туфайли тавба қилиб, Раббий Исо Масиҳга имон келтирганимизда, ўзимизни Унга топширганимизда ҳамда Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмиб, имонимизни эътироф этганимизда, Унинг марҳаматига суянган ҳолда, бир-биримиз билан қилган аҳдимизни хурсандчилик ва тантанали равишда янгилаймиз.

Биз тинчлик риштаси орқали Руҳнинг бирлигини сақлаш учун меҳнат ва ибодат қиламиз.

Масиҳий жамоатнинг аъзоси бўлиш орқали биз биродарларга хос севги билан биргаликда қадам ташлаймиз; бир-биримизга меҳр билан ғамхўрлик қиламиз ва эътиборли бўламиз, керак бўлса, садоқат билан танбеҳ бериб насиҳат қиламиз.

Йиғилишларимизни қолдирмаймиз ва ўзимиз учун ҳам бошқалар учун ибодат қилишдан тўхтамаймиз.

Раббимизнинг тарбияси ва насиҳатлари билан қарамоғимизда бўлганларни доимо тарбия қиламиз, соф ва меҳрли ўрнатилган кўрсатиш орқали оиламиз ва дўстларимизни нажот томон етаклаймиз.

Бир-биримизнинг хурсандчилигимиздан қувонамиз, мулойимлик ва ҳамдардлик билан бир-биримизнинг ташвиш ва ғамларимизни кўтарамиз.

Худонинг мадади билан бу дунёда зийрак яшашга, фосиқлик ва ўткинчи эҳтирослардан воз кечишга ҳаракат қиламиз, сувга чўмдирилиш орқали бу дунё учун ўлиб, қайта тирилганимизни ёдда тутамиз, чунки энди бизда янги ва муқаддас ҳаёт кечириш масъулияти бор.

Биз жамоатнинг ибодатини, маросимларини, тартиб-интизом ва таълимотини қўллаб-қувватлаш орқали садоқатли хизмат давом этиши учун биргаликда меҳнат қиламиз. Биз мунтазам равишда ва хурсандчилик билан хизматни қўллаб-қувватлашга, жамоат харажатларини қоплашга, камбағалларга ёрдам беришга ва барча халқларга Хушхабар тарқалишига ҳисса қўшамиз.

Агар бошқа жойга кўчиб ўтсак, тез орада, шу аҳдга ва Худо Каломининг тамойилларига амал қиладиган бошқа жамоатга қўшиламиз.

Раббий Исо Масиҳнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Руҳнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир. Омин.

АЛОҲИДА

МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

Соғлом жамоат нима эканини тушунишим ҳамда ҳис қилишимда кўплаб одамлар ёрдам берган бўлса-да, бу китобни ёзишимда икки киши жуда катта ҳисса қўшди.

Мэт Шмуккер жамоат ҳақидаги маълумотлардан иборат мақолаларни битта буклетга жамлашни биринчи бўлиб таклиф қилди ва ўша буклет шу китобнинг илк шакли бўлган. У бу китобдаги ғояларни кенг оммага етказиш учун доимо мени илҳомлантириб келган. У бўлмаганида, бу китоб пайдо бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Жонатан Лиман мазкур китобнинг пайдо бўлишига шунчалик катта ҳисса қўшдики, ҳатто китобнинг муқовасига муаллиф сифатида “Марк Девер ва Жонатан Лиман” деб ёзиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрдик. Охирги кун эса материалларнинг асосий қисми меники бўлгани, аввалги “9 белги” рисоласи билан боғлиқлиги ҳамда китобнинг ёзилиш услуби (“мен” сўзи менга тегишли бўлгани, ҳаётимдан мисоллар келтирилгани) туфайли муаллиф сифатида фақат менинг исмим ёзилишига қарор қилдик. Шунинг таъкидлаш керакки, “Жаноб Бурун ва Кўллар” масалини, Худо Каломидан фойдаланиш ҳақидаги Янги Аҳдга оид узун рўйхатни ҳамда китобнинг биринчи ярмидаги бошқа қисмларни Жонатан ёзган. У эски рисола қайта тузиш ҳамда ушбу янги, кенгайтирилган, шунингдек умид қиламанки, янада фойдали бўлган шаклга солишда катта ҳисса қўшди. У жуда қобилиятли биродар бўлиб, мен ундан катта ёрдам оляпман. Ва албатта, сиз ҳам ундан ўзингиз билганингиздан кўпроқ фойда оляпсиз.

МУҚАДДАС КИТОБГА ИҚТИБОСЛАР

Ибтидо

1	87
1:11-12	57
1:26	57
1:27	126
4:9	51
5:1	58
5:1-8	57
9:6	58
12	87, 94
12:1-3	58

Чиқиши

4:22-23	59
19	94
19:5-7	58
20:7	166
24	94

Левит

11:44	59
19:2	59, 126
20:7	59

Сонлар

15:30-31	126
----------------	-----

Қонунлар

5:11	166
30:19	67

Йешуа

7	128
---------	-----

2-Шоҳликлар

7	96
---------	----

3-Шоҳликлар

8:41-43	59
---------------	----

Санолар

15:10	96
50:6	110

Ҳикматлар

24:1	126
24:25	126

Ишаъё

43:25	99-100
49:6	160
53:4-6	97-98
53:5	61

Эзекел

37	87, 114
----------	---------

Йонаҳ

2:10	114
------------	-----

Матто

4:4.....	60, 68
4:19.....	62, 67, 68
5:9.....	62
5:16.....	139
5:44.....	62
5:48.....	62
7:1.....	127, 130
7:3-5.....	76
16:18.....	38
16:19.....	118
18.....	86, 127, 128
18:15-17.....	127
18:17.....	127, 143
18:18.....	118
22:34-40.....	34-35
23.....	128
28:18-20.....	17, 160
28:19.....	62
28:20.....	68

Марк

3:32-35.....	51
4.....	68

Луқо

1:2.....	68
2.....	128
3:38.....	57
9:62.....	115
11:28.....	68
12:4-5.....	131
12:20.....	115
17:3.....	127
22:20.....	61
24:27.....	88

Юҳанно

1:13.....	114
3.....	94, 114
3:5.....	108
3:19-20.....	109
6:38.....	60
8:28.....	60
10:10.....	115
12:49.....	60
13:34-35.....	62
14:9.....	60
17:1-3.....	60
17:20-23.....	62
20:21.....	62, 67-68
20:23.....	118
21:15-17.....	69
21:19.....	115

Ҳаворийлар

1:14.....	152
2.....	96
2:24.....	97
2:42.....	69, 152
4.....	149
5.....	128
6.....	141, 142, 147
6:4.....	88, 142
9:4.....	42
14:23.....	145
15:36.....	163
16:4.....	145
17:1.....	131
18:5.....	146
20:17.....	143, 145
20:28.....	143
21:18.....	145

<i>Ёқуб</i>		<i>3-Юҳанно</i>	
1:18	72	4	72
1:22	72	7	162
2:14	111		
2:14-15	38	<i>Яхудо</i>	
2:20-24	134	4:16	72
3:1	131	15	72-73
5:14	145	20-21	17
		23	130-131
<i>1-Петрус</i>			
1:3-6	116	<i>Римликлар</i>	
1:23	72	3:10	109
1:25	72	3:20	109
2:2	133-134	5:8	62
2:10	95	6	94
2:12	139	6:1-18	38
4:10	17	8:5-14	38
		8:26	150
<i>2-Петрус</i>		9	128
1:5	128	10:14-15	146
1:5-11	134	10:17	67, 69, 87
1:20-21	72	12:19	128
3	131	13	128
3:18	139	14-15	130
<i>1-Юҳанно</i>		<i>1-Коринфликлар</i>	
2:5-6	72	1:2	36
2:19	122	1:9	36
3:2	63-64	1:18	69
4:8	97	1:21	69, 87
4:10	98	3	128
		3:6-7	139
<i>2-Юҳанно</i>	131	3:9	94
6	72	5	26, 128, 131, 144
		5:1	117
		5:5	128-129
		6	128

9:14	146	3:10-11	63
11:28	128	4:11-13	70
12:18-21	19	4:13	17
12:21	37	4:15	17, 133
12:22-26	42-43	5:25	47
15:23	63	5:25-32	28
		6:19-20	88
<i>2-Коринфликлар</i>			
1:20	97	<i>Филиппиликлар</i>	
2	144	1:14	70
2:6	118	2:7	59
2:17	69	2:15	94
3:14	63	4:3	118
3:16	63	<i>Колосаликлар</i>	
3:18	63, 166	1:10	133
4:2	69, 113	1:15	60
5:11	113	2:19	139
6:14-7:1	126	3:16	70
10:15	133	<i>1-Фессалоникаликлар</i>	
13:2	126	2:12	94
<i>Галатияликлар</i>		2:13	70
1	86, 141, 144	5:17	152
1:6	26	<i>2-Фессалоникаликлар</i>	
1:9	69	1:3	133
3:26-27	61-62	2:15	70
4:6	62	<i>1-Тимотий</i>	
<i>Эфесликлар</i>		1:20	129
1:5	36	3	131, 148
1:13	69-70	3:2	71, 145
2	35	3:9	71
2:1	109	4:13	146
2:11-22	95	5	117
2:14-16	35	5:17	42-43, 144, 146
2:19	35	6:3-5	126
2:21	35		

2-Тимотий

3:1-5.....	126
3:17.....	56
4.....	141, 144
4:2-4.....	71

Титус

1.....	148
1:3.....	71
1:5.....	145, 146
1:9.....	145

Филимон

6.....	71
--------	----

Ибронийлар

1:3.....	60
2:11.....	36
4.....	128
4:12.....	71-72
10:23-25.....	27, 119
10:23-27.....	39
12.....	128
13:17.....	27

Ваҳий

3:8.....	73
5:8.....	150
5:9.....	161
7.....	163
20.....	128
21:1-4.....	98-99
21:22-22:5.....	99
21:27.....	118

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАРНИ КЎТАРИШ ҲАРАКАТИДА

СИЗНИНГ ЖАМОАТИНГИЗ СОҒЛОММИ?

9Marks (9 Белги) хизмати Худонинг улугворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиши учун жамоат етакчиларини Каломий қараиш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳдаймиз:

1. Экспозицион ваъз қилиш
2. Хушхабар таълимоти
3. Юқоридан туғилиш ва Хушхабар тарқатиш бўйича Каломга асосланган тушунча
4. Жамоат аъзолиги бўйича Каломга асосланган тушунча
5. Каломга асосланган жамоат тартиб-интизоми
6. Каломга асосланган шогирдлик ва руҳан ўсиш
7. Каломга асосланган жамоат етакчилиги
8. Ибодат бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш

9. Эчилик хизмати бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш

9Marks (9 Белги) да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улуғворлигини намоён этишлари учун уларни қуроолантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

60дан ортиқ тиллардаги контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/international>

Жамоат масалалари бўйича саволлар тўплами



marvaridresurslari.org

Кўпроқ китобчаларни ва мақолаларни ўқиш ва тинглаш учун
Марварид Хизматларининг иловасини юклаб олинг!



СОҒЛОМ ЖАМОАТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ ВА УНИНГ СОҒЛОМ ЭКАНИНИ ҚАЕРДАН БИЛАСИЗ?

Ушбу китоб соғлом жамоатнинг асосий хусусиятларини, яъни экспозицион ваъз, Каломий теология ҳамда Хушхабарни тўғри англашни ўрганишга ёрдам беради ва ушбу хусусиятларни ўз жамоатингизда шакллантиришга қақиради.

Янги Аҳд муаллифларининг намунасига эргашиб, жамоатнинг барча аъзоларига — чўпонларга ҳам, оддий имонлиларга ҳам мурожаат қилган ҳолда, Марк Девер барча имонлиларни маҳаллий жамоатни сақлаб қолишда ўз улушини қўшишга чақирди. “Соғлом жамоат нима?” китоби ҳар биримизга Масиҳнинг танаси бўлган жамоатдаги вазифамизни бажаришимиз учун бир қатор ҳақиқатлар ва амалий тамойилларни тақлиф қилади.

“Ҳар бир чўпон ва ҳар бир имонли киши соғлом жамоат қандай бўлиши кераклиги ҳамда қандай қилиб ўз жамоатини иложи борида соғлом жамоатга айлантириши ҳақида билишга ҳаракат қилиши лозим. Марк Девернинг тушунишга осон ва самимий ушбу китоби бу борада сизга ёрдам беради.”

КЭВИН ДЭЁНГ, Шимолий Каролинадаги Christ Covenant Жамоатининг катта чўпони, Reformed Theological Семинариясида Тизимли Илоҳиётшунослик бўйича ассистент профессор

“Мен ушбу китобдан ва унинг муаллифидан умримнинг охиригача миннатдорман. Ушбу амалий китобни ўқинг ва маҳаллий жамоатингизга нисбатан муҳаббатингиз ортиб борсин.”

КЭРИ ФОЛМАР, муаллиф, “Priscilla Talk” дастури бошловчиси

“Бу китоб имонли кишиларга Худонинг улуғворлиги ва табиатини акс эттирувчи жамоатларни кўтаришида ёрдам берувчи жуда фойдали манба ҳисобланади.”

ЮЖИН ЛОУ, Сингапурдаги Grace Baptist Жамоатининг етакчи чўпони

МАРК ДЕВЕР Вашингтондаги Capitol Hill Baptist Church жамоатида бош чўпон бўлиб хизмат қилади. Дьюк университети битирувчиси бўлган доктор Девер Гордон Конвелл Теология Семинариясининг магистрлик даражасига, Жанубий Баптист Теология Семинариясининг Теология бўйича магистр даражасига ҳамда Кэмбридж университетининг жамоат тарихи бўйича докторлик даражасига эга. У 9 Белги ташкилотининг фахрий президенти бўлиб, бир қатор семинарияларда дарс берган. Доктор Девер кўплаб китоблар ва мақолаларга муаллифлик қилган. У рафиқаси Конни билан Вашингтонда яшайди ва Capitol Hill жамоатида хизмат қилади.

*Ушбу китоб “9 Белги: Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида” туркумига киритилган.

IX Белги